

► Бу ҳақда сўз борганда, 2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда 2008-2012 йилларда, яъни охириги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этгани, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланаётганини айтишнинг ўзи кифоя.

Осиё тараққиёт банкининг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайган.

Айни шу йўлда, шу мақсадларга эришишда Конституциямизда мустақамлаб қўйилган тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бугун дунёда эътироф этилган, “Ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт модели муваффақият топган.

Шулар ҳақида гапирганда, авваламбор, тадрижий тараққиёт концепциясини амалга ошириш, иқтисодиётни мафкурадан холи бўлиши, демократик ислохотларни босқичма-босқич жорий қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ролини тан олиш ва ўтиш даврида унинг таъсирини ошириш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби принципларни кўзда тутамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, таъкидлаш керакки, ҳар қандай демократик тизим негизда ётган – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқларининг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг манфаатлар мувозанатини ва бир-бирини тийиб туришини таъминлаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш тамойилларига асосланган сиёсий тизимни шакллантириш бўйича пухта ўйланган, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган ислохотларнинг таъсирини кўрамиз.

Бу – собиқ совет давридаги марказлашган режали-таксимот тизимидан воз кечиш ва бозор иқтисодиётининг бутун дунёда қабул қилинган тамойилларига ўтиш, Ўзбекистонда стратегик тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида хусусий мулкнинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш демакдир.

Бу – айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез ва жадал ривожланишини таъминлаш, шу асосда бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий-сиёсий барқарорлик кафолати, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган ўрта синф – яъни мулкдорлар синфини шакллантириш натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг шиддат билан ўсиб, тобора ривожланиб бораётган мамлакатга, инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини ҳақиқий қадрият деб биладиган демократик, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтларига эга бўлган мустақил ва суверен давлатга айланишини таъминлаб берган яна кўплаб ҳал қилувчи омилларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамиз: демократлаштириш ва либераллаштириш, биз учун принципиал жиҳатдан мутлақо янги бўлган давлатни шакллантириш – бу бир-икки йилда ҳал этиладиган вазифа

эмас, балки муайян муддат билан чегараланиб қолмайдиган узок ва узлуксиз жараён эканини яхши англаймиз, албатта.

Шу маънода, 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний давомидир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ислохотларни босқичма-босқич, изчиллик ва тадрижий ривожланишнинг давомийлиги асосида амалга ошириш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Концепция, ўз моҳият эътиборига қўра, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг узок муддатга мўлжалланган миллий стратегиясидир.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йилларида тўплаган оз бўлса-да, лекин ғоят мазмунли тажрибамиз бир ҳақиқатни тақрор ва тақрор тасдиқлаб бермоқда. Яъни, фақат демократик ўзгаришларнинг ҳаётда ўзини оқлаган моделлари негизда чуқур асосланган сиёсий йўл ва ислохотларни изчил амалга ошириш, бугунги дунёдаги тарихий ва реал воқеликни эътиборга олиш ҳисобидангина бу ислохотларнинг муваффақияти ва самарадорлигини, давлат ва жамиятнинг, аҳоли турмуш даражасининг юксак ва барқарор суръатлар билан ривожланишини таъминлаш мумкин.

Демократик ислохотларни қандайдир ҳавоий мақсадлар, амбициялар ва сохта обрў топиш учун сунъий равишда тезлаштириш, ўз хоҳишини амалдаги ҳақиқат деб кўрсатишга уриниш одатда тескари натижага олиб келади ва буни кўплаб мисолларда кўриш қийин эмас.

Концепцияда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастури бўйича бугунги кунга қадар мамлакатимиз Парламенти томонидан 12 та қонун қабул қилинди, 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси эса кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий эксперт ташкилотларни жалб этган ҳолда кўриб чиқиш ва муҳокама этиш босқичида турибди.

Шулар қаторида 2011 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80, 93, 96, 98-моддалар) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ғоят муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонун Президент – Давлат бошлиғи билан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасида янада мутаносиб конституциявий ваколатлар тақсимотини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда, шунингдек, Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш институти жорий этилган, айрим ваколатлар Президентдан Сенатга – Парламентимизнинг юқори палатасига ва мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасига берилган, маҳаллий кенгашларнинг ваколатлари сезиларли равишда кенгайтирилган.

Парламентимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларга киритилган қўшимчалар ҳам сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва янада либераллаштириш, “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари



Jurnal 1925- yildan chiqa boshlagan

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi**

Tahririyat:

Bosh muharrir

vazifasini bajaruvchi:

Jalolbek YO'LDOSHBEKOV

Bosh muharrir o'rinbosari:

Manzura SHAMS

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalash va dizayn:

Azamat FAYZULLAYEV

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Dilfuza KENJAYEVA

Jamoatchilik kengashi:

Yoqub AHMEDOV

*O'zbek milliy akademik
drama teatri direktori*

Fotih JALOLOV

*O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va
sport ishlari vazirining birinchi o'rinbosari*

Dilora MURODOVA

*O'zbekiston Davlat
konservatoriyasi rektori*

Suvon NAJBIDDINOV

*"Matbuot tarqatuvchi"
AK Bosh direktori*

Abdulahob NURMATOV

Andijon viloyati hokimligi mas'ul xodimi

Baxtiyor SAYFULLAYEV

*O'zbekiston Davlat san'at va
madaniyat instituti rektori*

Norbek TOYLOQOV

Pedagogika fanlari doktori, professor

Azamat HAYDAROV

*"O'zbeknavo" estrada birlashmasi
Bosh direktori*

E-mail: azimsuyunnur@mail.ru

Ushbu sonda:

Umida SAIDOVA

Konstitutsiya – hayotimiz qomusi

Adhambek ALIMBEKOV

Tarjimon – til zargari

Zulfiya QUROLBOY qizi

Kelin

Ilhomjon RUSTAMOV

Ibn Sino – Arastu izdoshi

Musallambonu

Men ozodlik hosilasiman

Sohib JONTOYEV

Tyusso xonim muzeyi

Ulug'bek RAHMONQULOV

Samoviy otlar

Bichimi 60x84^{1/8}. Buyurtma №135. Adadi: 2257 nusxa. Hajmi 6 b.t.
Bosmaxonaga 10.12.2012- yilda topshirildi. Bosishga 10.12.2012- yilda ruxsat etildi. Tahririyat
manzili: Toshkent – 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41- uy. Tel: 233 25 66, 233 27 94.
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0517- raqamli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.
Jurnal «Muharrir» nashriyoti matbaa bo'limida chop etiladi.
Bo'lim manzili: 100060, Toshkent shahri, Elbek ko'chasi, 8- uy.

қабул қилингани ҳамда ахборот тизимини ислоҳ этиш, хусусан, мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан модернизация қилиш жараёнида ҳал қилувчи рол ўйнайдиган ахборот-коммуникация технологиялари ва телевидение тизимида сўз эркинлигини таъминлаш борасида Концепцияда белгиланган вазифалар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шулар қаторида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”, “Жамоат назорати тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида” ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Улар юртимизда фуқаролик жамиятини жадал ривожлантириш, унинг одамларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини ошириш, ҳокимият тузилмалари фаолияти ошқоралигини кучайтириш ва бошқарув соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини хабардор этиш каби мақсадларга хизмат қилади.

Бу йил қабул қилинган “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг рол ва аҳамияти бағоят катта, деб ўйлайман. Бу қонунда мулк эгасининг ҳуқуқи устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳал қилувчи принцип мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан буён қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилади.

Ҳозирги вақтда янги таҳрирда амал қилаётган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонулар ва улар асосида имзоланган “Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, шунингдек, “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонлари ва бошқа қарорлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, уни диверсификация ва модернизация қилиш ва бунинг учун зарур ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда юртимизда инвестицион муҳит жозибadorлигини ва қулайлигини оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шу борада айтилган фикрларни яқунлаб, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатимизда бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ана шу барча қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормаларнинг ижросини мониторинг қилиш ва назоратга олиш ташқи ва жаҳон бозорларида глобал инқироз авж олиб бораётган бир шароитда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барчаси ҳақида тўхталиб ўтиш кўп вақт талаб этади ва ўз-ўзидан равшанки, бунинг ҳожати ҳам йўқ.

Юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонулар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш

суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизни ўз олдимизга қўйган бош мақсадимизга, яъни, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун айниқса муҳимдир.

Ана шундай юксак мақсадларга эришишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бу – ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз аҳолисининг онгу тафаккури ва дунёқарашида юз бераётган ўзгаришлар, унинг ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабати, тобора ўсиб бораётган сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, десам, асло муболага бўлмайди.

Эски мустабид ўтмишнинг оғир юки ва мероси ҳаётимизда барҳам топмоқда, одамларимиз бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини яхши тушуниб етмоқда, уларнинг миллий манфаатларимизга нақадар жавоб бераётгани ёки бермаётганини ўзига аниқ тасаввур этмоқда. Нега деганда, шуни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим, биз кўпни кўрган, курашларда тобланган, ор-номусимиз, кадр-қимматимизни, муқаддас динимиз ва кадриятларимизни юксак баҳолайдиган халқимиз.

Мухтасар қилиб айтганда, эл-юртимиз нималар ҳисобидан, қандай оғир ва машаққатли кунлар, синовларни бошдан кечириб, бугунги ютуқ ва марраларга эришганини ҳолисона баҳолаб, ҳар қандай кибр-ҳаво кайфиятларига берилмасдан, оёғимиз ердан узилмасдан, эртанги ёруғ, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган келажагимизга онгли равишда қадам қўймоқдамиз.

Бу йўлда бизнинг энг катта таянч ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимиздир.

Бу – Ўзбекистонда ташкил этилган, дунё миқёсида катта қизиқиш ва ҳавас уйғотаётган мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узок бўлган, замонавий касб-хунарларни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, эртанги кунга интилаётган бизнинг фарзандларимиздир.

Ҳар йили мамлакатимизда 600 мингдан зиёд бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўлланма олмоқда.

Ишончим комил, бундай ёшларимизнинг сафи қанча кўпайса, қанча ривож топса, ҳеч шубҳасиз, марра бизники, Ўзбекистонникидир.

Хурматли дўстлар!

Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазият ва жараёнлар, мавжуд можароларнинг кескинлашуви ва янги қарама-қаршилиқларнинг пайдо бўлиши, баъзи минтақаларда этник ва конфессиялараро тафовутлар негизда вужудга келаётган тўқнашувларнинг кучайиши, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда унинг оқибатлари жиддий таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда.

Ядровий технологиялар ва оммавий қирғин курулларининг тарқалиб кетиш хавфи, муросасизлик, радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, янги кескинлик ўчоқларининг пайдо бўлиши дунё ҳамжамиятида катта ташвиш уйғотмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида бундай жараёнларнинг барчаси жаҳондаги йирик давлатларнинг манфаатлари ўзаро тўқнашадиган минтақамизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги

ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида орғикча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

АЙСЕФ деб аталмиш коалицион кўшинларнинг 2014 йилгача ва ундан кейин кўшни Афғонистон худудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайиши хавфи борлиги, қиска қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда аҳвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги кўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Воқеаларнинг ана шундай йўналишда ривожланиши бутунги карама-қаршилиқнинг миллатлар ва элатлар ўртасидаги можарога айланиб кетиши, Афғонистонда фуқаролар урушининг янгитдан авж олиши, минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши кўпгина нуфузли экспертлар томонидан истисно этилмапти.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, вужудга келаётган вазиятда воқеаларнинг бундай салбий равишда ривожланишининг олдини олиш учун анча вақтдан буён муҳокама этилаётган энг мақбул вариант – бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистонга кўшни мамлакатлар ва шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, НАТО ва Россия иштирокида мулоқот гуруҳини шакллантиришдан иборат.

Бу гуруҳ хатти-ҳаракатларининг бош мақсади ўзаро кураш олиб бораётган кучлар ўртасида муроСага эришиш ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий-этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топган бўлар эди.

Таъкидлаш керакки, бу ечимнинг бошқа муносиб муқобил варианты йўқ.

Ўзбекистон ўзининг кўшни Афғонистон билан муносабатларини икки давлатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олиб, афғон халқининг ўз мамлакати келажагини ўйлаб танлаган йўлини ҳурмат қилган ҳолда, икки томонлама асосда шакллантириб келмоқда ва бундан буён ҳам шу принципга амал қилади.

Халқаро ҳамжамиятда қатта акс садо берган, 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун асосида айнан ана шундай ёндашувлар мужассамдир.

Мазкур концепция давлатимизнинг халқаро майдондаги асосий принциплари, стратегик устувор йўналишларини белгилаб беради ва Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг манتيкий давомидир.

Ўзбекистон, авваламбор, мамлакатимиз ташқи сиёсатида бош қадрият ва тамойил бўлган ўзининг узоқ муддатли миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда:

турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиши ҳақида; ўзининг суверенитети ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳақида ва ўз худудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида; очик, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принципларини аниқ-равшан баён этади.

Ўзбекистон мафкуравий тамойиллар сабабли рўй бераётган турли тўқнашувларга ўзининг жалб

этилишига ҳамда кўшни давлатлар ва худудлар билан чегаралардаги қуролли можаролар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди, яхши кўшничиликнинг юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир.

Минтақамизда мураккаб вазият вужудга келаётган шароитда, узоқ ва яқин атрофимизда турли карама-қаршилиқлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган ана шундай ташқи сиёсатгина халқимизнинг асл орзу-умид ва интилишларига мос келади.

Ишончим қомилки, Ўзбекистон ташқи сиёсатини айна шу принципларга асосланиб олиб боришни барча юртдошларимиз, бутун халқимиз қўллаб-қувватлайди.

Ҳурматли дўстлар!

2012 йилга мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили” деб ном берганимиз ва шу асосда азал-азалдан ҳаётимизнинг таянчи ва суянчи бўлиб келган, жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўйини бўлмиш оила институтини янада ривожлантиришга қарор қилганимиз халқимиз томонидан қатта мамнуният билан қабул қилинди.

Жорий йилга айна шундай ном бериш орқали ҳаёт абадийлигини, ҳар қайси инсоннинг бахту саодати, келажаги, орзу-интилишларини мужассам этадиган оилани янада мустаҳкамлаш ва фаровонлигини ошириш, бу борада олиб бораётган барча ишларимизни янги босқичга кўтаришдек олижаноб режаларни амалга ошириш кўзда тутилгани ҳаммамизга яхши аён.

Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастурининг ижроси, унда белгиланган кенг қўламли чора-тадбирларни бажариш натижалари, уларнинг амалий таъсири ва самараси ҳақида йил якунига кўра жойларда бўлиб ўтадиган йиғилишларда албатта батафсил ҳисобот берилади, деб ўйлайман.

Бугун эса, руҳсатингиз билан, ана шу дастурнинг маъно-мазмунини ифода этган энг асосий ва устувор йўналишлар бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Биринчи навбатда, оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш лозим.

Шу борада бугун замон талаб этаётган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва бунинг учун ҳуқуқий нормаларни шакллантириш, Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги ва шунга ўхшаш бир қатор қонунларни қабул қилиш шулар жумласидандир.

Жорий йилда оила, биринчи навбатда ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш каби ўта муҳим масалалар диққатимиз марказида бўлди.

Ана шу мақсадда “Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳукумат қарори қабул қилинди. Шу асосда ёш оилалар учун 2012-2013 йилларда ҳар бири 48 та квартирага эга бўлган 100 та қўпқаватли уй қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг ўзида 2 минг 400 та квартира фойдаланишига

топширилган бўлса, келгуси йилда яна шунча квартира қурилади. Ана шундай уйларни сотиб олишда қулай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Оилаларнинг фаровонлигини ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Мазкур банklar томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар, хусусан, мебел, маиший техника ва бошқа уй-рўзғор буюмларини харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилгани ёш оилаларнинг рўзғорини бутлашда, уларнинг оёққа туриб олишида катта мадад бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркорларнинг уч йил муддатга солиқлардан озод этилгани 40 мингга яқин иш ўрнини ташкил этишга имкон берди.

Дастур доирасида биз эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ғамхўрликни янада кучайтиришга алоҳида эътибор берганимиз ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Шулар ҳақида гапирганда, боқувчисини йўқотган, ёрдамга мухтож оилаларга 8 минг 600 дан зиёд қорамол ҳамда 1 миллион 900 мингга уй паррандаси тарқатилганини қайд этиш лозим.

Жорий йилда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларга қиймати қарийб 28 миллиард сўмдан иборат бўлган кишки кийим-кечак берилди. Янги ўқув йилида 510 мингга яқин биринчи синф ўқувчиси, шунингдек, уйда таълим олаётган, имконияти чекланган 11 мингга яқин бола давлат бюджети ҳисобидан 12 турдаги ўқув анжомлари тўплами билан таъминланди.

Айни вақтда ўқувчи қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ва рағбатлантириш мақсадида 190 мингга спорт кийимлари тўплами уларга совға тариқасида берилгани, 50 минг нафар бола бепул, 270 минг нафар бола эса имтиёзли асосда ёзги оромгоҳларда дам олдирилганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, юртимиз бўйича мингдан ортиқ ижтимоий ёрдамга мухтож бўлган ёш оиланинг никоҳ тўйлари хомийлар маблағлари ҳисобидан ўтказиб берилди.

2012 йилда яна бир долзарб вазифа – аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилди. Бу борада кичик қорхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилганини алоҳида тилга олиш зарур, деб биламан.

Йил давомида 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур касбларга тайёрлангани, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилгани биз учун ўта муҳим бўлган бандлик масаласини ечишда яна бир жиддий кадам бўлди.

Парламентимиз қабул қилган оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни янада ривожлантириш борасидаги қонуларимиз асосида ўтган давр мобайнида ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 905 миллиард сўмни, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 450 миллиард сўмни

ташкил этди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида тадбиркор аёллар учун Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалар жамғармаси маблағлари ҳисобидан 218 минг евро миқдорда микрокредитлар ажратилди.

Аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг меҳнатини энгилаштириш, уларнинг салоҳиятидан фаол ижтимоий, маданий, социал ва иқтисодий соҳаларда, болалар тарбиясида янада самарали фойдаланиш мақсадида илгари кўрилмаган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, бу борада “Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ҳукумат қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ хонадонларнинг маиший ва ошхона электр жиҳозлари билан таъминланишини яхшилаш, аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини энгилаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кенгайтириш бўйича катта ишлар қилинди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда электр маиший техникаси ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилда аввалги йилларга нисбатан 4 баробар ошди.

Юртимиздаги оилаларга уч йилга мўлжалланган 317 миллиард сўмга яқин истеъмол кредитлари ажратилгани опа-сингилларимизнинг оғирини энгил қилиш, аҳолининг турмуш маданиятини оширишга қаратилгани билан айниқса аҳамиятлидир.

Шу ўринда яна бир эътиборга лойиқ масалага тўхталмоқчиман. Бу йил қишлоқ аҳоли пунктларини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича кўрилган кўшимча чора-тадбирларга асосан қарийб 108 миллиард сўм ва 96 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланиб, 1 минг 220 километрдан зиёд янги сув тармоқлари барпо этилди ва реконструкция қилинди. Бу эса 872 та аҳоли пунктини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

Етук ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини кучайтириш, оила институтининг таълим ва тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилди.

Бу ҳақда гапирганда, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни, унинг самарасини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Ана шу тадбирлар ҳисобидан юртимиздаги 4,5 миллиондан зиёд ўқувчининг 76 фоизи мактаблар ва “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этилган фан, мусиқа ва санъат тўғарақларида, спорт машғулотларида фаол иштирок этмоқда.

Йил давомида мингга яқин умумтаълим мактаби замонавий компьютер хоналари, 1 минг 150 тадан зиёд касб-хунар коллежидаги ўқув устахоналари амалий машғулотлар учун зарур бўлган жиҳозлар, хомашё маҳсулотлари билан таъминланди. “Электрон таълим” лойиҳаси доирасида олий ўқув юртларининг кутубхона фондларини электрон шаклга ўтказиш борасидаги дастурий ишлар бошланди.

Интернет тармоғида ишлаш кўникмаларини эгаллаш бўйича қишлоқ ёшлари учун ишлаб чиқилган махсус ўқув дастури асосида 30 мингга яқин йигит-қиз ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўз билимини оширишга муваффақ бўлди.

“Мустаҳкам оила йили” дастури асосида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилганини бугун

мамнуният билан таъкидлашга ҳақлимиз.

Хусусан, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жорий этиб келинаётган, халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган “Соғлом она – соғлом бола” дастури доирасидаги чора-тадбирларимиз йил давомида янги босқичга кўтарилди.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро жамғармалар билан ҳамкорликда “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, замонавий техник воситалар ёрдамида малакали ташхис қўйиш, касалликларни илк босқичда даволаш ишлари аниқ режа асосида олиб борилди, профилактик тадбирларда аҳолининг барча қатламларини камраб олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бизнинг олий мақсадимиз бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун жорий йилда 8 миллион 300 минг нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий кўриқдан ўтказилди. Шулар қаторида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилганини айтиш жоиз.

Тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Шу борада Тошкент шаҳрида 21,5 миллиард сўм ва қарийб 23 миллион АҚШ долларидан иборат маблағ ҳисобидан куриб битказилган, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардиожарроҳлик мажмуаси бутунги кунда ўткир муаммо бўлиб турган юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволашда алоҳида аҳамият касб этиши билан айниқса эътиборлидир.

Таъкидлаш керакки, “Мустаҳкам оила йили” жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий қадриятларни асраб-авайлаш, юксак маънавий муҳитни қарор топтиришда, миллий менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши туришда бекиёс куч бўлган оиланинг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган кўплаб тадбирларга, жумладан, турли кўрик-танловлар, фестиваллар, кўرғазма ва ижодий кечаларга бой бўлди.

Мамлакатимизда ижтимоий аҳамиятга молик бошқа объектлар қатори замонавий спорт иншоотлари барпо этиш, бу йўналишдаги инфратузилма тармоқларини янада кенгайтириш борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўзида 168 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилди ва бутунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болаларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлди.

Юртимизда спорт соҳасини янада ривожлантириш, ўзбек футболни ривожини янги босқичга кўтариш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида замонавий “Бунёдкор” спорт мажмуаси куриб фойдаланишга топширилгани мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини яна бир бор ёрқин намоён этди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу мажмуа ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлод этиб ўстириш, спортчиларимизнинг жаҳон майдонларида юксак марраларни эгаллашга, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилиши муқаррар.

Болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган тизимли ишларимиз бутунги кунда ўзининг

амалий самараси ва ҳосилини бермоқда.

Ўзбекистоннинг футбол бўйича иккита терма жамоаси – ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз ҳамда ёшлар терма жамоамиз Осиё қитъасининг манаман деган, энг кучли мамлакатларининг терма жамоалари билан кескин курашларда ғалаба қозонгани, келгуси йили жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритгани, ҳеч шубҳасиз, нафақат футбол ишқибозлари ва спорт мухлисларини, ўйлайманки, бутун халқимизнинг кўнглини кўтариб, ғурур ва ифтихор етказди, десам, адашмаган бўламан.

Фурсатдан фойдаланиб, ёш футболчиларимизга, Ваганимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтариб келаётган барча спортчиларимизга, устоз-мураббийларга ташаккур билдириб, уларга бахт ва омад тилашга руҳсат бергайсиз.

Муҳтарам ватандошлар!

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида батафсил сўз юритишга кўп вақт кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Мен бу ўринда эътиборингизни фақатгина битта рақамга қаратишни жоиз, деб биламан.

Дастур доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортик ҳамда 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, бизнинг амалга оширган ишларимизнинг қўлами ва миқёси нақадар кенг ва улкан эканидан яққол далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай олижаноб ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, хорижий ва халқаро тузилмаларга, шу залда ўтирган чет давлатларнинг элчилари ва дипломатик ваколатхоналар вакилларига, эзгу мақсад йўлида сидқидилдан хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, “Мустаҳкам оила йили” ўзининг туб мазмун-моҳияти, руҳи ва фалсафаси билан, амалий таъсири ва натижаси билан эл-юртимиз хотирасида чуқур из қолдиради, десам, сиз азизлар шу фикрга қўшиласиз, албатта.

Қадрли юртдошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги – 2013 йилга қандай ном бериш ҳақида маслаҳатлашиб олишимиз керак.

Ўтган давр мобайнида бизнинг бу борада тўплаган тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, йилга фақат чиройли ном бериш эмас, бу ғояни мутлақ кўпчилик, умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган аниқ мақсад ва мазмун билан, таъсирчан ва самарали тадбирлар билан тўлдириш ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шарт.

Ўшундан қилиб айтганда, йилга ном бериш негизида авваламбор ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг ҳаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, таракқиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш – айна шу каби эзгу мақсад-муддаолар туриши лозим.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, обод деган сўзнинг маъносини

биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз. Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади.

Мустақиллик йилларида “Ободлик кўнгилдан бошланади” деган чуқур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бундай мулоҳаза ва фикрларни умумлаштириб, ўзбекона айтадиган бўлсак, барчамизни ҳаракат ва интилишларимиз негизида авваламбор юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш ғояси мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айни шундай орзу-ниятлар билан кундалик ҳаётимизни тўлдириш, уларни ҳаётимизнинг мақсадига айлантириш, шундай ғоя ва интилишни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда ғоят муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Азиз дўстлар, юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, мен кириб келаётган янги – 2013 йилни мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Биз 2013 йилга шундай ном берар эканмиз, ана шу йўналишда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришни асосий мақсад деб биламиз.

Шу муносабат билан қабул қилинадиган давлат дастурида қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Биринчидан, Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжихатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, хал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Албатта, бу масала бўйича масъул бўлган тегишли идоралар бор, куч-қудратимиз ҳам етарли. Лекин қачон юрт тинч ва обод бўлади? Қачонки ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, уни ҳимоялашни ўзининг бурчи, деб билса, тинчлик учун курашагина бу мақсадга эришиш мумкин.

Иккинчидан, обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида авваламбор фаровонлик, тўқинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барака, бозорларда арзончилик маъносини ўзида мужассам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий ғоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Дастурни тайёрлашда аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби вазифалар эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг “Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик” деган мақоли замирида мужассам бўлган ҳақиқатни ҳаётимиз тарзига айлантириш

йўлида янги йилда ҳам катта-катта ишларни амалга оширишимиз зарур.

Учинчидан, обод турмушнинг яна бир муҳим шarti – бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Ҳақиқатан ҳам, одамларимиз қачон, қаерда бўлмасин, дуога қўл очар экан, аввало, “Тани соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик бўлсин, юртимиз обод бўлсин”, деб ният қилиши бежиз эмас, албатта.

Шу боис халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади.

Тўртинчидан, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши керак.

Бешинчидан, биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Яъни, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шarti – бу аввало маҳаллани обод қилиш демакдир.

Шу борада маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолимизнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Ана шу ҳақиқатни амалда қарор топтириш учун бизнинг ҳали қиладиган кўп ишларимиз борлигини унутмаслигимизни истардим.


Албатта, 2013 йилда ўз олдимизга мана шундай катта вазифаларни қўяр эканмиз, уларни рўёбга чиқариш учун давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, зиёлиларимиз, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол ва муносиб иштирок этади, деб ишонаман.

Азизларим, кадрдонларим!

Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб ном берганимиз бизнинг мустақиллик йилларида олиб бораётган сиёсатимизнинг асосий, бош мақсади бўлмиш инсон манфаати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан қадам бўлиб хизмат қилишига аминман.

Яна ва яна бир бор барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман. ■

SOG‘LOM OILA



Оила жамиятнинг асоси, муҳим бир бўғинидир. Оила қуриш нафақат шахсий масала, балки у ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, комил инсон ҳар томонлама фаровон, бекаму кўст, соғлом оилада тарбия топади, улғаяди. Мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказиш, соғлом оилавий муҳитни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида эътироф этилгани бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига асосан никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий кўриқдан ўтишлари шарт. Тиббий кўриқдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилди. Мазкур моддага 2009 йил 11 мартда киритилган иккинчи қисмда “Эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўз розиликлари билан ўтказилишлари нормаланади”, деб белгиланади.

Мазкур модда нормаларини амалиётга кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сон Қарори билан тасдиқланган “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом ҳам тасдиқланган. Юқорида айтиб ўтилган кодекс нормалари ҳамда Низом талабалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Психиатр ёрдами тўғрисида”ги, “Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида”ги ҳамда “Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлари, авваломбор, соғлом оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга, ирсият билан боғлиқ туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишга қаратилгандир.

Никоҳланувчи шахслар қуйидаги касалликлар:



рухий, наркологик, захм, сил касаллиги ҳамда ОИВ,ОИТС бўйича тиббий кўриқдан ўтадилар.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш муқаддам амалда бўлган кодексда ўз ифодасини топмаганлиги сабабли, никоҳланувчи шахсларнинг никоҳлари қонун доирасида никоҳ тузиш тартиби ва шартларига риоя қилиниб тузилган бўлса-да, эр-хотинлардан бирида юқорида номлари зикр этилган касаллик турларидан айримлари никоҳга қадар уларда мавжуд бўлганлигини амалиётда учратиш мумкин эди. Бунинг натижасида, касалликка чалинган ота ёки онадан турли нуқсонлар (кар, соқов, ўз фикрини эркин ифода эта олмайдиган ёки ота-онасида мавжуд бўлган қон орқали юқадиган касаллик ОИВ/ОИТС) билан туғилган болалар сонининг кўп бўлганлиги бунинг ёркин мисолидир.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддаси ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Низом талаблари амалиётга кенг жалб қилиниши натижасида бугунги кунда мазкур касалликлар билан болаларнинг туғилиши бирмунча камайганлигини кўриш мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳозирги кунда республикада “Оила илмий-амалий маркази”, шаҳар ҳамда туманларда Фуқаролик ҳолати ражалаштириш бўйича марказлар томонидан никоҳланувчи шахсларга тиббий кўриқдан ўтишнинг афзалликлари хусусида батафсил маълумотлар бериб борилмоқда. Бу чора-тадбирлар, айтиш мумкинки, ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, тиббий кўриқ натижалари бўйича маълумотнома беришда шифокор никоҳланувчи шахсга аниқланган касалликларнинг никоҳ тузилгандан кейин юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини тушунтиради.

Юқорида кўрсатилганлардан шундай хулосага

келиш мумкинки, бугунги кунда ҳар бир оила аъзосининг соғлом бўлиши, янги туғилган фарзанднинг соғ ва саломат вояга етиши қанчалик муҳим иқтисодий ва маънавий масала эканлиги барчага аён дидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1096- ва “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1144- қарор ҳамда юқорида номлари санаб ўтилган қонунлар ва “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом мамлакатимизда оилаларнинг ижтимоий барқарорлиги, фаровонлиги йўлида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Доно халқимизда “Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади”, деган нақл мавжуд. Шунинг учун никоҳланувчи шахслар, албатта, никоҳ тузиш тартиби ва шартларига риоя қилган ҳолда тиббий кўриқдан ўтсалар, келажак авлод етук ва баркамол, шунингдек, барча оилалар тинч-тотув ҳамда аҳил бўладилар.

Мамалакатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида аввало, инсон манфаати, фаровонлиги, соғлиги туради. Шунинг учун мустаҳкам ва соғлом оила, баркамол авлод масалалари доимо кун тартибда. Зеро, келажакимиз бунёдкорларининг ҳар томонлама соғлом бўлишини таъминлаш учун бугундан киришиш мақсадга мувофиқ.

*Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Олимхон ҲИКМАТУЛЛАЕВ*

Konstitutsiya — hayotiy qomus

Конституция узоқ йилларга мўлжалланган муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида жаҳон цивилизациясининг буюк ютуғидир. Ҳеч бир демократик давлатни Конституциясиз тасаввур этиб бўлмайди. Дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир турли мамлакатларнинг конституциявий ривожланиши турлича бораётганини кўришимиз мумкин.

Аксарият Ғарб мамлакатларига конституциявий ривожланишнинг инқилобий ислохот йўли хос бўлиб, бунда Конституция инқилоб натижасида, жиддий сиёсий ва ижтимоий бўҳронлар вақтида қабул қилинади.

Бу борадаги ислохотларнинг иккинчи йўли тадрижий хусусиятга эга бўлиб, бир конституциявий тузумдан иккинчисига ўтиш аста-секин, босқичма-босқич, халқнинг азалий анъаналари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Бундан роппа-роса йигирма йил муқаддам, парламент сессиясида халқимиз умумий иродасининг ҳосиласи — мустақил Ўзбекистоннинг ўз Конституцияси айнан шу тарика қабул қилинди. Давлат ва жамият ҳаётининг Асосий Қомуси бўлмиш бу юридик ҳужжат қонун чиқариш фаолиятининг гултожи, десак муболаға бўлмайди.

Конституциянинг қабул қилиниши мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа, мустақил Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам сифатида тарихда қолди. У суверен давлатимизнинг ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг тағзамини, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тошидир.

Маълумки, Конституция демократиянинг энг муҳим

институтларидан бўлиб, одатда бир ғоя билан бирлашган учта вазифани бажаради. Биринчидан, у сиёсий ҳужжат сифатида жамиятда муайян ижтимоий муҳитни юзага келтиради, сиёсий тизимни белгилаб беради. Иккинчидан, Конституция юридик ҳужжат сифатида давлатнинг қурилиши ва сиёсий тизимини мустаҳкамлайди, қонунларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Учинчидан, мафқуравий жиҳатдан Конституцияда муайян ғоялар, қарашлар ва қадриятлар акс этади. Конституциямизда мустаҳкамланган миллий ғоя, мамлакатни, халқни бирлаштиришга ва жиқслаштиришга хизмат қилади. Бу, айниқса, асосий қонуннинг муқаддасида ўз аксини топган.

Конституциянинг моддаларини ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида Олий Мажлис йигирма йил мобайнида 7 та конституциявий қонун, 15 та кодекс, 600 дан ортиқ қонун қабул қилди. Ушбу қонунлар, шак-шубҳасиз, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг манфаатларини, бошқа мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Конституциямиз имкониятларини кенг қўламда амалга ошириш ва конституциявий нормаларни ривожлантиришга қаратилган ана шу қонунларни қуйидаги йўналишларга ажратиб таърифлаш мақсадга мувофиқ кўринади.

Биринчи йўналиш — давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасига доир қонунлар. Давлат мустақиллигини мустаҳкамловчи Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги конституциявий қонун, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, судлар, прокуратура, божхона, Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги, маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунлар шулар жумласидандир.

Иккинчи йўналиш — сиёсий соҳага доир, яъни ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар. Бунга фуқаролик,



Кўшиқ санъатнинг бошқа турларига нисбатан тез оммалашади. Истаймизми, йўқми бир кунда йўл-йўлакай, иш жараёнида, телевизор, радиодан камида беш-олтита кўшиқ тинглаймиз. Баъзида ўзимиз ҳам беихтиёр хиргойи қиламиз. Бизда она алласидан тортиб, тўй-маросимларгача ҳаммасида кўшиқ куйланади. Бир концертдан чиққан танишимнинг эътирофича, бутун концерт дастуридан битта хиргойи афзал эмиш. Нима ҳам дердик, дид ҳаммада хар хил.

Фонограмма қатта концерт

дастурларини, оммавий байрам-тадбирларни ўтказишда жуда қулай восита. Бирок фонограммаларнинг концертлар тингловчиларни бездирётгани ҳам сир эмас. Шуни инобатга олган ҳолда, эстрада, анъанавий ижрочилик ва академик вокал йўналишида ижод қилаётган ёш истеъодларни излаб топиш, уларни кенг жамоатчиликка танитиш, ёш эстрада ижодкорларининг профессионал малакасини ошириш, қатта сахналарда ўз санъатини намойиш этишига йўл очиб бериш мақсадида “Ўзбекнаво” эстрада

бирлашмаси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Тетта Group” компанияси ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорлигида икки йилдан буён жонли ижродаги кўшиқларнинг “Марди майдон” фестивали ўтказиб келинмоқда. Ушбу фестивал жараёнида элликка яқин ёш хонандалар ўз фаолиятини йўлга қўйди. Яқинда “Истиклол” санъат саройида биринчи марта “Марди майдон” – жонли ижродаги кўшиқлар фестивали совриндорлари ва таниқли санъаткорлар иштирокида “Сени шарафлаймиз,

сайловлар, референдум, қонун лойиҳаларининг умумхалк муҳокамаси, сиёсий партиялар, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, нодавлат, ноижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги ва бошқа шу каби қонунлар мансубдир.

Учинчи йўналиш — иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий негизини яратишга қаратилган бўлиб, Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ижара, гаров, давлат божи, патта тўлови, ер солиғи, монополистик фаолиятни чеклаш, биржалар ва биржа фаолияти, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси, аудиторлик фаолияти, банкротлик, банклар ва банк фаолияти, эркин иқтисодий зоналар, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари, ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунлардан иборат.

Тўртинчи йўналиш — маънавий-маърифий, ижтимоий ва маданий соҳаларга тааллуқли қонунлар мажмуи. Давлат тили, таълим, жисмоний тарбия ва спорт, фуқаролар соғлиғини сақлаш, дори воситалари ва фармацевтика фаолияти, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги, байрам кунларини тартибга солиш, энергиядан оқилона фойдаланиш, архитектура ва шаҳарсозлик, тўғрисидаги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва ҳоказолар.

Бешинчи йўналиш — ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий сиёсатга доир қонунлар. Бу гуруҳга Ўзбекистонни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи қонун ҳужжатлари, ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий принциплари, дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш, ташқи иқтисодий фаолият, халқаро шартномалар, етакчи халқаро ташкилотларга аъзолик, валютани тартибга солиш, чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар киради.

Шундай қилиб, Конституцияни амалга оширишнинг

реал ҳуқуқий механизми яратилди. Бош Қомусимизни яратиш тажрибаси ва кейинги қонунларни тайёрлаш жараёнлари натижаси ўлароқ, бугун юртимизда миллий қонунчилик мактаби — қонун яратишнинг ўзбекча йўли шакллانганлиги тўғрисида фахр билан гапириш мумкин.

Қонун ижодкорлиги ўзбек йўлининг ўзига хос хусусиятлари Олий Мажлисимиз фаолиятида қандай намоён бўлмоқда, деган савол туғилиши табиий. Бу, аввало, қонунларимизни тайёрлашда миллий ҳуқуқий меросимизга таяниш, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва ривожланган давлатларнинг ҳуқуқий тажрибаси атрофлича ўрганилишида ҳамда ҳисобга олинмишида яққол кўзга ташланади. Миллий қонунларни ҳолис халқаро экспертизадан ўтказиш, хорижий давлатлар мутахассисларининг хулосаларини олиш анъанага айланди.

Бундан ташқари, мустақиллик йилларида қонунчилик бўйича етук малакали миллий кадрлар тарбия топди. Қонун ижодкорлиги соҳасида халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини тортаётган миллий-ҳуқуқий тажриба тўпланди.

Бир сўз билан айтганда, истикболдаги конституциявий-ҳуқуқий ислохотларимиз самарадорлигини таъминлайдиган мустаҳкам замин яратилди. Ғурур ва ифтихор билан шунини таъкидлаш лозимки, энди биз фақатгина чет эл тажрибасини ўрганувчи субъект сифатида чекланиб қолаётганимиз йўқ, балки ўзбек парламенти яратган қонун ҳужжатлари ҳам хорижий давлатларнинг ўрганиш объектига айланди.

Конституциямиз, кодекс ва қонунларимиз чет эллик олимлар, сиёсатчилар, мутахассислар, ишбилармонлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаётир. Шунинг баробарида, ҳатто уларнинг амалиётида ҳам кенг тадбиқ этилмоқда. Бу тажрибамиз нафақат Марказий Осиё давлатларида, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва Шарқий Европада ҳам катта амалий қизиқиш уйғотмоқда ҳамда улар томонидан ўрганилмоқда.

Умида САИДОВА

Ўзбекистон!” деб номланган катта концерт бўлиб ўтди.

Фестивалда иштирок этиш ис-тагини билдирган ёшларнинг сони кундан-кунга ортиб бораётгани унинг кўлами кенгайиб бораётганидан далолат беради. 2012 йил доирасида 25 февраль куни ўтказилган фестивалнинг илк дастурида 8 нафар, 24 апрель куни ўтказилган дастурида 9 нафар, 25 июнда ўтказилган дастурда 10 нафар ёш истеъдод эгалари ўз маҳоратларини синаб кўрдилар.

Фестивалнинг яна бир эътиборли тарафи шундаки, унда иштирок этаётган ёшлар Бирлашма томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Бунга биргина мисол, 2011 йилда фестиваль лауреати бўлган Шерзод Ортиқов, Эътибор Отажонов ва Умида Хўжаеваларга имтиёзли лицензиялар берилди, уларнинг янги кўшиқларини тайёрлаш молиялаштирилмоқда. Шунингдек,

Шерзод Ортиқов Наврўз умумхалк байрамида, Умида Хўжаева, Шерзод Набиҳўжаев ва Милена Мадмусаева ҳамда “ЭлДиДо” гуруҳи Мустақиллик байрамида иштирок этиш бахтига муяссар бўлишди.

Мазкур гала-концертда фестиваль совриндорларидан ташқари Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулсанам Мамазоитова, Алишер Файз, Ҳосила Раҳимова, таниқли хонандалар Жаҳонгир Отажонов, Шаҳзода, Ўлмас Оллоберганов, Муниса Ризаева кабиларнинг чиқишлари йиғилганларга завқ бағишлади.

Фестивалда “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси Бош директори Азамат Ҳайдаров бугунги ижрочилик масалалари юзасидан фикрларини баён этди. Режиссёр Рустам Шамсутдинов саҳналаштирган дастурга “Тумор” ракс ансамблининг рақслари алоҳида файз бағишлади. Фестивалнинг асосий

шартига кўра, кўшиқлар фақат жонли ижро этилди. Шунингдек, тадбир доирасида ўқиш ва ижодий фаолиятида тенгдошларига ўрнатилган Лобар Умарова, Зулхумор Мамарасулова, Сафарбой Шерматов каби талаба хонандаларга “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси томонидан истеъдодли ёшлар учун таъсис этилган стипендия сертификати топширилди. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо ҳамда Ўзбекистон давлат консерваториясининг ректори Дилора Муродовалар стипендиатларни табриклаб, дипломлар топширишди.

“Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси мудом ҳаракатда. “Марди майдон” сингари тадбирларнинг ёш, истеъдодли хонандаларни кашф этиб, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти бардавом бўлсин.

ХОНИМОЙ



“Alpomish” hamisha g‘olib

Осиё “Достончилик санъати” Қўмитаси томонидан эртак, афсона ва эпослар сценарийлари халқаро танлови ғолибларига Гран-при соврини топширилди

Бу йил Ўзбекистон ва Корея ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 20 йил бўлди. Ўзбек Миллий академик драма театрида Осиё “Достончилик санъати” Қўмитаси томонидан Жанубий Кореянинг Кванджу шаҳрида бўлиб ўтган эртак, афсона ва эпослар сценарийларининг Халқаро танлови ғолиблари “Алпомиш” киносценарийси муаллифларига Гран-при совринини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу халқаро кўрик-танловнинг мақсади халқ достончилиги ижодидаги асрлар оша бизгача етиб келган асл нусхадаги санъат асарларини сақлаш ва замонавий кўринишда талқин қилиб авлодларга етказишдир. Тадбирга санъат, маданият, театр ва кино намояндалари, журналистлар, талаба ва ўқувчилар ташриф буюрдилар.

Тадбирда Корея Республикасининг фавқуллода ва мухтор элчиси жаноб Чо Де Ван Халқаро танлов ғолиблари Мастура ва Жасур Исоқовларга Гран-при мукофотини топшириб, уларни самимий кутлади. Ушбу ғолиблик Исоқовларга “Мустаҳкам оила” йилида муносиб совга бўлди.

Бундан ташқари, Жасур Исоқовнинг “Шахзода Шерзод саргузаштлари” деб номланган киносценарийси Марказий Осиё ва Корея Республикаси мамлакатлари маданият вазирликларининг энг яхши киносценарийси номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Совринни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Турсунали Қўзиев топширди.

Турсунали Қўзиев, “Ўзбекистоннинг замонавий маданияти мамлакатимизнинг бой тарихига асосланиб ривож топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Париж шаҳрида ЮНЕСКО раҳнамолигида “Алпомиш” халқ эпосининг 1000 йиллиги нишонланиши, Тошкент шаҳрида халқаро Конференция ўтказилиши ҳамда афсонавий қаҳрамоннинг юрти бўлган Термиз шаҳрида Алпомиш хайкалининг ўрнатилиши юртимиздаги ижодий потенциални янада оширди”, дея таъкидлади.


Номоддий маданий меросимизнинг гавҳари бўлган “Алпомиш” бўйича киносценарийнинг Гран-прига сазовор бўлиши бой маданий меросимизнинг халқаро микёсда яна бир бор тан олиншидир.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Қўлёзмалар фондида халқ достончилигининг ноёб намуналари сақланмоқда. Юртимизда йилдан йилга Алпомиш ва Барчиной каби достон қаҳрамонлари номи билан ёш авлодда Ватанга бўлган меҳр ва садоқатни кучайтирувчи спорт мусобақалари ҳам кўпаймоқда.

Тадбир сўнгида иштирокчилар учун “Алпомиш” спектаклидан сахна кўриниши ва фольклор кўшиқ дастурлари тақдим этилди.

Дилфуза КЕНЖАЕВА тайёрлади

Ichkari Ichkarida bo'lsa



Ёшлигимда телевизор мен учун мўъжиза эди. Ҳамма кўрсатувларни кўраверардим. Нима мумкин, нима мумкин эмаслигини уйдагилар таъқиқларидангина хис қилардим. Машхур “Келинлар кўзғолони” фильми эфирга чиққанида қанчалик кўргим келмасин, катталар рухсат беришмасди. Отамнинг йўталиб кўйишлари, онамнинг ишоралари билан хонани тарк этардим. Кейинчалик бу кинони кўриб, болаларни чеклайдиган нимаси бор экан, дея қизиқдим. Ва топдим. Тунги сахналар, хобхоналарда олинган сюжетлардан бизнинг кўзимизни тийишар экан. Кинонинг моҳиятини очиш учун хизмат қиладиган ушбу сахналардан болаларнинг кўзини тийиш керакми-кан?..

“Келинлар кўзғолони” фильмида хобхона сахналари керак ўринларда, ўзлигимизга дахл қилмайдиган даражада қўлланилган. Бироқ баъзи замонавий фильмларда ўрни бўлса-бўлмаса, хобхоналардаги сахналардан фойдаланилаверади.

Мен америкалик ёзувчи О.Генрининг “Шафтоли” ҳикоясини ўқиганимда, асал ойида турмуш ўртоғига эркалик қилиб, айна баҳорда шафтоли топиб келишини айтган келинчакнинг, ўз келинчагига шафтоли топаман деб, тун бўйи кўпгина саргузаштларга дуч келган бокс қиролининг кечинмалари билан танишганман. Яқинда “Тундан тонггача” бадиий фильмини кўриб, шу ҳикоя эсимга тушди.

Ёзувчи “Шафтоли” ҳикоясида янги келинчакнинг эркалигини, ёш келин-куёвларнинг хайрлашиш жараёнини шундай ёзганки, уларнинг хатти-ҳаракатида бирор бачканалик уч-

рамайди. “Тундан тонггача” фильмида ҳам ёш келин-куёвларнинг айна ҳаёти, айна эркалиги ҳикоя қилинади. Бироқ бизнинг келинчагимиз банан егиси келади. Бунда мен фильм ижодкорларини кўчирмақашликда айбламайман. Битта мавзуда ўхшаш асарлар ёзилгани тарихда кўп. Бироқ фильмдаги бошқа бир томонларни таъкидламоқчи эдим. Маълумки, воқеалар шаҳар ҳаётдан олинган. Бугунги кунда исталган пайтда шаҳарларимиздан банан топиш мумкин. Тунда ҳам ишлайдиган дўконлар, мева расталари кўплаб топилади... Масаланинг яна бир томони юқорида таъкидланганидай, хобхоналардаги сахналар. Айна шу лавҳалар уйнинг бошқа хоналарида олинса, кино мазмунига ҳеч қандай таъсир қилмайди. Яна куёвни ҳаммомдан қидиришаётганда қудаларнинг куракда турмайдиган ҳазиллари кинога қулғу ўрнига бачканалик беради.

Бу – битта фильм ҳақидаги гап. Лекин кўплаб киноларимизда шу томонлар борлиги сир эмас. Бизнинг юртимиз нуфузли киноанжуманга мезбонлик қиляпти. Киноларимиз дунё киномутахассисларининг эътирофига сазовор бўляпти. Бизнинг киноижодкорларимиз меҳнатлари, ютуқлари таҳсинга сазовор. Бироқ ўз миллий маънавиятимизга мос бўлмаган томонлар, томошабинни жалб қилиш учун ишланган лавҳалардан воз кечсак ҳам ҳеч нарса йўқотмаймиз. Янги фильмларнинг асосий томошабинлари бўлган ёшлар онгига ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларни сингдириб борамиз. Ва бу бизнинг яна бир ютуғимиз бўлади.

Яқинда таниқли хонандаларимизнинг қайнона-келин муаммолари

ҳақидаги кўшиғини эшитиб қолдим. Кўшиқ ёқди. Клип ҳам яхши. Келин бир сўздан қолса, олам гулистон экан. Аслида ҳам шундай, бир гапдан қолиш билан келинлар оила риштасини мустаҳкамлашлари мумкин. Бироқ қайнонанинг эрта ётиб, кеч турасиз, қабилдаги ёзғиришига келиннинг жавобини баҳолашга тилимиз ожиз: “Нима қилай, қайнонажон, ўглингиз шўх, ёмон-да”... Қофия қувиб, қолипдан чиқиш маъқулмикан?! Шу тарзда давом этаверса, санъатдан қочаётган ҳаёни ҳаётда ҳам қидириб қолмасак...

Бу масалани клиплар ҳақида ҳам айтса бўлади. Ўрни бўлса-бўлмаса, ётоқ жойда клип ишлаш шартмикан. Тўғри, бугунги шоу-бизнес ранг-барангликни, ўзига хосликни талаб қилади. Хонандалар бизнинг ўринли-ўринсиз танқидларимиздан безиб кетишиди. “Ким тош отса, кўшиқчининг бошига тушади”, деб ўринли эътирозлар билдиришди. Бироқ маънавиятимиз ҳақида гап борар экан, яна танқидий мулоҳазаларимизни айтмай илож йўқ. Бизнинг гўзал шаҳарларимиз, такрорланмас табиатимиз бор. Ижод қилинса, ишланса, мавзулар қўлами кенг. Нега энди ҳадеб “ичкари”да клип ишлаш керак?! Мавзуга мос тушса-тушмаса, ясатилган хобхонада, ёлғизликдан, чорловдан иборат кўшиқлар айтиш — биронинг энги узун, ёқаси қатта қўйлаги билан тўйга боришдай қулгили эмасми?!

Мулоҳазаларим эриш туюлар, бироқ “ичкари” ичкарида бўлгани яхши. Унга ҳаммани қарагиш шарт эмас, ахир, бежизга у “ичкари” эмас.

Манзура ШАМСИЕВА

ТАРЖИМОН – Тил зарғари

Бадий таржима ёзувчи Муҳаммад Али ижодида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таржима соҳасида қилган ишларига назар ташланса, дунё адабиётининг кўзга кўринган кўпгина вакиллари ижоди кўз олдимизда намоён бўлади.

Бадий таржима ҳар бир ижодкор учун маҳорат мактабидир. XX аср ўзбек адабиётининг барча йирик вакиллари таржима билан шуғуллангани бежиз эмас. Таржима ижодкор каламини чархлайди, ижодий тафаккурини юксалтиради. Айни пайтда таржимон икки халқ олдида масъулиятни унутмаган ҳолда ижод қилиши керак. Биринчиси, тил эгаси бўлган халқнинг олдидаги жавобгарлик бўлса, иккинчиси, ўз халқига аслиятнинг бутун бадий тароватини сақлаган ҳолда етказиш масъулиятидир. Муҳаммад Али ижодига назар ташлаб, мана шуларни ҳис қилган ҳолда таржимага қўл урганига гувоҳ бўламыз.

Муҳаммад Али таҳсил йилларидаёқ таржимага мурожаат этиб, буюк шотланд шоири Роберт Бёрнснинг шеърларини ўзбекчага ағдариб билан шуғуллана бошлади. Унинг принципи шундай эди, адабий суҳбатларида такрор-такрор айтилганидек, таржимага шунчаки таржима деб ёндошиш керакмас, балки таржима қилиш, шунинг билан бирга она адабиётни, шеърятни бойитиш, яъни адабиётимизда ўхшаши бўлмаган шоирлар асарларини таржима қилиш, тўлдириш, оқибатда уларни ўзбек адабиёти мулкига айлантиришдан иборат.

Роберт Бёрнснинг “Кўшиқ ва балладалар” китоби Муҳаммад Али таржимасида ўзбек тилида босилиб чиққанда, шоирнинг самимий шеърлари тезда ўқувчилар орасида машҳур бўлиб кетганди. Буюк шотланд шоирининг чинакамига халқона шеърлари ўзбек ўқувчисини мафтун этди, унинг кўнглидан жой олди. Шоирнинг “Хушчақчақ гадолар”, “Икки ит” сингари ўткир ҳажвий руҳга йўғрилган пурмазмун асарлари, “Йўлдаги тунаш”, “Аскарнинг қайтиши”, “Финдлей”, “Жавдарзорда кечкурун...”, “Мағриб сабоси”, “Кўмирчининг дилдори”, “Нэнси” каби ва бошқа дурдона асарлар қатга маҳорат билан таржима қилинган.

“Икки ит” кунлардан бир кун икки итнинг — лорд уйини кўриқлайдиган Цезарь билан кишлоқлик ҳазилкаш йигитнинг Люат деган ити учрашиб қолганлари тасвири билан бошланади. Итлар бир-бири билан иноқ, дўст, далаларда чопиб ўйнашар, сичқону каламушлар додини беришарди. Шоир Цезарни таърифлар экан, у мағрур эмас, кирчимол, дуч келган кучуқлар билан ҳам ўпишиб кетаверади, дейди. Асарда лордларнинг аянчли, ёлғонларга кўмилган ҳаёти оддий одамлар ҳаёти билан киёсланади, ҳар бир ит ўзи кўрганларидан хикоя қилади. Цезарь билан Люат суҳбатларининг охирида ажойиб хулосага келадилар:

...Бизлар бахтли эканмиз:

Одам бўлиб яралмаганмиз!

Шу ўринда адиб, таржимон Асқад Мухторнинг қуйидаги сўзларини эсласак, Муҳаммад Алининг таржимонлик маҳоратини сезамиз: “Таржима, айниқса, шеърятда шартли нарса. Чунки шеърнинг ўзини ўгириш мумкин-у, миллий жанрни, шеърни қабул қилиш тарзини, анъаналарини, шеърга қарашни... яна кўп нарсаларни таржима қилиш, ҳагто тушунтириш ҳам амри маҳол... Гап шаклдагина эмас, миллатнинг рухий ўзига хосликлари, дунёқарашни, зехниятни, нафис ва оний таассурот, мунг, ҳасрат, соғинч, сал киноя... яна айтаверсак, шеърятга сингиган, лекин таржима қилиб бўлмайдиган талай жиҳатларда ҳамдир”.

Муҳаммад Али таржимага киришганда ҳамиша жаҳон мумтоз шеърятини намуналарини танлайди. Бунинг асосий сабаби, фикримизча, шогирдлик заҳматини чекиш, бошқача айтганда, улуг устозларнинг ижод сирларини ўрганиш, улар “панжасига панжа уриш” завқининг кучлилигидандир. Унинг қайси таржимасини олиб кўрманг, қадимги ҳинд эпоси “Рамаяна”ми, қорақалпоқ халқ эпослари “Шаҳриёр” билан “Маспошшо”ми, Роберт Бёрнс, Фридрих Шиллер, Байрон, Пушкин, Лермонтов, Тагор шеърларими, уларнинг барчасида ўғирманнинг сидқидил меҳнати, нозик изланишлари кўриниб туради.

Буюк инглиз шоири Байроннинг “Туш” деган фалсафий шеърини, “Марциалдан”, “Шилион сонети” каби ва бошқа шеърларни ўғиргандан кейин, Муҳаммад Али “Шилион тутқуни” деган машҳур дoston таржимасига киришди. Дoston 1974 йилда “Шарқ юлдузи” журналида босилгач, Байроннинг “Сайланма”сида чоп этилди.

Муҳаммад Али таржимон сифатида ҳамиша сатрлардаги эстетик маънони тўлиқ етказишга ҳаракат қилади. У сўзма-сўзликка ёпишиб олмайди, аксинча, ижодий ёндошади. “Мутаржим муаллиф билан ҳуқуқ талашадиган даражада эркин ва журъатли бўлиши лозим. Таржимонда журъат бўлмаса, асл нусхага ижодий ёндаша олмайди”, деб ёзади Э. Очилов. Албатта, Муҳаммад Али таржималари орасида, гултожи, бу нафақат таржимоннинг, балки ўзбек адабиётининг ҳам гултожларидан бирига айланган – етти китобдан иборат қадимги ҳинд эпоси “Рамаяна” таржимасидир.

“Рамаяна” – бадий мукамал асар, – деб ёзади адиб ўзининг “Ҳиндистоннинг биринчи достони” мақоласида. – Ундаги образлар, рамзлар, ташбеҳлар, тимсоллар, тасвирлар ниҳоятда ҳаётийлиги билан кишини хайратда қолдиради...”

Муҳаммад Алининг ижодий заҳматлари туфайли ҳақиқатда “Рамаяна”дай донишмандона иншо этилган асар ўзбек адабиётининг, ўзбек халқининг бебаҳо мулки бўлиб қолди. Таржима

соҳасида Муҳаммад Алининг ёзган мақолаларидан биз шуни биламизки, таржима – бу катта ижод мактаби. Аини пайтда, таржима ижодий мактаблиқдан ташқари, ижодий мусобақа. Ҳатто, Муҳаммад Алининг фикрича, таржимон шунчаки таржимон эмас, улкан ижодкор, чунки, у асарнинг ўзбек тилидаги муаллифи.

“Рамаяна” эпосининг ўзбекчаси таржима ўқувчига бемисл эстетик завқ бағишлайди, киши ажойиботларга тўла ҳинд оламини сайр этади, сўз кудратини ҳис қилади. “Муҳаммад Али санъатининг ўқувчини лол қолдирадиган жиҳати шундаки — деб ёзганди таниқли таржимашунос олим, профессор Гайбулла Саломов — унинг таржимасида ҳиндий колорит... анча тўқис олиб ўтилган, дostonнинг барча миллий-этнографик, фольклористика компонентлари бут”.

Эпик асарларни таржима қилиш таржимон сифатида Муҳаммад Алига маъқул эди. Чунки у ижодда кенг кўламликни ёқтиради. Таржимон қорақалпоқ халқ эпослари таржимасига киришганда, ишни “Шаҳриёр” эпосидан бошлади.

Иккинчи эпос “Маспошшо” бўлиб, бу дoston 1985 йил Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган. Нашрга филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Қобул Максетов сўз боши ёзган. Сўз боши “Маспошшо” дostonи ва унинг ўзбекчага таржимаси ҳақида” деб номланади. Унда, жумладан, Қобул Максетов шундай ёзади: “Фикримизча, Муҳаммад Али томонидан “Маспошшо”нинг ўзбек тилига ўгирилиши аини пайтга қадар қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилинган қорақалпоқ шеърятининг энг аъло намуналари қаторида туради”.

Муҳаммад Али буюк немис шоири Фридрих Шиллернинг бир даста шеърларини таржима қилиб, “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилди. Шиллернинг ижоди нафақат Германияда, балки бутун дунёда машҳур ва унинг шеърлари ўзбек тилига кам таржима қилинган. Бизда кўпроқ унинг драмалари таржима қилиниб, театрларимиз сахналарида қўйилган. Мана шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида Муҳаммад Али Шиллернинг бир нечта шеърларини, хусусан, “Шодликка қасида” деган, Бетховен мусикага солган машҳур шеърини, “Жом” номли машҳур балладасини, яна бир нечта шеърларини ўзбекчага

ўгирди.

Муҳаммад Али фақатгина шеърлий таржималар билан шуғулланмасдан, драмалар ҳам таржима қилиб туради. М. Горкийнинг “Сўнгилар” драмаси унинг таржимасида “Ўзингдан чиққан балога...” номида 2010 йилда “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилди.

Драматик асарларни таржима қилишнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Масалан, бу ердаги тасвир романларда бўладигандек кечмайди, балки фақатгина иштирокчиларнинг диалогларидан иборат бўлади. Шунинг учун уларни таржима қилишда диалогларни қандай ёзиш ва тузишни ўрганиш мумкин. Бу, айниқса, прозада ижод қиладиган адиблар учун фойдалидир. Мана шу маънода, Муҳаммад Али таржималари диалогларнинг яхши ёзилганлиги билан диққатга сазовор. Бу ҳақда ёзувчи суҳбатлардан бирида шундай деганди: “Айниқса, ўзим проза жанрида қалам тебратгаётганимда, диалогларга жуда эътибор қаратаман. Ўшандай сиқиклик, албатта, зарур. Масалан, диалоглар ўша ҳолатдан табиий келиб чиқиши, ҳолатга мос даражада бўлиши керак. Шунинг учун уларни аниқ ва тиниқ таржима қилиш лозим”.

Муҳаммад Али В. Маяковскийнинг “Қандала” асарини ҳам таржима қилди ва бу асар театр сахналарида намоиш этилди. У Сергей Михалковнинг “Хавфли алоқалар” пьесасини ҳам ўзбекчага таржима қилган. Асар ойнаи жаҳонда намоиш этилган.

“Рамаяна” эпоси, “Шаҳриёр”, “Маспошшо” эпослари, Р. Бёрнс шеърляти, Ф. Шиллернинг бир туркум шеърлари, Ж. Байроннинг машҳур “Шилён тутқуни” дostonи, “Туш” номли катта шеъри, А. Пушкиннинг “Овидийга”, “Демон” деган шеърлари, М. Лермонтовнинг “Ўзингга ишонма”, “Дуо” шеърлари, Ованес Туманяннинг “Оҳтамар”, “Бир томчи асал” балладалари, Егор Исаевнинг “Хотира ҳукми”, Расул Ҳамзатовнинг “Туғилган йилим” дostonлари, украин, қорақалпоқ, афғон, ҳинд, грузин, озарбайжон, арман шоирларининг айрим шеърлари... Мана, Муҳаммад Алининг таржима қилган асарлари. Булар, шубҳасиз, ўзбек адабиётининг ҳам дурдоналари сафидан ўз ўрнини эгаллаган.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти



*Орпоғ еди бешта бу дунё:
Кўча орпоғ, кечалар орпоғ.
Зандай яхши экан болалик,
Орпоғ ранглар билан яшамоғ...*

ОТА ДУОСИ



Хунармандлик афзал

Дадам Раҳмонжон Расулов Андижондаги энг тажрибали ва ўз ишининг устаси бўлган савдогарлардан эди. Кўпчилик “савдогар” деса нотўғри фикрга боради, аммо дадам бировнинг ҳақиқа хийнат қилишни ор биладиган ҳалол инсон эди. Унга ҳавас қилиб мен ҳам шу касбни танламоқчи бўлдим. Аммо негадир дадам рўйхушлик бермади. Оиладаги олти фарзанднинг ичида мен мустақилликка мойилроқ эдим. Бировнинг ёрдамисиз ҳам бирор ишга астойдил киришсам, албатта, уддасидан чиқа олардим. Балки шунинг учунми:

– Аввал бирор ҳунарни ўрганасан, сўнг менинг ишимни давом эттиришингга рухсат бераман! – деб шарт қўйди дадам.

Оилада дадамнинг сўзи қонун эди. Рози бўлишдан ўзга чорам қолмагач, мактабни тамомлаб, дурадгорга шогирд тушдим. Уч йил бу ҳунарни сир-асрорларини кунт билан ўргандим. Дадам нега бундай шарт қўйганини йиллар ўтиб тушундим. Биринчидан, ёшликдан пулга ружу қўйишимдан чўчиган бўлса, иккинчидан, ҳалол меҳнат қилиш ва у орқали топилган пул қанчалар қадрли эканини англамоқчи, ўз йўлим бўлишини истаган экан.

Раҳмонжон ота ва Оминахон ая оилада тўрт ўғил, икки қизни вояга етказди. Маъмуржон учинчи фарзанд. Ҳаракатчан, тиришқоқ, қизикқон, чапдаст, ишбилармон. Айнан шу феъл-атвори учун ҳам, балки ота унга ўздан кейин оилани бошқаришни топширган бўлса, ажаб эмас. Энг асосийси, Раҳмонжон ота унга ишонч билдириб, дуо берди.

Ростмана дурадгор бўлгач, йигитлик бурчини бажариб ҳам келди. Шундан кейингина ўзи орзу қилган соҳа – савдогарликка қадам қўйди. Дадаси узоқ йиллар ишлаган Андижондаги энг катта савдо тармоғида иш бошлади. Бу паллага келиб, укалари Абдуносир ва Искандар талаба эди. Уларни ўқитиш дадаси унга юклаган вазифаларнинг энг биринчиси бўлган. Орадан қанча йиллар ўтди, укалар олий маълумотли бўлди, тўйларини ўтказди, синглиси вояга етди, ўқитиб турмушга узатди. Ва ҳали-ҳануз Маъмуржон туғишганларининг барча ташвишларини қўтаради. Чунки бу унга отасининг васияти.

Аслида эса ана шу вазифаларнинг уддасидан чиқиш учун у савдогарликни энг нозик сирларигача пухта ўзлаштирди, янги-

янги ишларнинг бошини тутди.

Мустақиллик йилларига келиб, тиниб-тинчимас савдогар учун кенг имкониятлар эшиги очилди. У энди тадбиркорлик соҳасида ўзини синаб кўра бошлади. Андижон шаҳрида ёқилғи қуйиш шохобчасини очди. Ишлари юриша бошлагач, ошхона очишга сармоя тикди. Мамлакатимизда тадбиркорликка берилаётган эътибор, яратилаётган шароит Маъмуржонни янада илҳомлантирди. Аста-секин фаолият турларини кенгайтди. 2003 йилда кислород цехи, 2005 йилда эса метан газ қуйиш шохобчаси ишга туширилди. Бунинг учун банкдан кредит олди. Янги иш ўринлари яратилди.

– Қуриш, яратиш менга завқ бағишлайди. Бўш жойда янги бинолар курсам, шаҳарнинг ободончилигига ҳиссамни қўша олсам, бундан, энг аввало, ўзим фахрланаман. Бу менга янги ғояларни илғари суришга куч, ғайрат, шижоат, илҳом беради. Ана шу ғоялар ўларок, кўркам бир кафе барпо қилинди. Бу иш учун банкдан 150 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Қисқа муддатда қурилишни ниҳоясига етказиб, ишни бошладик. Бугун бу ерга одамлар келиб, оиласи, дўстлари, меҳмонлари билан овқатланиб, дам олиб, яхши кайфиятда уйларига қайтишаётганида ёки яхши кунлари учун турфа хил маҳсулотларни олиб кетаётганларида беҳаловат, уйқусиз, ташвишли кунларим учун рози бўламан. Тўғри, тадбиркорликдан келаётган даромад, энг аввало, ўзим учун, оилам учун ва албатта, мен билан елкама-елка туриб ишлаётган 200га яқин инсонларнинг фаровонлиги учун зарур. Аммо, энг аввало, нимаки қурган ёки ишга туширган бўлсак, халққа хизмат қилаётганидан қувонаман.

Қайси ишни бошлашни режалаштирсам, аввал обдон ўрганиб чиқаман. Талаб, эҳтиёж ва албатта, ундан келади дарамад, ҳар бирини қайта-қайта мулоҳаза қиламан. Укаларим Абдуносир ва Искандар менинг ғоядошларим. Улар билан маслаҳатлашаман. Бирор ишни бошлашда таваккал қилолмайман. Эҳтиёткорман, десам ҳам бўлаверади. Баъзилар буни ютқизишдан қўрқиш, деб қабул қилади. Бўлса бордир. Аммо ҳеч бир тадбиркор бирор ишдан кўзлаган самарасининг кам бўлишини истамайди. Қачонки, бошлаётган ишимиздан натижа чиқишига юз фоиз ишонч ҳосил қилганимдан сўнггина дадил қадам ташлайман. Фаолият турларимизнинг ҳаммаси бир меъёрда давом этиши учун барча имкониятларни ишга соламыз.

Бу жиҳатдан қаҳраонимиз ўта талабчан. Агар бирор иш юришмай ёки тўхтаб қолса, ҳеч кимни тинчитмайди.

– Буйруқ беришга уста, – дейди неча йиллардан буён тадбиркорнинг яқин маслаҳатгўйи



сифатида ишлаб келаётган Исмоилжон ака Ҳомидов мийғида кулиб, – Тўғри маънода айтаяпман. Тўғри буйруқ бериш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Берган топширигининг уддасидан чиқа оладиган одамни топиб, буюради. Баъзан шарт-такилиги малол келгандек бўлади, бироқ кўп учун жон куйдирадиган одамда шунақа салобат, салоҳият бўлмаса, шунча катта ишларни амалга ошириш осон кечмайди.

Яна бир яқин ҳамкори Маҳмуджон Зайнобиддинов суҳбатга қўшилади:

– Муаммони вақтида еча билиш қобилияти ҳам бор. шунингдек атрофидаги ходимларнинг истеъдодини илғай олади. У ким бўлишидан қатъи назар, ёнига олиб ишга ўргатади, униб-ўсишига кўмаклашади.

Суҳбат асносида қаҳрамонимизни кузатишда давом эта- миз. Сокин, оғир-босиқ, мулоҳазакор.

– Табиатан шундаймисиз ёки...

– Табиатан ўта қизиққонман. Аммо йиллар, муносабатлар, одамлар мени тарбиялади, десам адашмайман. Бировни сабр билан эшита билиш, босиқлик билан муаммони ҳал қилиш, ўзгаларнинг кўнглига йўл топишни ўргандим.

Бироқ ёшлиқдан то ҳозиргача ўзгармаган яхши феъллари ҳам бор. Бунинг энг биринчиси, эрта тонгдан кимгадир яхши-лик қилгиси келади. Кимгадир ёрдам берса, кўнгли ёришади. Танишми, нотанишми фарқи йўқ. Албатта, аввало, оиладаги-лар, қариндош-уруғлар, ишхонадагиларнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб, кўлидан келганича ёрдамини аямайди.

Яна бир ҳеч қанда қилмайдиган одати, албатта, эрталаб-дан Онасидан дуо олиб кетади.

– Онам оддий уй бекаси бўлган. Аммо жуда зукко аёл. Унинг биргина дуоси менинг катта-катта ишларим юришишига туртки бўлишига неча бор ишонч ҳосил қилганман. Бошқача айтганда, онамнинг дуосисиз мен бу даражага етмасдим. Она дуосининг ҳосиятли эканини укаларимга ҳам кўп бора таъкидлайман ва уларни ҳам ҳар куни онамни йўқлаб, дуосини олишни унутмас-ликка даъват қиламан.

Маъмуржон билан суҳбатимиз яна тадбиркорлик хусуси-даги режаларга кўчди.

– Бугун бизнинг юртимизда тадбиркорлар ва уларнинг мол-мулклари тўла ҳимояланган, буни баралла айта оламан. Ҳукуратимиз чиқараётган қонун, қоидаларга амал қилиб, тўғри фаолият олиб борсангиз бас, тадбиркорликка берилаётган имко-ниятлар бисёр.

– Яна янги қурилишлар бошлабсиз, ҳали ғояларингиз се- роб, чоғи?

– Кафе атрофида чойхона қураяпмиз. Хизмат турларини ривожлантириб, янги хизматларни йўлга қўйиб иш бошласан-

гиз, мижозлар ўз-ўзидан кўпаяверади. Яқин орада қурилишлар ниҳоясига етади ва чойхоналар ишга тушади. Яна бир ғоя – ҳозирда трикотаж буюм-лари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаб юрибман. Салкам икки йилдан бери шу соҳани ўрганаёпман. Аниқ тўхтамага келгач, бу режани ҳам, албатта, рўёбга чиқарамиз. Бу яна янги иш ўринлари дегани.

Ўзингиз гувоҳсиз, кейинги йилларда Андижон улкан қурилишлар масканига айланди. Шаҳримиз, қишлоқларимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Ундан завқ олиб, янги қурилишлар қилмасдан тура олмайсан киши. Менимча, аниқ ре-жаси, яхши нияти бор одам астойдил ҳаракат қилса, албатта, муваффақиятга эришади. Бунга ўзимнинг фаолиятим мисол.

– Шунча иш, муаммо, ташвиш, улардан ортиб оилангизга вақт ажрата оласизми?

– Афсуски, кўп вақт ажрата олмайман. Эрта чиқиб кетиб, кеч қайтаман. Аммо бу оилага бефарқ дегани эмас. Оилам мен учун биринчи даражали. Бахтимга турмуш ўртоғим Сайёрахон оқила аёл. Олий маълумотли бўлишига қарамай, ишини эмас, оилани танлади. Шунинг учун вақти келганида ме-нинг ўрнимга ҳам ўзи фарзандларга қаттиқ туради. Катта қизимиз Мадинахон ўқитувчилик касбини танлаган, ҳозирда мактабда ишлайди. Ўғлим Ну-риддин эса талаба. Кичик қизларим Робияхон ва Ҳалимахонлар ҳали мактаб ўқувчилари.

Бунёдкорликдан завқ олувчи анди- жонлик тадбиркор Маъмуржон Расулов- нинг яна кўплаб фазилатларига алоҳида тўхталмадик. У очиқ чехралилик, кири- шимлилик, кўнгул-чанлик, покизалик, тар- тиб-интизом, ҳамда янги ғояларни яхши кўрадиган инсон. Зеро, жаннатмонанд Ўзбекистон – ғоялар ва уларнинг амалга ошишига етарли имкониятлар бор юрт. Шундай юртнинг тадбиркори эса бир кун ҳам изланишсиз, ташаббуссиз, бунёдкорлик- сиз яшамаслиги керак.

*Матлуба ЮСУФ ОХУН
суҳбатлаиди*

Муслим момо хуфтон намозини ўқиб бўлгач, датдагидек ташқарига чиқди ва терак бўйи ўтарилган тўлин ой шуъласидан ёришиб турган им-жит ҳовлида бир неча сония туриб қолди. Ошхона, оғилхона чироқлари ўчирилган, демак, келини Холдор ҳамма ишларни тиндирган. “Илойим, барака топсин, болаларининг роҳатини кўрсин”, дея ичида келинини алқади кампир. Кейин ўгирилиб, келини болалари билан ётадиган хона деразасига қаради: “Файзимурод ҳалиям келмадимми?”

Муслим момо нима килишни билмагандай, бир пас ўй суриб турди-да, сўнг келинининг хонасига яқин келди. Эшик туткичидан ушлаб бир-икки тортқилаб “сигнал” берди. Шу заҳоти Холдор келин эшикни очди.

– Келинг, эна, ичкарига кириг.

– Болалар ухладими?

– Энди ухлашяпти.

– Пайзи келдими?..

– Йўк...

– Кеч қоламан, демаганмиди?

– Йўк...

– Бу болага не бўлди ўзи? Ишхонада ётиб қолиб ишлайдиган одат чиқарди-ёв.

– Уйга кириг, эна.

– Ҳа, йўк... – кампир бурилиб, эшикни ёпди.

Ўғлини уйлантирганига ўн йилдан ошяптики, Муслим момо келинининг хонасига кирмайди. Бирор зарурат туғилиб қолса, мана ҳозиргидай, эшик олдида туриб гаплашиб қайтади. Ичкарига ҳатто кўз қирини ҳам ташламайди. Келинининг тўшагига кўзи тушишини хоҳламайди.

Холдор келин ҳам чол-кампирнинг айни кўнглидаги келинлардан. Вақти келганда чол-кампир ўз ўғиллари Файзимурод билан келина олмай, аразлашиб қолишса-да, Холдор келин билан бирор марта ҳам сан-манга боришмаган. Холдор келин соддагина, тўпоригина,

камгап, камсукум, меҳнаткаш жувон. Эртадан кечгача чол-кампирнинг хизмати ва рўзғор ташвишлари билан елиб-юғуриб, чарчамайди барака топгур!

Аммо кейинги вақтларда ўғиллари Файзимуроднинг хурмача қилиқлари чикиб қолгани Муслим момони ташвишга солиб қўйганди.

– Пайзингиз бугун ҳам уйга келмайдими, дейман, — деди Муслим момо уйга кириб телевизорга тикилиб ўтирган чолига.

Турсунбой чол кампирининг сўзларини эшитмагандек экранга тикилиб ўтираверди.

– Пайзи ҳалиям ишдан келмапти, деяпман, сизга! – овозини кўтарди Муслим момо.

– Эшитдим, — деди Турсунбой чол ва яна жим бўлиб қолди.

– Оқшом ҳам ишлайдиган иш бормикан? – сўради кампир ажабланиб.

Турсунбой чол жавоб бермади.

– Ҳов, қулоғи том битганми, нима бало? – чолига яқин сурилиб, овозини яна бир парда кўтарди Муслим момо.

– Э, нимага бунча жирриллайсан?! – бақирди Турсунбой чол. – Боланг ишдан келмаган бўлса, бориб опкеб берайми?!

Муслим момо жилосиз, сийрак киприкларини пирпиратганча чолига тикилиб қолди.

– Ҳа, нега кўзингни бақрайтирасан менга? Қариганимда ҳам тинч қўймайсанми энди? – дея бақирди чол яна.

Муслим момо чолининг жазавасини кўзиганини сезиб нафасини ичига ютди. Айб ўзида, чоли телевизор кўраётганида хаёлини бузмаслиги керак эди. Тажанг чол энди кечирмайди, бир ҳафта қулоқ-миясини ейди: “Сен аввалдан бефаҳм эдинг, охиригача бефаҳмлигингча қолдинг! Қачон гапиришни, қандай гапиришни билмайсан халигача. Букри тузалса тузаладики, сен тузалмайсан!” бу гаплар Муслим момога ёд бўлиб кетган. Ахир чоли билан қирқ йиллик ҳаёти давомида бундай гапларни эшитавериб қулоқлари қотиб кетган. Ёш вақтларида ҳеч кимга сездирмай, ҳатто эрига ҳам билдирмай, ҳафталаб йиғлаб юрарди. Э, бу чоли қурғур ҳам вақтида тоза хунарини кўрсатган! Агар Муслим момо турмушнинг аччиқ-чучугига чидамаганида, ҳаёт шу экан-да, деб пешанасига бир муштлаб яшамаганида, ким билсин, аллақачон ажрашиб, беғоналашиб кетишармиди?

Лекин энди шарт кетиб, парти қолганида бундай даққиларга парво қилмай қўйган. Чоли эзмалигу инжиқликни жуда ошириб юборгудай бўлса, Муслим момо ҳам қарши ҳужумга ўтишни ўрганиб олган: “Ёқмаётган бўлса, ана, жавоб бердим, ёшроғига уйланиб ола қолинг. Менинг бўлган-турганим шу!” Шундан кейин Турсунбой чол норозилик билан тўнғиллай-тўнғиллай охири ховуридан тушади.

Ҳикоя

KELIN



Аmmo...

Худо шоҳид, Муслим момо шунча йил турмуш қилиб, чолининг ўзидан нима истаётганини фаҳмлай олмаган. Авваллари гоҳ-гоҳида бўлса-да, тасавурида ғира-шира баъзи фикрлар пайдо бўлиб қоларди, яъни: “Эрим сал бошқачароқ бўлишимни истайди,” деганга ўхшаш. Айнан ўша “сал бошқачароқ” бўлиш ҳақида эса мияси бўм-бўш эди. Шу боисдан ўзини кўп қийнагиси келмаганидан: “Борим, бўлганим шу. Чидасанг, чида. Чидамасанг ўзинг биласан”, қабилда иш тутиб келди шу чокқача. Ёшлиқда кўнгил нималарни тиламайди, майли, ўтгани ўтди, сал тафтсиз умр кечирганини ҳис қилиб ўкинса-да, ўтган йиллардан Муслим момо асло норозилик туймасди, лекин чоли... энди қариганда сал инсофга келса-чи бу чол!.. Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўр лабида турибдию, индамаса ҳалим...

Муслим момо хонада ўтира олмай яна ташқарига чиқди. Айвонда тенгсалиб у ёққа ўтди, бу ёққа ўтди, аммо барибир бўлмади, чироқ ҳамон ёқик турган келинлик уйга кўзи тушди, дегунча ичида алланима ғимирлаб безовта қилаверди. Назарида келини ичкарида йиғлаб ўтиргандай... Муслим момонинг эсига ёшлиғи тушди. Қадди эгилди. Юраги симиллаб кетди.

– Мени энди пишириб ермиди?! Қачонгача унинг зардасидан кўрқиб яшайман?! – деди ўзига ўзи шивирлаб, кейин энкайган қаддини тик тутганча ичкарига йўл олди.

– Бу болангиз ишляпман, деб тагин бирорта суюкоёққа илакишиб қолган бўлмасин, – деди момо чолидан берирокка чўк тушиб.

Орадан ўтган беш-олти дақиқа ичида Турсунбой чол телевизорни ўчириб, нималарнидир ўйлаган ёки ҳеч нарса ни ўзгартириб бўлмаслигига юзинчи, балки мингинчи марта ўзини ўзи икрор қилганми, ҳар қалай бояғи ҳовуридан тушиб кампирига савол назари билан қаради:

– Нима қилай? Ишхонасига излаб борайинми ё...

– Отасиз, нима қилсангиз қилинг-да, ахир. Бу биринчи марта эмас, анчадан бери давом этиб келяпти. Келин бечора нима бўлса ичига ютиб, бизга билдирмаяпти.

– Билдирмаса, тоза яхши, – деди Турсунбой чол.

– Ия, хов, – кампир таажжуб билан қошларини чимирди. – Келин индамаяпти, деб, пусиб ўтираверамизми?! Эрта бир кун бу бебош болангиз бирорта кўчада қолган манжалақини бошлаб келиб турса, иннанкейин нима қиламиз? Сенинг сийинг битди, кетабер энди, деб келинни тўрт боласиминан қувиб соламизми?!

– Унчаликка бормас, – деди Турсунбой чол ўйчанлик билан.

– Сиз қайдан биласиз? Ўзингизча фол очаберасизми ўтирган ерингизда?!

– Энди... – Турсунбой чол бир кўзголиб қўйиб гапини давом эттирди. – Энди битта-яримта... ҳалигидай хотинга айланишса айланишар, лекин бола-чақасидан воз кечмайди.

– Товба қилдим-ей, худди ҳаммасини кўриб-билиб тургандай гапирасиз-а?!

– Менимча, шундай... – деди-ю жим бўлди Турсунбой чол.

Муслим момо жилосиз киприкларини пирпиратганча чолининг юзига тикиларкан, қирқ йилдан буён хаёлига келмаган бир фикр ярқ этиб, хиралашган тасаввур кўзгусини ёри-тиб юборди.

– Ўзингиздан киёс олманг, чол, — деди кампир овози,

қарашлари ўзгариб. – Сизга ўхшаб эсининг борида этагини ёпиб олса яхшику-я, лекин ёмонроғини қўлига тушиб қолса, нима бўлади?!

– Қариганда айнамай ўл! Сенминан гаплашган мен аҳмоқ! – Турсунбой чол яна телевизор пультаини қўлига олди.

– Ҳа, энди айтдим-қўйдим-да, – деди шоша-пиша Муслим кампир чолининг яна тўнини тескари кийиб олишидан чўчиб. – Нима қиламиз? Эртан ишхонасига ўтиб келасизми?

Турсунбой чол бошини қашиганча ўйланиб турди-да, сўнг:

– Бугун, эрта қарайлик, балки келиб қолар, шаҳарга қатнаб ишлайди ахир. Ишдан кеч чиққан бўлса, улов бўлмай қолгандир, – деди андақ иккиланиб.

– Майли, – рози бўлди Муслим момо.

Турсунбой чол телевизор қўйишни ҳам унутиб, бир нуқтага тикилганча ўй суриб қолди.

* * *

Орадан бир ҳафта ўтди.

Файзимуроддан ҳамон дарак йўқ.

Турсунбой чол ишхонасига бориб, ўғлини суриштирди. Аксига олгандай шу кунни у қандайдир иш билан қаёққадир кетган экан. Турсунбой чол ўғли билан гаплаша олмай қишлоққа қайтди.

– Ишминан қаяққадир кетганакан, – деди чол кампирига. – Келишиминан уйингизга боради, деди бошлиғи. Кейин қайта бердим орқага.

– Қандай ишминан кетибди? – сўради Муслим момо.

– Мен қайдан билай?

Муслим момо бошини сарак-сарак қилди:

– Ҳай-ҳай, бу бола ишминан кетмаган. Бирорта эгасиз гунажининг кетини искаб юрган!

– Келинга айт, лаллая бермасин. Пайзи келганидан кейин сўраб-суриштирсин!

– Тўғри айтасиз, – деди кампир чолининг сўзини маъқуллаб. – Сизминан менинг тергаганимизнинг фойдаси йўқ. Келин сал қаттиқроқ туриши керак.

Муслим момо ошхонада идиш-товокларни юваётган келинининг олдига борди.

– Оқшом кеч бўлсаям Пайзи келдими? – деб сўради у атай ўзини гўлликка солиб.

Холдор келин қайнонасига бир қараб қўйди-да, нигоҳларини олиб қочаркан, йўқ, дегандек бош чайқади.

– Ўтган оқшом келганмиди?

Холдор келин бош чайқади.

– Ундан аввалги оқшом-чи?

Холдор келин яна бош чайқади.

– Қачондан бери келмаяпти ўзи?! – ториқиб кетгандек зарда билан сўради кампир.

– Икки йилдан бери... гоҳ келади, гоҳ келмайди... – деди Холдор келин узук-юлуқ қилиб.

– Икки йилдан бери?! Ҳов... – Муслим момо довдираб қолди.

Холдор келин индамай ишини давом эттираверди.

– Менга қара, – деди Муслим момо ўзига келиб. – Буйтиб лаллаймагин! Эринг шаҳарда ишласа, у ёқда ким кўп, боши очик аёллар кўп. Бирортасининг тузоғига илиниб қолмасин эринг!

Холдор келин миқ этмади. Қайнонасининг юзига қарамади ҳам. Бу Муслим момога хуш ёқди. Битта келин

бўлса, шунча бўлади-да. Икки йилдан бери эри қилиқ чиқариб юрган бўлса ҳам миқ этиб ёрилмайди-я. Шунчалик ҳам ичи кенг бўладими? Унинг ўрнида бошқа жувон бўлганида эрининг аламини қайнона-қайногасидан олган бўларди. Ёки аллақачон этак силкиб чиқиб кетармиди? Бегона аёлга илакишган эркакни ҳамма хотин ҳам кечиравермайди.

Муслим момо аввалдан келинини кўп алқарди, лекин фақат ичида, овоз чиқармасдан дуо қиларди. Келинини талтайиб кетмасин, дерди-да. Лекин айни лаҳзада азбаройи меҳри ийиб кетганидан кафтларини очиб баралла овозда дуо қилди:

– Умрингдан барака топ, болам. Болаларингни роҳатини кўр. Бизни сийласанг, сени Худо сийласин, омин!

Кутилмаганда Холдор келин ирғиб ўрнидан турди, кўлини пешбандига артиб, қайнонага яқин келиб елкасига бошини қўйди:

– Менга шу дуойингизни ўзи етади. Қолгани бир гап бўлар... – дея пичирлади.

Муслим момонинг кўнгли бузилиб кетди. Аммо йўғламади. Келинининг хокисорлиги аллақандай куч берди ва кампир энди уйга дадил кириб бориб, чолининг кўлидан пультни олиб, телевизорни ўчирди.

– Бу болангиз бир балога йўлиққани аниқ, – деди кейин ишонч билан. – Икки йилдан буён уйга келиб-келмай юрган экан-у, анави шўрлик дамани чиқармаган экан!

– Йўғ-е, – чол ишонқирамади.

– Келиннинг ўрнида бошқа хотин бўлганида!

– Э, кўлидан нима келарди?! – деб юборди Турсунбой чол тилининг учида турган сўзни қайтара олмай.

– Бошқа хотин бўлганида Пайзингизни кунини кўрсатарди. Ҳамма хотин ҳам Муслим билан Холдорга ўхшаган эмас!

– Икки йилдан бери гинг этмай юраверибдими? – гапни келин томонга бурди Турсунбой чол.

– Тилла аёл-да, тилла! Бизни аяган, болаларини ўйлаган...

Турсунбой чолнинг яна саркашлиги тутди чоғи, кампирининг сўзини бўлиб:

– Келин тилла аёл бўлганда Пайзи бировнинг чорбоғида адашиб юрмасди-ёв, – дея пичинг қилди.

– Ҳаҳ, тилингиз курсин, сизни! Тилингиз курсин! Ҳозир шу гапнинг мавридими?

– Ўзинг ҳам келинни кўқларга кўтараберма-да бўлмаса.

– Битта келин бундан ортиқ бўлмас. Худодан кўрқинг, чол. Шўрлик эртадан кечгача тиним билмайди. Пайзингиз ҳали сигирни қозикка боғлашни билмайди. Ҳаммасини келиннинг ўзи эплайди.

Турсунбой чол энсаси қотиб:

– Сен билмаган бошқа гаплар ҳам бордир... – деди-ю гапининг ярмини ичига ютди.

– Энди бундай қиламиз, – деди Муслим момо. – Пайзи келганидан кейин икковлашиб уни ўртага оламиз. Шаҳардаги ишингдан бўшайсан, деймиз. Шу ерда, кўз олдимизда ишлайсан, деймиз. Шўрлик, бир амаллаб тийиб оламиз.

– Бўпти, лекин келинга айт, мўнди кўзага ўхшаб юрмасдан, сал бундай...

– Оббо! Яна бошляпсизми?! Рўзғор тутган одам мўнди кўзага ўхшамасдан, нимага ўхшайди!

– Бўпти, бўпти, билганингни қил!

– Мана, мен кам бўлдимми?!

Муслим момонинг қизгинлик билан берган бу саволи-

ни Турсунбой чол жавобсиз қолдирди. Кўзларини юмганча чуқур хўрсиниб қўйди, холос.

Шундан кейин тўрт кун ўтиб намозгар пайти Файзимурод уйга кириб келди. Хавотирдан юраги тарс ёрилгудек бўлиб ўтирган бўлса-да, Турсунбой чол ўзини боса олди, лекин Муслим момо ўғли остонада кўриниши билан порох тўлдирилган бочкадай бирдан портлаб кетди:

– Ўн кундан буён қаерларда дайдиб юрибсан, дайди?! Сенинг ватанинг борми? Ё кўринган тешикка бош сукиб юрибсанми?!

Файзимурод бир лаҳза тек қотиб туриб қолди. Сўнг:

– Эна, сал чиройлироқ қилиб гапиринг. Нима бу, кўринган тешик деганингиз? – деди Файзимурод қулиб.

– Энангнинг бойлигида бундан ҳам ажойиб сўзлар кўп, ҳали эшитаверасан, бафуржа, – дея луқма ташлади Турсунбой чол.

– Сиз байталингизни камчиламай туринг! – деди Муслим момо чолига қараб чимирилиб.

– Оббо... Эна... Ахир ўйнаб юрганим йўқ. Ишдан келялман, – деди Файзимурод.

– Ҳозироқ нималар қилиб юрганингни айтмасанг, мени эна дема!

– Сизни соғиндим, эна. Аввал кўришайлик, – Файзимурод яқин келиб Муслим момонинг кўксига бошини қўйди.

– Энанг ўлсин, илойим... – Муслим момонинг киприклари намланди. – Хавотир олдим-да, – жаҳлдан тушганини ўзи ҳам сезмай қолди момо.

– Менга бало урмайди. Нега хавотирланасиз, эна?

– Бало урмасин, илойим. Кўзимнинг оқу қорасисан! Ҳозироқ уйингга кириб хотинингни, болаларингни кўнглини ол. Бечоралар кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтиришибди.

– Хўп.

Файзимурод хонадан чикди.

– Қиличингни қайраб ўтирганинг эсингдан чиқиб кетди-ми? – дея киноя қилди Турсунбой чол кампирига.

– Эсимдан чиққани йўқ, – деди Муслим момо ён бергиси келмай. – Бугун йўлдан чарчаб келган, дамани олсин, дедим. Эртан эрталаб суробини тўғрилаймиз!

– Тўғри қилдинг, аввал эр-хотин гаплашиб олишгани маъқул, – деди Турсунбой чол.

– Менам шу ёғини ўйладим-да!

Чолига голибона назар ташлади Муслим момо.

Саҳар чоғи чолидан кейин таҳорат олиш учун ташқарига чиққан Муслим момо ғира-шира ҳовлида ғимирлаб юрган келинини кўрди. “Саҳарлаб турмаса гўрга эди, – дея келинига ичи ачиди. – Пайзининг ҳам дийдаси қаттиқми, дейман?”

– Пайзини чакир, кун ёйилгунча ётаберадими? – деди Муслим момо келинига нонуштани бошламасларидан аввал.

– У киши... кетди, – жуда ғалати тарзда жавоб берди Холдор келин ерга қараганча.

– Ҳов, қаяққа кетади?

– Ишга...

– Ё товба... товба қилдим-ей, – Муслим момо ўрнидан туриб ташқарига йўналди. – Ростдан ҳам кетиб қолдимми?!

– Ҳа... – йўл-йўлақай жавоб берди келин.

– Нега кетади? Ўзи куни кеча келди-ку!

– Ўзингиз айтгандай, бир ҳафтадан бери қаерда юрибсиз, деб тергаган эдим, уришиб қолдик оқшом...

– Вой шўрим!..

– Менминан ишинг бўлмасин, дейди. Молнинг тагини то-

залаб, таппи ёпиб юрабер, дейди. Шундан бошқасини эплаймансан, дейди... – Холдор келин кафти билан оғзини бекитиб, юзини терс бурди.

“Бечора йиғлашгайм уялади...”

Муслим момо оёқларидан мадор қочиб ўтириб қолди.

– Ҳа, эси йўқ бола! – дея бироздан кейин йиғламсиради кампир. – Нима қилайин-а, нима қилайин энди? Қарғайин десам, ёлғиз болам, қарғамайин десам, ялмоғиз болам!

– Қўйинг, эна, қарғаманг, ишминан юргандир-да.

– Бугун ҳам уйга келмас эканми? – қайғули оҳангда сўради момо.

– Келмаса керак!..

– Уйга келмаса, оқшомни қаерда ўтказоди?..

Холдор келин бироз иккиланиб турди-да, сўнг:

– Бир куни шимининг киссасидан бир адрес ёзилган қоғоз товиб олгандим. Шуни отамга берайинми? – деб сўради.

– Ҳов, сўраб не киласан? Қани, ўша қоғоз? Биякка бер-чи! – деди момо шошиб.

– Ҳозир...

Холдор келин ўзининг хонасига кириб кетди.

– Мана, – салдан кейин қайтиб чиққан Холдор келин бир парча қоғозни кампирга узатди.

Муслим момо ичкарига югурди.

– Болангизнинг қочиб борган ерини товганга ўхшайман. Юринг, хозирок кидириб борамиз, – деди у ховлиқиб чолига.

Бир соатлардан кейин чол-кампир йўлга тушишди. Турсунбой чол ҳар қалай шаҳар кўрган одам (бир вақтлар туман ҳокимиятида хўжалик ишлари бўлимида муовин бўлиб ишлаган) эмасми, қоғозда кўрсатилган манзилни ҳеч бир қийинчиликсиз топди.

Беш қаватли уйнинг учинчи қаватидаги эшигига жигаранг дермантин қопланган квартира кўнғироғини бир неча марта босишларига қарамасдан ичкаридан жавоб бўлмади.

– Адашган бўлмайлик тагин, – деди момо зина панжарасига суянаркан.

– Келининг адашган бўлмаса, мен адашганим йўқ, – деди Турсунбой чол хўмрайиб.

Чол-кампир нима қилишларини билмай жим туриб қолишди.

Бир маҳал пастдан гўнғир-гўнғир овозлар эшитилди. Чол-кампир хушёр тортиб, бир-бирларига маъноли қарашди.

– Ота?!

Дуркунгина аёл билан қўлтиқлашганча зиналардан кўтарилган Файзимурод ота-онасини кўрди-ю, ҳайкал бўлиб қолди. Қош-кўзлари попуқдай, лўппи юзлари оппоқ дуркун аёл ҳам довдираб қолди, лекин у тезда ўзини ўнглаб:

– Ассалому алайкум, отажон, – дея салом берди. Кейин лип этиб анграйиб турган момонинг ёнига ўтиб кўришиш учун эгилиб елкасини тутди. – Яхши келдингизми, онажон?

Турсунбой чол ҳам, Муслим момо ҳам лол бўлиб қолишди.

– Анча кутиб қолганга ўхшайсизлар, қилишларингизни билганимизда кутиб олишга чиқардик. Мана, ҳозир, – дуркун аёл сумкасидан қалит чиқариб эшикни очди. – Қани, уйга кингизлар.

Чол кампирга, кампир чолига боқди. Дуркун аёлнинг уларни анчадан буён танийдигандек илтифот билан муомала қилиши иккаласини ҳам ҳайратга солиб қўйганди.

– Ота, эна, ичкарига кингизлар, – деди энди Файзимурод ҳам дадилланиб. – Ичкарида гаплашамиз.

Турсунбой чол томоқ кириб қўйди, сўнг: “Қир” дегандек

ишора қилди кампирга.

Кенг-мўл меҳмонхонадаги ҳашамат, безак-буюмлар, саранжом-саришталик гарангсиган чол-кампирни янада довдирагди. Ахир, бу ердаги жиҳозлар уларнинг умр бўйи йикқан-яширганларидан икки-уч баравар қимматлироқ эди. Иккаласи ҳам бу ерга нима учун келганларини эсдан чиқариб қўйгандек бир муддат нафасларини ичга ютганча тек қотиб ўтиришди.

Дуркун аёл антика дастурхон ёзилган стол устини бир зумда турли ноз-неъматлар билан тўлдириб ташлади. Файзимурод бўлса, ота-онасининг қаршисидаги стулда бошини ердан кўтармасдан миқ этмай ўтирарди.

– Отажон, чой ичинг, – дуркун аёл бир қўли кўксига, иккинчисига пахта гулли, чети учмаган, ичи сарғайиб кетмаган пиёлада чой узатди.

Турсунбой чол пиёлани оларкан, қўли титраб кетди. Муслим момо буни аниқ кўрди. “Ҳаҳ, шўрлик чол, бундай муомалани кўрмаган-да! Кўргансизлик қиялпти”, – деб ичида яниб қўйди.

Навбат Муслим момога келди.

– Онажон, чой ичинг, – дуркун аёлнинг пиёла тутган бармоқлари узун-узун, оппоқ, нимпушти тирноқлари ялтирарди.

Муслим момонинг кўзларига Холдор келиннинг қорача, тўрлаган, тирноқлари сарғайган бармоқлари кўриниб кетди. “У шўрликда ҳузур-халоват йўқ, гўр бўлармиди? Бу хотин қўлини совуқ сувга урмайди чоғи. Боламга ўхшаган бўшбаёв эркакни тузоғига илтириб олиб, соғин сигирдай соғиб ичиб ётади-да. Ҳойнахой, манави буюмлар менинг боламнинг пулларига келгандир!”

– Файзи ака, чойни олинг, – дуркун аёл Файзимуродга пиёла узатди.

Аёлнинг ҳаракатларида бачканалик, зўракилик сезилмасди. Қарашлари мулоийм ва самимий эди.

Муслим момонинг кўзларига меҳнаткаш, қўли қадок Холдор келиннинг одамга қаттиқ тикиладиган, хиссиз нигоҳлари кўриниб кетди.

– Олиб ўтирингизлар, – мулозамат қилди дуркун аёл.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. На чол, на кампир дастурхонга қўл узатди. Ўртага ўнғайсиз жимлик чўкди. Турсунбой чол бармоқларини бир-бирига чоғиштирганча кўзларини юмиб ўтирарди.

Муслим момо қовоқ солиб, ерга қараб ўтиргани билан зимдан дуркун аёлни, ўғлини кузатаркан: “Эртадан кечгача ойна олдида ўтириб, қандай қилиб эркакларнинг кўнглини ийитсам экан, деб ўйлашдан бошқасига ярамайди”, деган хулосага келди.

– Олиб ўтирингизлар, – яна мулозамат қилди дуркун аёл.

Бу сафар ҳам ҳеч ким дастурхонга қўл узатмади. Дуркун аёл безовталаниб Файзимуродга қараб қўйди.

Файзимурод ҳамон ердан бош кўтармасди.

– Сезиб турибман, – дея гап бошлади шунда дуркун аёл. – Кўзларингизга бало-қазодай бўлиб кўриняпман. Аслида ҳаммасига мен айбдорман... Бировнинг нонини яримта қилдим... Ишонсангиз, ўзимнинг ҳам ичимга чироқ ёкса ёришмайди. Худди нина устида ўтиргандай бесаранжомман... Лекин ишонинг, унчалик виждонсизликка борганим йўқ. Бир неча марта ўғлингизга мени тинч қўйишларини айтдим, илтимос қилдим. Уйимга киритмай қўйган кунларим ҳам бўлди. Аммо... Мана, ҳозир ҳам у кишининг йўлига тўғанок

бўлмайман. Бунга ҳақим йўқ. Тўрт боласининг уволига қолишни истамайман. Лекин Файзи ака... кетишни истама-япти...

– Кўчанинг овқати ширин туйилади! – туйқусдан хаёлига келган гапни туйқусдан айтиб юборди Муслим момо.

Турсунбой чол шундай ўқрайиб қарадики, момонинг нафаси ичига тушиб кетди.

Дуркун аёл бўлса, оқиш юзи кизарганча ер сузиб қолди. Лекин момонинг тасавуридаги ҳалигиндай аёлларга ўхшаб шартакилик қилмади. Момо бундан руҳланиб дадил тортди. Лекин энди дуркун аёлга эмас, ўғлига қараб захрини сочди:

– Сени нима жин урди, болам?! Хотин кўрмай юрганминдинг? Бизни ўйламасанг, тўртга болангни ўйламадингми?!

Файзимурод килт этмади.

– Тилингни тушовлаб кўйганми, нега гапирмайсан?! – забтига олди момо.

Шунда ҳам Файзимуроддан садо чиқмади.

– Мен кўчани бир айланиб келаман, – дуркун аёл ўрнидан туриб эшик томон йўналди.

— Қайси томонда бўласан, Ойгул? — сўради Файзимурод бирдан тилга кириб.

– Боғчада бўламан, – деб жавоб берди аёл остонада турганча, кейин эшикни секин очиб ташқарига чиқди.

Хонада ота, она ва ўғил қолишди.

– Бу нима қилиқ, улим? – сўради Турсунбой чол хўмрайиб.

Момонинг назарида чоли мажбуран қовоқ солиб ўтиргандек туйилди. Жаҳли чиқди, нимадир алам қилиб кетаверди, оқибатда чолининг хўмрайишларига ҳам парво қилмасдан, ўғлига захрини сочди яна.

– Нега камнамо бўлиб қолдинг, десам, мегажиннинг домига илиниб қолган экансан-да! Топганингни ўйнашингга ташмалаб, тоза мақ-тақ қилиб юборибсан-ку! Шунча ҳаракатни болаларингга қилсанг бўлмасмиди?! Қилпанглаб, алдаб-сулдаса ийиб кетгансан-да! У ёқда шўрлик хотининг ҳеч нарсадан беҳабар, ота-энангнинг хизматини қилиб юрибди. Уям анови мегажинга ўхшаб қуниминан ойна олдида ўтирса, пари бўлиб кетарди, пари!

Муслим момо қаттиқ ҳаяжонланганидан юрак уриши тезлашиб, нафас олишга қийналганидан жим бўлиб қолди.

– Эна, – деди Файзимурод вазминлик билан. – Ойгул кун бўйи ойна олдида ўтирмайди. Ишлайди. Фирмаси бор. Машинаси бор. Уй, умуман бу ердаги ҳамма нарса унинг ўзиники. У мениям таъминлаб туради... Лекин гап бунда эмас...

– Нимада бўлмаса?! – сўради момо.

– Бунга тушунтириб беролмайман.

– Қўрқасанми ундан?

– Нималар деяпсиз!

– Тушунишимча, болангни жавобини берганман, кучинг етса, олиб кет, деди-ёв, а?

Файзимурод жавоб бермади.

– Уйдан ҳайдаб чиқарсам кетмайсанми?!

Файзимурод яна жим.

– Бу хотин сени бир бало қилиб кўйганга ўхшашапти. Ҳой, чол, сиз ҳам бир нима десангиз-чи!

– Икки қулоч арқон бер, – деди Турсунбой чол.

– Арқон? – ҳайрон бўлди кампир. – Арқонни нима қиласиз?!

– Болангни бўйнидан боғлаб судраб кетаман!

Муслим момо чолининг нима демоқчи бўлганини энди тушунди. Ҳа, муаммо анови аёлда эмас, ўз ўғилларида эди!

– Нима қиласан, шуйтиб хотинингдан, болаларингдан воз кечиб кетаберасанми? – ҳамон шаштидан тушмасди момо.

– Истаса... Холдор сизлар билан яшайверсин...

– Сен-чи?

– Хабар олиб тураман.

– Бекорларни бештасини айтибсан! Қани, хозироқ олдимга туш! – момо ирғиб туриб, ўғлининг ёнига келди. – Шу ердан сени судраб бўлсаям олиб чиқиб кетаман! Тур, ўрнингдан, деяпман!

Файзимурод килт этмади. Стулга михланиб қолгандай, ранги қув ўчиб ўтираверди.

– Энангни сўзини ерда қолдирыпсанми?!

– Мени тушунинг, эна...

Турсунбой чол ҳам ўрнидан турди.

– Кетмайсанми? – деб сўради чол ўғлидан.

Файзимурод кескин бош чайқади. Сўнг:

– Кетмайман, – деди қатъий оҳангда.

Турсунбой чол кампирга юзланди.

– Юр, кетдик.

– Индамай кетаберамизми?

– Кетдик, деяпман! – ўшқириб юборди Турсунбой чол.

Муслим момо кўрқиб кетди. Индамасдан чолининг олди-га тушди.

Подъезд олдида зулукдай қоп-қора “иномарка” турарди. Ундан Ойгул тушди.

– Отажон, онажон, келинг, ўтиринг, бекатгача обориб кўяман, – деди у орқа эшикни очиб.

Чол кампирга, кампир чолга қаради.

– Сўзимни қайтарманг, отажон, – Ойгул шундай мулоим, шундай самимий сўзладики, Турсунбой чол қандай қилиб орқа ўриндикка ўтириб олганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Нима, Муслим момо ёлғиз ўзи пиёда кетсинми? Ҳо!

– Мана булар сизларга, – деди Ойгул иккита халтачанинг бирини чолга, иккинчисини кампирга тутиб. – Сизларни дурустрок меҳмон қилолмадим...

Ноилож пакетни ҳам олишди.

* * *

– Бу халтага нима солибди ўзи? – деб қоғоз пакетга ишора қилди Муслим момо Ойгул пулини тўлаб, ўтказиб юборган таксида қишлоққа қайтишаркан.

– Очиб кўр, – деди Турсунбой чол гердаиб ўтирганча.

Муслим момо халта ичига кўз ташлади-ю шу захоти:

– Эҳ-ҳе! – деб юборди ҳайрагланиб.

Турсунбой чол нима учундир яна кўзларини юмиб олди.

– Ўзига тўқ хотинми, дейман, а, чол?

– Ғурури бор хотин, дегин.

– Ҳах, ғурури бўлмай ўлсин! Соғананинг оти нимайди?

– Ойгул, – деди Турсунбой чол аллақандай таъкид билан. Кейин яна кўзларини юмиб оларкан: – Оти ҳам ажабтовур экан, – деб кўшиб кўйди.

– Ажабтовур бўлмай ўлсин, – деди Муслим момо лабини буриб, лекин овозида бояги қаҳр ва зарда сезилмасди. – Энди нима қиламиз, чол? Келинга нима деймиз?

Турсунбой чол бир зум тин олди-да, сўнг:

– Эрининг иккинчи манзилени била туриб индамай юрган аёлга нима ҳам дердик? – деди аллақандай маҳзун оҳангда.

Шундай қилиб, бу масала вақтинча очиқ қолди.

Қайнона-қайнотасининг шаҳардан тўлиб-тошиб келганини кўрган Холдор келин қувониб кетди. Муслим момо битта

халтани ўзига олиб, иккинчисини келинига узатаркан:

– Болаларингни ўртасига тўкиб ташла. Еб-еб олишсин! – деди алланимани таъкидлаётгандай бўлиб.

– Ўғлингизни товдиларингизми, ишқилиб? – деб сўради Холдор келин.

– Товдик, товмай кўярмидик, – Муслим момо ўн йил бадалида илк бор келинининг кўзларига тик қарай олмай нигоҳларини олиб қочди.

– Қардайкан?

– Сен берган қоғоздаги жой қоровулхона экан. Болам окшомига шайда ётиб қоларкан. Нега буйтиб юрибсан, деб отаси би-ир кистовга олувди, жон-пони чиқиб кетди-ёв! Ўйнаб юрганим йўқ, бола-чакамни деб юрибман, деб бақириб берди. Биз уни тушунмайтганимиздан куйиб кетди-да, болам бечора. Кейин ётигиминан тушунтирди. Биз тушундик охири уни! – Муслим момо ўзининг луғат бойлигида “тушунмадик, тушундик”, каби янги сўз пайдо бўлганини сезиб қолиб, гўё шу янги сўз “сир”ларини фош қилиб қўядигандай бесаранжом бўлиб қолди.

– Ҳар қалай тинч экан-ку, майли, – деди Холдор келин аланечук ҳазин оҳангда.

Муслим момо ғалати бўлиб кетди. Ичида нимадир ғимирлагандай бўлди.

– Энди... эркак барибир эркак-да, – деди Муслим момо тутилинкараб. – Болани йиғламайди, эркакни ёмон йўлга юрмайди, деб бўлмайди. Сен ҳам хушёр бўлгин-да!

– Сизлар бор, нима ғамим бор, – деди Холдор келин.

Муслим момо миқ этолмай қолди.

Эртаси куни кечга яқин Файзимурод келди.

Икки қўлида иккита салафан халта...

– Буниси сизларга, – Файзимурод халтанинг бирини она-сига яқин сурди. Кейин овозини хиёл пасайтириб, – бериб юборди... – деб кўшимча қилди.

Муслим момо ким юборганини тушунди.

– Овора бўлиб нима қиларди... нима қилардинг? – деб қўйди тили калтираб.

– Энди сизларга яхши парвариш керак-да, – деди Файзимурод овозини кўтариб. – Ёшликда елдингиз, югурдингиз, энди қарилик гаштиниям суриг-да!

Бу гаплар боласидан чиқмаганини пайқаган момо ўғлига зимдан таънаомуз назар ташлади. Файзимурод онасининг нигоҳларига эътибор бермади. У елкасидан тоғ ағдарилгандай одатдагидан анча хотиржам кўринарди. Муслим момонинг бир хаёли салафан халталарни қайтариб юборишни таъкидларди. Лекин...

– Қани, халтани оч, кампир, – деб қолди шу вақт Турсунбой чол. – Бугунгисида нималар бор экан?

Муслим момо иддао билан чолига қаради, сўнг салафан халтани очиб, сархил егуликлар, ширинликларни бир-бир олиб дастурхонга қўйди.

– Вой-бўй, дунёда шунақа нарсалар ҳам бор экан-да, – деди Турсунбой чол хайрат билан. – Мана, мен бошлаб бердим, қани, кампир, сенам ол! Пайзи тўғри айтади, бизга ҳозир яхши парвариш керак.

– Мен емайман! – Муслим момо силтаниб орқа ўғирди дастурхонга.

– Ҳо-о, кеча егандинг-ку. Бугун ноз қилиб қолдингми?! – киноя қилди Турсунбой чол.

Муслим момо шу захоти дастурхонга юз бурди.

– Менга нима? – деди момо бепарво оҳангда. – Менинг

ёнимдан кетяптими харажат?! Тайёр овқатни еб-еб оламан-да, қорнимни қаппайтириб ётаман!

Шундай қилиб, Файзимуроднинг халта кўтариб келиши одатга айланди.

* * *

– Яқинда мошина олмоқчиман! – дея тантанали равишда эълон қилди Файзимурод кунларнинг бирида. – Кейин ҳаммаларингизни шаҳарга обориб айланттириб келаман.

Холдор келиннинг қувонганини кўрсангиз! Эрига ялтқокланиб қарашлари-чи! Файзимурод дунёни пойига пояндоз қилиб қўйгандек бирам хурсанд, бирам...

– Худога шукр, қариганда бизнинг ҳам кўкрагимизга шамол тегадиган бўпти, – дея кўкрагини керди Турсунбой чол.

– Ҳаммаси улингизни шарофатидан-да, ота. Улингизни шарофатидан! – деди Холдор келин қувонганидан оғзи қулоғига етиб.

Турсунбой чол маъқуллаб бош ирғади.

Ҳамма хурсанд эди.

Фақат Муслим момо жим.

– Бу дейман, анов келин анча бамаъни аёл экан, — деди бир куни Турсунбой чол кампирга. – Пайзига закунний хотин бўлмаса ҳам бизди ташвишимизни қилади ҳар доим. Тўғрисини айтсам, Холдор келиннинг меҳнатқаш, қўл-оёғи чаккон бўлганиминан шу вақтгача биз учун бирор мартаям алоҳида қозон осганини кўрганим йўқ!

Муслим момо индамади, лекин одатдагидай лабини ёқимсиз буриб қўйди.

Кўп ўтмасдан Файзимурод шаҳардан машина миниб келди. Шунда ҳам Муслим момо у қадар очилмади.

Орадан яна бир муддат ўтгач, кунларнинг бирида Файзимурод онасини машинага ўтқазиб шаҳарга олиб кетди.

– Онамизни олиб келинг, деб Ойгул ўз ҳолимга қўймади сира, – йўлда изох берди Файзимурод онасига. – Онангиз Хизр назари тушган аёл бўлиб кўзимга кўринди, дейди. Бир ўзларини олиб келинг, дуоларини олайин, дейди...

– Ўлағойсин, кашмири! – деди кампир лабини буриб.

– Эна! – оғриниб назар ташлади Файзимурод. – Энди... ҳадеб оёқ тирайверманг.

– Мен шундай тарбия берганмидим сенга?!

– Эна, ҳозир замон бошқача. Сизам сал бошқача ўйланг.

– Мен бошқача ўйламайман. Мен... ростини айтсам, сени деб ўзимга қанчалар зуғум қилиб яшаганман!

– Эна, сизнинг даврингиз, йўригингиз бошқа бўлган. Одам бир марта дунёга келади. Шундай экан, ўзини, туйғуларини ҳурмат қилиши ҳам керак-да. Қолаверса, одам ўзини бахтли ҳис қилган ерда яшаши керак. Ойгул билан бир соатча юракдан гаплашинг, бунақа нарсаларни шундай тушунтириб қўядики, кейин сизам уни яхши кўриб қоласиз, эна! – деб юборди Файзимурод.

– Сенинг сазангни ўлдирмаслик учун боряпман, лекин уни келиним деб эмас!

– Сиз уни келиним деб қабул қила олмаётганингизни Ойгул билади. Шунда ҳам барибир сизга меҳри бўлақча, эна. Онангиз кўп қийинчиликлар кўрган аёл, мен у кишини тушунаман, дейди у.

Муслим момонинг қарашлари юввош торгди, ҳатто анча маҳзун торгди. Кейин қадини кўтариб, ёйлиб ўтирди...





Гроссмейстерлар баҳси

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Халқаро шахмат федерацияси, Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда “Ўзбекистон

маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ФИДЕ Гран-присининг иккинчи босқич беллашувлари бўлиб ўтди. Олтита нуфузли халқаро турнирдан иборат ФИДЕ Гран-приси 2014 йилда жаҳон шахмат тожи учун бўладиган мусобақанинг саралаш босқичидир.

2014 йили ўтказиладиган номзодлар турнири жаҳон чемпионлиги учун курашиш имконини берадиган ягона мусобақадир. Унинг ғолиби амалдаги жаҳон чемпиони – ҳиндистонлик Вишванатан Ананд билан жаҳон шахмат тожи учун баҳслашади.

Пойтахтимизда ўтган нуфузли турнирда ўн икки нафар халқаро гроссмейстер – ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов, россиялик шахматчилардан рапид бўйича жаҳон чемпиони Сергей Карякин, жаҳон шахмат олимпиадасининг уч карра ғолиби Александр Морозевич, жаҳон кубоги совриндори Пётр Свидлер, жаҳон кубоги соҳиби исроиллик Борис Гелфанд, 16-жаҳон чемпиони ва жаҳон шахмат олимпиадасининг икки карра ғолиби украинлик Руслан Пономарёв, блитс бўйича жаҳон чемпиони кубалик Ленер Домингес Перес, Осиё чемпиони хитойлик Ванг Хао, жаҳон шахмат олимпиадаси ғолиби озарбайжонлик Шаҳриёр Мамадиёров, жаҳон кубоги соҳиби, тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпиони америкалик Гата Камский, Италия чемпиони Фабиано Каруана ва халқаро турнирлар ғолиби венгриялик Петер Лекор даврари тизимда ўзаро донна сурди.

17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам муваффақиятли ўйнаб, ФИДЕ Гран-присининг иккинчи босқичида мағлубиятга учрамаган ягона шахматчи бўлди. Тажрибали гроссмейстеримиз бешинчи турда Осиё чемпиони Ванг Хаони қора донналарда мот қилди, қолган барча партиядо дуранг ўйнаб, жами олти очко жамғарди.

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида ўтган тақдирлаш маросимида 6,5 очко билан биринчи ўринни эгаллаган Сергей Карякинга олтин медал топширилди. Кумуш медал Ванг Хаога, бронза медал Александр Морозевичга насиб этди.

– Ўзбекистонда барча спорт анжуманлари юқори савияда ташкил этилишига яна бир бор амин бўлдик, – деди Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти Кирсан Илюмжинов





Нодирбек Абдусатторов Словениянинг Марибор шаҳрида болалар ва ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида бош совринни қўлга киритди. Нодирбек Абдусатторов ўтган йили Ҳиндистонда бўлиб ўтган турнирда ўз ёш тоифасида Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлиб қайтганди.

8 ёшгача бўлган болалар иштирокидаги турнирда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган тошкентлик Нодирбек 11 партиядя 10 очко жамғариб олтин медал учун бўлган баҳсда рақибларига имкон қолдирмади. Эътиборли томони, у бор-йўғи икки ўйинда дуррангга рози бўлди, қолган барчасида ғалаба қозонди.



* * *

– Тўғри айтган экансиз, чол, – деди шу куни кечга яқин одаддагидай тўлиб-тошиб уйга кириб келган момо чолига. – Анов келин тоза бамаъни аёл экан. “Сизга ҳавасим келади, багри бутун аёлсиз, – дейди бечора. – Менинг устим бутун, ичим тутун, ҳеч ҳавас қиладиган ерим йўқ”. Камтар-да, камтар! Унинг ўрнида бизнинг қишлоқнинг аёли бўлганида димоғидан эшакқурт ёғилиб, менга ўхшаганларни оёғининг учида кўрсатарди. Айтгандай, бу хотин тоза пишиқ-пухта экан. Қишлоқдан бир ҳовли олиб, набираларингиздан бировининг номига ўтказиб қўйсам майлими, деб сўради мендан. Ўйлаб кўриб, рози бўлдим. Ҳарна Пайзига ёрдам-да. Тўртта ўғилни уйли-жойли қилиш осон бўлмайди унга.

Турсунбой чол “анов келин” ҳақида кампирининг фикри яхши томонга ўзгарганидан кўнгли хотиржам бўлгандек мамнун илжайиб қўйди.

Дарҳақиқат, Муслим момо шаҳардан анча ўзгариб қайтди. У энди аввалгидай фикрламас. Ойгулни ҳам худа-беҳуда қаргайвермасди. Шу вақтгача Холдор келиннинг тарафини олган бўлса, энди она сифатида ўз ўғлига “зуғум қила олмаслигини” ҳис этиб, унга ачина бошлади. “Болам бечора суймаган ошни қандай ичсин? Ота-онасини ранжитмаслик учун улар танлаган қизга уйланиб, бир умр қийналиб яшагандан кўра... Ахир болам ҳам дунёга бир марта келади!” – бу фикр-

лар кампирнинг онгига беозор, самимий йўллар ва... тўкин-сочинлик орқали оқиб кира бошлади. У Ойгулдан ўзини қарздор ҳис қила бошлади...

Кейинги сафар Турсунбой чол шаҳарга саёҳат қилди.

– Отамни бугун-эрта кутманглар, – деди Файзимурод онаси билан Холдор келинга. – Ишхона ҳисобидан путёвка олиб, дам олишга жўнатылман!

Холдор келин ерга қараганча миқ этмай турарди. Файзимурод у томонга қарамасликка уринарди.

“Нега у жим, – деб ўйлади кампир Холдор келинга зимдан тикилганча. – Наҳотки ҳеч нарсани пайқамаётган бўлса? Балки пайкаандиру... ҳеч нарсани ўзгартира олмаслигига фаҳми етдимикин? Э, ўйлайвериб бошим котди. Менга нима!”

Шундай қилиб, Турсунбой чол дам олишга ҳам бориб келди.

– Ота, эна, – деди Файзимурод кунларнинг бирида муҳим гапи бордай чол-кампирга маъноли қараб. – Мана, Ойгулни кўрдиларингиз, қанақа аёл эканлигини билдиларингиз. Энди... маслаҳатли бир иш чиқиб қолди...

– Қандай иш? – шоша-пиша сўради Муслим момо.

– Ойгул аввал турмуш қилган, лекин фарзанд бўлмагани учун оиласи билан ажрашган... Текширганларида Ойгулни айбдор қилишган-да дўхтирлар. Хуллас, у яна ўнта эркакка теккан тақдирдаям бола кўрмас экан. Шунинг учун менга

USHALMAGAN ORZULAR FOJIASI

Ҳикояни ўқиб чиққан таниш қаламқашларимиздан бири энсаси қотганини яшириб ўтирмади:

– Наинки, ота-она келинини икки халта ширинликка алмашса?

Мен шунда бу одам асардан ҳеч нима тушунмаганини, фақат воқеаларнинг зохирий кўринишига эътибор қаратганини англадим. Ваҳоланки, “алмашиш” ўлчови “Келин”да бениҳоя маҳорат ва шафқатсизлик билан, тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган: “Айтгандай, бу хотин тоза пишиқ-пухта экан. Қишлоқдан бир ҳовли олиб, набираларингиздан бировининг номига ўтказиб қўйсам майлими, деб сўради мендан. Ўйлаб кўриб рози бўлдим. Ҳарна Пайзига ёрдам-да. Тўртта ўғилни уйли-жойли қилиш осон бўлмайди унга”.

Мана, гап қаерда! Мана, кўнгилларнинг туб-тубидаги асл мақсад, ният қаерда. Мана, нима учун “Муслим момонинг қарашлари юввош тортди”. Демак, Муслим момони ҳам, Турсунбой чолни ҳам айблашга шошилмайлик, уларни тушунишга ҳаракат қилайлик. Ҳар иккиси ҳаётини синовларни бошдан ўтказавериб, пишиб кетишган, оқ-қорани яхши танишади. Момонинг феълидаги бир жиҳатга эътибор қаратинг: “Ўғлини уйлантирганига ўн йилдан ошяптики, Муслим момо келинининг хонасига қирмайди. Бирор зарурат туғилиб қолса, мана ҳозиргидай эшик олдида туриб гаплашиб қайтади. Ичкарига ҳатто кўз кирини ҳам ташламайди. Келинининг тўшагига кўзи тушишини хохламайди”. Ҳатто келинининг тўшагига кўзи тушиб қолишидан истиҳола қиладиган она наҳотки ўғлининг “Бирорта эгасиз ғунажининг кетини искаб юришига” йўл қўяди? Асло. Аммо... “Ҳарна Пайзига ёрдам-да. Тўртта ўғилни уйли-жойли қилиш осон бўлмайди унга”. Момо ёлғиз ўғилни уйлантириб ҳам тўй “осон бўлмаслигини” яхши билиб олган. Ўғлининг бўйнида эса тўртта тўй ташвиши! Тўртта-я! Чақилиб кетади-ку бечора! Келиннинг аҳволи бу бўлса. “Шу вақтгача Холдор келиннинг тарафини олган бўлса, энди она сифатида ўз ўғлига “зуғум қила олмаслигини” ҳис этиб, унга ачина бошлади. “Болам бечора суймаган ошни қандай ичсин? Ота-онасини ранжитмаслик учун улар танлаган қизга уйланиб, бир умр қийналиб яшагандан кўра... Ахир болам ҳам дунёга бир марта келади!” – бу фикрлар кампирнинг онгига беозор, самимий йўллар ва... тўкин-сочинлик орқали оқиб кира бошлади”. Она – она-да. У фарзандининг ноҳақлигини ҳис эта туриб “ўғлим” дейди, боласининг ёнини олади, керак бўлса унинг учун жонини қурбон қилади. Айнан шу сабабли ҳикоя Муслим момо билан бошланиб, ўта таъсирчан, чексиз мушоҳадаларга йўллайдиган, ўқувчи қалбини ларзага соладиган тарзда Муслим момо билан якун топади. Демак, “Келин”да асл қурбонликка келтирилаётган жон Холдор келин эмас, она...

Ҳикоядаги яна бир ёрқин образ, шубҳасиз, Турсунбой чолдир.

Дастлаб, табиий равишда ўзини уйнинг устун ҳисоблайдиган Турсунбой чол феъл-атвори ғалатидай туюлади (бу образда гендер ҳуқуқларининг қай даражада мохирлик билан акс этгани – алоҳида мавзу). Аммо чол образи мохияти шиддат билан очила борган сайин, биз унинг кимлигини, мақсад-тутумларини англай борамиз. Турсунбой чол қайсидир маънода ўзининг ўтган, эҳтимолки ўтаётган умридан норозирок. У ёшлигида бошқачарок ҳаётни орзу қилган, бунга эришмочки ҳам

муносабатларимизни яқинларингизга, элга ошкор қилайлик, сизнинг болаларингиз менинг ҳам болаларим бўлса, деганга ўхшаш гап қилди. Нима дейсизлар шунга?..

Ишнинг бундай тус олишини кутмаган Муслим момо кўзларини чақчайтирганча чолига юзланди:

– Энди қайтамыз, чол?!

Турсунбой чол шимаётган конфетини ташлаб юборгиси келмагандек бир муддат тамшаниб турди, сўнг:

– Йўқ десанг, у хотин этагинга осилиб олмайди. Бу кўришиб турган нарса-ку, – дея гап бошлади. – Сен бўлмасанг, бошка бировлар илади-кетади. Лекин у аёл мингтаники бўлгунча, биттаники бўлайин, деганга ўхшайди. Бамаъни аёл дейман-ку, бамаъни!

– Болалар ўртада бўладими? – сўради момо таажжубланиб.

– Ҳа, энди, бориб-кеп туришади-да.

– Холдор-чи?

– Холдорга нима бор у ерда?

– Йў-ўк... Мен у кўнармикан, демоқчийдим.

– Кўнмай каёкка борарди?! Холдор Пайзининг хотини бўлса, анов куйган банда ҳам хотини-ку! Биз учун бунисиям келин, унисиям келин. Икковини бирдай кўришимиз керак, кампир, тушундингми? Сен Холдор келинга ётигиминан тушунтир. Керак бўлса, менам мусулмон эркакнинг ҳақ-

хуқуқлари ҳақида насиҳат қилиб қўяман.

– Мусулмончиликда йўл борми ахир?! – зорлангандай, қийналиб кетаётгандай сўради Муслим момо.

– Йўлини билмасам, насиҳат қиламанми?! Бўлди, масала ҳал. Пайзи, мошинани тайёрла, мен бир ерга ўтиб келмоқчиман!

– Ҳа, қаякка борасиз? – сўради момо ажабланиб.

– Сўлоқлидаги Бўрибой ошнам тўй қияпти экан.

– Сўлоқли бир кадам бўлса, мошинада боришингиз шартми? Авваллари диконглаб ўзингиз кетаберардингиз-ку!

– Аввал мошина йўқ эди. Энди улим мошина минса-ю, мен яёв юрсам бўладими?!

Турсунбой чол ташқарига йўналди. Машина калитини бармоқларида ўйнаганча Файзимурод отасига эргашди.

Ёлғиз қолган Муслим момо дастурхондаги антика ширинликларга тикилганча... Холдор келинни қандай кўндириш ҳақида бош қотира бошлади.

Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи

бўлган, аммо эплай олмагач, ҳаммасидан қўлини ювиб қўлтиғига урган; энди қолган умрини бир амаллаб ўтказиб олса бас. Аммо нафс деган бало бор: чол яхши еб, яхши ичишни истаиди, келин(лар)ига дастурхон тўқинлигига қараб баҳо беради: “– Бу дейман, анов келин анча бамаъни аёл экан, — деди бир куни Турсунбой чол кампирига. – Пайзига зақунний хотин бўлмаса ҳам, биззи ташвишимизни қилади ҳар доим. Тўғриси айтсам, Холдор келининг меҳнаткаш, қўл-оёғи чаккон бўлганимнан шу вақтгача биз учун бирор мартаям алоҳида қозон осганини кўрганим йўқ!”. Кўнгил-да, Турсунбой чолнинг ўзига яраша, озгина худбинона орзу-ҳаваслари ҳам бор: “Бўлди, масала ҳал. Пайзи, мошинани тайёрла, мен бир ерга ўтиб келмоқчиман!

– Ҳа, қаякка борасиз? – сўради момо ажабланиб.

– Сўлоқлидаги Бўрибой ошнам тўй қияпти экан.

– Сўлоқли бир кадам бўлса, мошинада боришингиз шартми? Авваллари диконглаб ўзингиз кетаберардингиз-ку!

– Аввал мошина йўқ эди. Энди улим мошина минса-ю, мен яёв юрсам бўладими?!

Турсунбой чол ташқарига йўналди. Машина калитини бармоқларида ўйнаганча Файзимурод отасига эргашди”.

Турсунбой чол кампирининг ўзи томонга ўтаётганидан хурсанд: ҳарна-да, бу муваффақиятни янада мустаҳкамлашга жон-жаҳди билан ҳаракат қилади: “Кўнмай каёкка борарди?! Холдор Пайзининг хотини бўлса, анов куйган банда ҳам хотини-ку! Биз учун бунисиям келин, унисиям келин. Икковини бирдай кўришимиз керак, кампир, тушундингми? Сен Холдор келинга ётигиминан тушунтир. Керак бўлса, менам мусулмон эркакнинг ҳақ-хуқуқлари ҳақида насиҳат қилиб қўяман”.

Мана шу ўринда Турсунбой чол феълининг яна бир қирраси очилади: “Э, бу чоли қурғур ҳам вақтида тоза хунарини кўрсатган! Агар Муслим момо турмушнинг аччиқ-чучугига чидамаганида, ҳаёт шу экан-да, деб пешанасига бир муштлаб яшамаганида, ким билсин, аллақачон ажрашиб, бегоналашиб кетишармиди?” Ҳа, чол шундай умр кечирган ва кечирмоқда. Эътибор беринг: “Ёшлиқда кўнгил нималарни тиламайди, майли, ўтгани ўтди, сал тафтсиз умр кечирганини ҳис қилиб ўкинса-да, ўтган йиллардан Муслим момо асло норозилик туймасди, лекин чол... энди қариганда сал инсофга келса-чи бу чол!.. Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўр лабида турибдию, индамаса ҳалиям...” Бунини Турсунбой чолнинг ўзи ҳам яхши англайди, шу сабабли, ўғли ҳақида гапираётганида, беихтиёр ўзининг қаричидан келиб чиқади: “Энди битта-яримта... ҳалигидай хотинга айланишса айланишар, лекин бола-чақасидан воз кечмайди”. Шу сабабли Турсунбой чол янги “келин”идаги улуғворликни, тўқин-сочинликни кўрганида ўша ушалмаган орзулари эсига тушибми, ўзгача ҳаёт армонлари боисми, ларзага тушади: “Турсунбой чол пиёлани оларкан, қўли титраб кетди. Муслим момо бунини аниқ кўрди. “Ҳаҳ, шўрлик чол, бундай муомалани кўрмаган-да! Кўргансизлик қияпти”, – деб ичида яниб қўйди момо”...

Албатта, мен ҳикоядаги “соддагина, тўпоригина, камгап, камсуқум, меҳнаткаш жувон”, қайнонасининг олдида йиғлашга ҳам уяладиган, эртадан кечгача тиним билмайдиган хоксор ва муте Холдор келин, “қош-кўзлари попуқдай, лўппи юзлари оппоқ, дурқун” иккинчи келин Ойгул ҳақида кўп ва ҳўб ёзишим мумкин эди. Аммо бу ёдда қоларли, ёрқин образлар хусусида мулоҳаза юритишни ўқувчиларнинг ўзларига қолдирганим маъқул туюлди.

Абдуқоюм ЙЎЛДОШ

Ibn Sino – Arastu izdoshi



Абу Али ибн Синони, асосан, тиб илмининг султони сифатида биламиз. Ибн Сино фалсафий, тиббий асарлар билан бирга, шеърый ижод билан ҳам шуғулланган. Аллома тиббиёт илмига оид муҳим фикрларини шеърый йўлда, уржузалар шаклида баён қилар экан, тиббиётни ўрганувчилар шеърни яхши эслаб қолишларини назарда тутди. Шу билан бирга, аллома чинакам нафис шеърлар, рубойлар, қасидалар ҳам ёзган.

Хусайн болалик ва ўсмирлик чоғларидан гуллаб-яшнаган адабий-маданий муҳитда ўсиб-улғайди. Ибн Синонинг ёшлик чоғларида Бухоро илм-маърифат ўчоғи бўлиб, вазири Аъзам Муҳаммад Жайхоний илм-маърифат аҳлига хомийлик қилар, ўзи ҳам бошқа юртлардан келган сайёҳлар, олимлар билан астрономия, геология, тарих, этнография соҳаларида узоқ суҳбатлар қураётган эди. Бу даврда шоирлар орасида Абул-Фазл Ҳамадоний, Абул-Фатҳ Бустий, Аҳмад Шабибий, Рудакий, Балхий, вазир ва шоирлар Соҳиб Аббод, Абул-Қосим Муродий, Абу Тоййиб Мусъабий, Абу Бакр Хоразмий каби сўз санъаткорлари шуҳрат топган эдилар.

Абу Мансур ас-Саолибий “Ятимат-ад-дахр фи маҳосин Аҳл-ул-аср” китобида ўша даврдаги Бухоро ҳақида бундай ёзади: “Бухоро... шон-шуҳрат макони, салтанат қабаси ҳисобланган ва у ер замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ва фозилу фузало йиғилган жой эди”.

Ибн Синонинг адабий-эстетик тамойиллари унинг фалсафий қарашлари билан боғлиқдир. Бошқача айтсак, алломанинг эстетик қарашлари фалсафий қарашларининг таркибий қисмини ташкил этади. Ибн Сино фалсафий қарашларининг шаклланиши ва камол топишида Арасту ва Форобий фалсафий асарларидан маънавий озикланган ва илҳомлангани кўринади.

Ибн Сино фалсафада калом, тафсир, фикҳ каби шарқона манбаларга суяниб, ижод қилиш билан бир вақтда изчил арастучи файласуф сифатида ҳам дунёга машҳурдир.

Хусайн тиббиёт илмини чуқур ўрганиб, амалиёт билан шуғулланиб, 16 ёшиданок, машҳур шифокор бўлиб танилди. “Шу билан бирга баъзан фикҳни ўрганишни ҳам давом эттирдим. Шу соҳада уламолар билан мунозарада катнашар эдим... Кейин мантиқ ва фалсафанинг ҳамма қисмларини қайтадан ўқиб чиқдим. Мантиққа оид равшан ва аниқ бир қанча қоидаларни жамладим.”

Ибн Сино “Таржимаи ҳол”да ёзишича, у фалсафанинг тиббий фанларга нисбатан қийин қисми ҳисобланган “Мо баъда ат-Табиа” (“Табиатдан юқоридаги нарсалар”) — “Метафизика”ни ўқишга киришади. “Лекин унда ни-

малар дейилганини тушунолмасдим ва китоб ёзган кишининг мақсади мен учун қоронғу эди. Ҳатто уни (“Метафизикани”) қирқ марта ўқидим ва у менга ёд бўлиб кетди, лекин шунда ҳам мен китобни ва унинг мақсадларини тушуна олмасдим. Ниҳоят, умидимни узиб, “Бу тушуниб бўлмайдиган китоб” дедим”.

Шундан сўнг ёш Ибн Сино бир куни китоб бозорида юрганида китоб сотувчи даллол бир китобни мақтаб, эгаси пулга муҳтожлиги учун арзонга сотишини айтади. Хусайн аввал бу китобдан менга фойда йўқ, деб рад этди. Эгаси муҳтож деган сўзни эшитгач, майли ола қолай, дейди. “Кейин билсам, — деб эслайди Ибн Сино — бу Абу Наср Форобийнинг (“Мо баъда ат-Табиа”) китоби мақсадлари ҳақида ёзган асари экан. Уйга қайтиб, уни тезда ўқишга киришдим. Китоб дилимда ёд бўлиб қолгани сабабли унинг мақсадлари менга дарҳол аён бўлди. Бундан жуда хурсанд бўлим кетдим ва Тангри таолога шукр айтиб, камбағалларга анча нарса садақа қилдим”.

Ибн Сино болалик ва ўсмирлик чоғларида ўша замон тартибига кўра, аввал Куръон ва Тафсир, сўнг шарият ҳуқуқларига оид фикҳ илмини ўрганган.

“Отам асли Балхлик эди, деб эслайди Хусайн ибн Абдуллоҳ. — У Нух ибн Мансур замонида Бухорога кўчиб келиб, Хурмайсан (ҳозирги Ромитан) қишлоғида маъмурий ишларга бошчилик қилган”.

Эътибор беринг. Ибн Синонинг отаси Ромитанга келиши билан маъмурий ишларга бошлиқ бўлса, демак у ўз даврининг маърифатли одамларидан бири бўлиб, фикҳ-шарият ҳуқуқи ва мантиқ илмларини ҳам яхшигина билган. Ўғлини ҳам илми, маърифатли қилиб ўстиришга ҳаракат қилган. Шу сабабли, у таниқли олим, хоразмлик файласуф Абу Абдуллоҳ Нотилийни ўғлига муаллим сифатида уйига олиб келди.

Ибн Сино “Таржимаи ҳол”да ёзишича, у хоразмлик файласуф Нотилийдан “Исоғужу” китобини ўргана бошлади. Асли юнонча номи “Мантиқ илмига кириш” (“Исагога”) бўлган бу асарни Абу Наср Форобий араб тилида “Китоб “Исоғужу ай ал-мадҳал” (“Мантиқ илмига муқаддима китоби”) деб таржима қилган ва шарҳлаб берган. Аслида бу асар Афлотун ва Арасту издошларидан Платоннинг шогирди Порфирий томонидан ёзилган. Маъмур академияси (Бағдод) олимларидан Хунайн ибн Исҳоқ сурёний тилига, Саъид ибн Якуб Дамашкий араб тилига таржима қилганлар. Форобий бу асарни яхши билган ва унинг мазмунини ўқувчиларга осонлаштириш мақсадида шарҳ ёзган. Порфирийнинг “Исагога” асари шарҳида Абу Наср Форобий мантиқ илмига тааллуқли силлогистик

киёсий санъатларни: аподейктика (далиллаш, исботлаш) санъати, диалектика (бахс, мунозара) санъати, риторика (хитоба) санъати, софистика (рақибини сўздан адаштириб энгиш) санъати ва поэтика (бадиат, шеърят) санъати соҳаларидан иборат деб билган.

Абу Али Ибн Сино ўз асарлари қандай ёзилгани ҳақида ҳам маълумот беради. “Абул Ҳасан ал-Арузий деган бир кўшнимиз бор эди. У мендан бу илмларнинг ҳаммасини (фалсафий, ижтимоий илмларни) ўз ичига оладиган бир китоб ёзиб беришимни сўраган эди. Мен унга “Ал-Мажмуъа”ни ёзиб бердим. Унга риёзатдан бошқа барча илмларни киритдим. Ёшим бу маҳалда 21 да эди”.

Демак, Ибн Сино бу асарни 1001 йилда, Бухородалик вақтида ёзган. Атокли шарқшунос Абдусодиқ Ирисов ёзишича, ушбу асарнинг бир қисми давримизгача етиб келган.

“Поэтика”га шарҳ тариқасида ёзилган бу асар тузилиши Ибн Синонинг кейинчалик ёзган “Фан аш-Шеър” (“Шеър санъати”) асарига ўхшаб кетади. Демак, Ибн Сино 21 ёшида, “Ал-Мажмуъа” асарини ёзган кезларида Арастуниг “Поэтика” асарига шарҳ ҳам битган.

Маълумки Арастуниг “Риторика” асари “Поэтика”га нисбатан (аниқроғи, “Поэтика”нинг бизгача етиб келган қисмига нисбатан) ҳажман анча катта бўлиб, уч китобдан иборат. Асарнинг 1- ва 2-китоблари нотиклик санъатига ва у билан алоқадор жуда кўп маънавий-ижтимоий масалаларга бағишланган. Арасту “Риторика”нинг фақат 3-китобида поэтика масалаларини тадқиқ этади.

Ибн Синонинг мана шу икки асари алломаниг кейинчалик ёзган “Аш-Шифо” тўпламига бир қисм бўлиб кирган. А. Ирисов ёзишича, “Ал-Мажмуъа”га кирган “Шеър маънолари” деган қисмининг тузилиши “Аш-Шифо”га кирган “Шеър санъати” асари тузилишига ўхшайди. Бошқача айтганда, Ибн Сино бу ерда Арасту асарига эмас, балки ўз асарига шарҳ ёзгандай кўринади.

“Ал-Мажмуъа” асарининг 2-қисми риторика ҳақида ёзилган бўлиб, у ҳам давримизгача етиб келган. “Ал-Мажмуъа”гача Ибн Сино бошқа асарлар ҳам ёзган кўринади. Ибн Сино бундай асарларини илм қадрига етадиган одамларнинг илтимосига кўра битади. Бу ҳақда Ибн Сино ўз таржимаи холида бундай ёзади: “Хоразмли Абу Бакр ал-Барақий исмли кўшним бор эди, у табиатан фақиҳ, тафсир ва порсоликда (художўйлик ва тақводорликда) ягона эди. Бу илмларга ўзи ҳам мойил эди. У киши мендан китобларга шарҳ ёзиб беришни сўради. Мен унга 20 жилдча келадиган “Ҳосил ва маҳсул” китобини ёзиб бердим”.

Ибн Сино “Донишнома” таркибига кирувчи “Мантиқ” асарида бу фаннинг мақсадлари, жамият ва фуқароларга фойдаси бекиёслиги ҳақида бундай дейди:

“Биз билмаган нарсалар, лекин билишни истаган номаълум нарсаларни аввал билган нарсаларимиз воситасида била оламиз. Аввалги билимларсиз янги билимларни эгаллай олмаймиз. Аввал билганларимиздан фойдаланиб, янги билимларни эгаллаш учун бир илм бор. Бу мантиқ илмидир. Биз мантиқ илми ёрдамида аввал билганларимиздан фойдаланиб ҳақиқатни топамиз”. Арасту ва Форобий изидан бориб, Ибн Сино ҳам шеършунослик (поэтика) илмини мантиқ илмининг ўзига хос бир тури деб кўрсатади. Яъни, шеърда ҳам ҳаёт ҳақиқати ифодаланади, деган ғояни илгари суради.

Илҳомжон РУСТАМОВ

TASHABBUSDAN RUHLANIB

Оила инсоннинг камолот бешигидир. Барча фаолиятимизнинг асосида оила туради. Мамлакатимизда 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб номланиши оилаларни мустаҳкамлаш, оила институтларини шакллантириш, маҳаллалар фаолияти тизимидаги ишларга янги-янги ташаббусларни бошлаб берди.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳукуратимиз томонидан иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга ва оилаларнинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яхшилашга йўналтирилган қарорлар қабул қилинди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизларни ишлаб чиқаришга ва оилавий бизнесга жалб қилиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари томонидан бизнес-режаларни ишлаб чиқиш, уй-жой ва мебеллар, маиший техника харид қилиш, шунингдек, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 1,1 триллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Умуман, оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилалар ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш мақсадида “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида жорий йилнинг 9 ойи давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортик маблағ йўналтирилди. Қасаначиликнинг барча шакллари ривожлантириш ҳисобидан 183,4 мингта иш ўринлари яратилди.

Оилалар мустаҳкамлиги, соғломлиги жамият тараккиётига ҳисса қўшади. Бу борада олиб борилаётган ишлар кейинги йилларда ҳам давом этади.

*Тошмирза АҲМЕДОВ,
Сирғали тумани 1-сон нотариал
идораси нотариуси*

QO‘QON YOR-YORI

Муҳаммадали Абдуқундузов, Ўзбекистон халқ артисти: Хурсаной Қодирова номини Фарғонада, айниқса, Қўқонда яхши билишади. Хурсаной, биринчидан, улуг санъаткоримиз Раҳимахон Мазоҳидова мактабида улайган, иккинчидан, бу даражага етишишида оила аъзоларининг хизмати катта. Аёл санъаткорларга жуда оғирлигини биламан. Ҳам оиласини, ҳам санъатини баб-баравар олиб бориши жуда мушкул. Аммо юрагида жўши урган санъат аёлни кучли қилади, ҳамма нарсага улгуришига даъват этади. Хурсаной давраларга кириб борганида, ҳамма беихтиёр Раҳимахон аяни эслайди, устозларнинг йўлини ҳар қандай шогирд ҳам давом эттира олмайди. Аммо Хурсаной қўлида доираси билан устозининг анъанасини сақлаб қолиш йўлида тинимсиз изланмоқда. Ижодига барака берсин, Хурсанойдан ва ансамбл қизларидан янги тароналар кутиб қоламиз.

Бу йил Ўзбекистон халқ артисти, улуг санъаткор Раҳимахон Мазоҳидова томонидан ташкил этилган “Қўқон ёр-ёри” (“Омон ёр”) халқ фольклор-этнографик ансамбли ташкил этилганига 30 йил тўлди. Раҳимахон ая бугун орамизда бўлмасалар-да, уларнинг ишини шогирдлари давом эттиришяпти. Шу муносабат билан аянинг энг яқин, энг иқтидорли шогирди, ансамблнинг бадий раҳбари Хурсаной Қодирова билан санъат, оила ва аёллик бахти ҳақида суҳбат қурдик.

– Хурсаной опа, санъатга кириб келишингиз, Раҳима опага шогирд тушганингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Мактаб саҳнасида “Бой ила хизматчи” спектаклида Жамила ролини ижро этганимда, онамга дугоналари кизингизнинг иқтидори бор, уни ўқитиб, театрға ишга олиб боринг, дея маслаҳат беришган экан. Онам мактабда ўқитувчи бўлиб ишлардилар, санъатни жуда қадрлайдиган аёл эдилар. Менинг қўлимдан етаклаб, Ўзбекистон халқ артисти, таниқли санъат устаси, театрнинг етакчи актрисаси Раҳимахон Мазоҳидованинг олдиға олиб борди. Ая бизни кучок очиб кутиб олди.

Кейинчалик, Тошкент Давлат Маданият институтининг “Халқ театри режиссёри” факультетида таҳсил олиш билан бирга, Қўқон театрида ишлай бошладим. Чунки устозим биринчи кундаёқ овозимни эшитиб кўриб, ишга оламиз, деганди. Кутлуғ даргоҳда улуг санъаткорларни кўрганимдан, улар билан ҳамсуҳбат бўлганимдан ўзимни бахтиёр ҳис этардим. Мана, 33 йилдан бери санъат соҳасидаман. Устозим мени худди ўз кизидек кўрган. Энди устоз бўлганимда, шогирдлар орттирганимда, устозимнинг олтинга тенг ўғитларини эслайман ва уларға амал қилишга имкон қадар ҳаракат қиламан. “Шогирдларим мендан йўл-йўриқ сўрашганида, “Қасбга нисбатан ҳалолликни мақсад қилиб ол, ҳаёт йўллари текис эмас. Мақсадинг йўлида меҳнат қилишдан толиқма”, дейман уларға. Ҳар бир инсон эгаллаб турган касбининг ортидан бола-чақасини боқади, ҳурмат-иззат орттиради, бунинг учун ҳалол бўлиши, элга, жамиятға фойдаси тегиши керак.

Устозимнинг хонадонида уларнинг оила аъзоларидан бирига айланганман. Қизлари билан опа-сингиллардек бўлганмиз. Раҳимахон аям тонг азонда турарди. Турмуш ўртоғи, театрнинг администраторлигидан директорлик даражасигача кўтарилган Тошпўлат Мазоҳидов фарзандлар тарбиясига қаттиққўл эдилар. Пардоз қилдиргани қўймасдилар. Биз ўсма,



сурма ва хинадан фойдаланардик, холос. “Фақат саҳнаға чиққанда пардоз қиласизлар”, дердилар. Менинг театрда ижро этган биринчи катта ролим “Ёрилтош” спектаклидаги Гулнор роли эди. Ўшанда 18 ёшда эдим. Шу чоққача фақат эпизодик ролларда чиқиб юрган эдим, ҳаяжон босган. Бунни сезган Раҳимахон аям саҳнанинг ортида ўтириб оркестрда жўр бўлиб, суфлёрлик қилиб турдилар. Шундан кейин “Уйғониш”да Иқболхон, “Тоҳир ва Зухра”да Зухра, “Жоним фидо”да Фазилят, “Равшан ва Зулхумор”да Зулхумор каби бош ролларни ижро этдим. “Равшан ва Зулхумор” спектаклида Зулхуморни ижро этаётганимда, Раҳимахон ая “Тўйларға чиқмай тур, сен доира чаласан. Доирада парда йўқ. Оркестрға жўр бўлиб ашула айтаётганингда, куйни эшитмай қоласан”, дерди. Қаранг, устозим ҳамма деталларға алоҳида эътибор берган. Энг кийин кечган ролларимдан бири “Жаҳон Отин Увайсий”даги Увайсий роли эди. Увайсий ролини талқин этганим учун менга 1999 йили “Саҳна санъати маликаси” мукофотини беришган.

– Театрда ишлаётганингизда оилални бўлгансиз. Оила аъзоларингизнинг санъатға муносабатлари қандай бўлган?

– Қайнотам санъатға ихлоси баланд инсон бўлганлар. Уйларига машҳур санъаткорлар меҳмон бўлиб келишарди. Турмуш ўртоғим Рафикжон Юсупов театрда ишлаганликлари учун санъат соҳасида фаолият юритишимға тўсқинликлар бўлмаган. Қайнонам менинг касбимни тушуниб, болаларимни вояға етказишда катта ёрдам берганлар. Мен санъатни

чукур тушунадиган, унинг кадрига етадиган оилада катта маънавий тарбия олдим, қайнонам Салимахон аянинг ўғитлари, насихатлари мен учун сабоқ вазифасини ўтади.

– “Омон ёр” ансамблининг номи нега “Кўкон ёр-ёри”га алмаштирилиши ҳақида сўзлаб берсангиз?

– 1997 йилда Маданият ва Спорт ишлари вазирлиги томонидан Раҳимахон аям билан бирга “Қора кўзим” деб номланган, яъни дунё микёсида ўтказилиши кўзда тутилган фестивалга юборилдик. Тошкентга келиб, 20 та раққоса билан машғулотларни ўтказиб, фестивалга жўнаб кетдик. Ўзбек фольклор йўналишидаги бундай фестивалга биринчи бор юртимиздан биз иштирок этаётган эканмиз. Кенг яйловларда, завод ва фабрикаларнинг ховлиларида кунига 2-3 марталаб жонли ижрода концертлар кўйганмиз. Ҳаммада турли мусиқа асбоби, бизда фақат доира. Кўкон ёр-ёрларини, келин саломларини театрлаштирилган тарзда намойиш этиб, роса олқашларга сазовор бўлдик. Кўлда тўқилган рўмолча, кийикча, дўппиларимизни чет элликларга таркатганмиз. Қайтганимиздан кейин устозим: “Ўзимизнинг Кўкон ёр-ёрлари ҳам анча-мунча тўпланиб қолибди. Шуларнинг барчасини тиклаб, “Кўкон ёр-ёри”га айлантирайлик”, дедилар. “Омон ёр” фольклор ансамбли ташкил этилганига бу йил 30 йил тўлади. Ҳар бир вилоятнинг ўз ёр-ёрлари, лапарлари ва келин саломлари бор. Кўконники ҳам ўзига хос. Биз барчасини тўплаб театрлаштирилган ҳолатда кўрсатиб келаямиз. Бу йил Эллиққалъада ўтказилган “Асрлар садоси” фестивалида ҳам ўзимизнинг 30-40 дақиқалик спектаклларимизни олиб чиқдик ва олий мукофотга сазовор бўлдик. Бошқа фольклорчи опалар олдимизга келиб, “Раҳимахон аянинг шогирдисиз, шунинг учун сизга ҳавас қиламиз”, дейишганида, тўлқинланиб кетдим. Бу биринчи навбатда устозимизга берилган юксак баҳо эди. 2005 йили минтақавий фольклор фестивали бўлди. Бунда ҳам йўқолиб кетаётган удумларимизни қайта тиклаб, намойиш этдик ва Гран-прига сазовор бўлдик. Шундан сўнг ансамблимизга “Халқ ансамбли” деган юксак ўнвон берилди. Бизга нисбатан янада эътибор кучайди ва бу янада шижоат билан ишлашга, изланишга даъват этди. Ансамблимизда турли соҳа вакиллари фаолият юритишади. Салимахон, Мавжудахон, Нарғизахон, Мохирахон, Матлубахон, Маликахон, Ферузахон ва бошқа кизларимизнинг ҳар бири ўзига хос бир олам, ўзига хос назокатли, ҳам оилани, ҳам санъатни эгаллаб келаётган аёллар. Улар билан опа-сингилдек бўлиб кетганмиз. Яқинда ансамблимиз ҳақида “Кўҳна замин оҳанглари” деган кўрсатув олишмоқчи. Афсуски, кейинги йиллардаги муваффақиятларимизни устозим кўра олмадилар. Раҳимахон ая оламдан ўтганларидан кейин бағримиз хувиллаб қолди. Аммо аямизнинг набираси Дилшоджон Аҳмадалиев ҳамиша биз билан бирга, санъат йўлидан бораёпти. Ансамблимиз Раҳимахон Мазоҳидова номи билан юритилаёпти.

– Оилада бекасиз, уч ўғлонингиз, қизингиз, келинларингиз ва набираларингиз бор. Турмуш ўртоғингиз билан барчасини удаллаб, турмушнинг минг бир чиғирикларидан мардонвор ўтиб бориш қийинчилик туғдирмаяптими?

– Биласизми, аёллик, оналик катта бахт экан. Оилада, жамиятда ўз ўрнимни топганимдан бахтлиман. Ёнимда турмуш ўртоғим билан барча синовларни, қийинчиликларни енгиб ўтдик, ўтаямиз. Агар турмуш ўртоғим қўллаб-қувватлаб турмаганларида, мен шу даражага эришмаган бўлардим. Ҳеч қачон у киши рухсат бермаган жойларга бормадим, ниманки қилсак, ҳаммасини маслаҳатлашиб қиламиз. Фарзандларим ҳам ҳаётда ўз ўринларини топиб олишди, ҳамиша отасига ва менга суянчиқ, сирдош. Оилам даврасида энг бахтиёр аёлга айланаман. Ўтаётган ҳар бир кунимга, шу улуг юртда яшаб, ижод қилаётганимга шукр қиламан.

Меҳринисо ҚУРБОНОВА
сўхбатлаиди.

Аюл ва қонституция

Оила деганда кўз ўнгимизга ҳаётни бир-бирига чамбарчас боғлаб турган мустаҳкам ришта келади. Бу ришта шунчалар пишиқ тўқилганки, уни ҳеч ким узолмайди. Бош комусимизнинг 63-моддасида “Оила жамиятнинг бир бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” дея кўрсатилган. Дарҳақиқат, оила жамиятнинг бир бўғини бўлса, аёл унинг боғловчи кўпригидир. Бир эсга олайлик, мустақилликнинг илк йиллариданок оилага бўлган муносабатнинг бош негизда аёлга эҳтиром, аёлга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки эркак оиланинг кўрғони бўлса, аёл унинг устуни ҳисобланади. Конституциямизда белгиланган қоидаларнинг ижтимоий жараёнларга ижобий ва самарали таъсир кўрсатиши жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиладаги муносабатларнинг маҳкамланишига, фуқаролар ҳуқуқий онгининг юксалишига, оиланинг жамиятдаги ўрни мустаҳкамланишига олиб келади. “Оила” Кодексида миллий кадриятларимиз, қадим анъаналаримизнинг энг яхши намуналари ўз аксини топган. Яъни, Соғлом авлод тарбияси учун оилада соғлом муҳит яратилиши, бу муҳит меҳнат, шахс, ахлоқ муштарақлиги, уларнинг ўзаро муносабатлари тўғри ташкил қилиниши билан вужудга келиши ҳисобга олинган. Оиладаги таълим-тарбияда аёлнинг ўрни бекиёс. У тарбиялаётган фарзанд юртнинг келажаги, эртанинг эгаси бўлиб етишади. Шу боисдан ҳам ўзбек фарзандлари дунё ареналарида мана-ман деб юртимиз байроғини кўқларга кўтаришмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган тараққиёт даврида қабул қилинган барча қонун ва қарорлар, фармон ва фармойишлар ижтимоий муносабатларнинг такомиллашишига, оиланинг мустаҳкамланишига, хотин-кизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеининг ошишига самарали хизмат қилмоқда.

Солиҳа ЎРМОНОВА,
Бўка тумани ФХДЁ мудираси

Bayram sovg'asi

O. Genri

Бир доллару саксон етти цент. Бу ҳаммаси. Шундан олтмиш центи бир центлик тангалар. Уларнинг ҳар бирига тежамкорлик туфайли баққол, кассоб, кўкатчи ва бошқалар билан тортишиш эвазига эришилган. Бу чақалар кулоқларгача қизариш эвазига эришилганлигининг тилсиз гувоҳлари. Делла уларни уч марта санаб чикди. Бир доллар саксон етти цент. Эртага эса байрам.

Бундай вазиятда бирдан-бир йўл тўшакка ўзингни отиб ўкириб йиғлаш. Делла ҳам худди шундай йўл тутди. Бундан кўриниб турибдики ҳаёт фалсафаси жуда ҳам оддий. Ҳаёт йиғи, ўксиниб чуқур нафас олиш ва кулгудан иборат. Бироқ ўксиниш кўпроқ.

Уй бекаси ўзига келиб олгунча биз бу хонадонни кўздан кечирамиз. У ҳафтасига саккиз доллар тўланадиган жиҳозланган хона. Ундаги шароит очьяланғоч одамнинг шароитини эслатмаса-да ҳарқалай камбағалликка тортади. Кириш эшигида тирқишига бирор бир хат сиғмайдиган хатлар учун кути ҳамда ҳарчанд босмасин бирор бир банда товушини эшита олмайдиган қўнғироқ тугмаси жойлашган. У билан “Жаноб Жеймс Диллингем Юнг” деб ёзилган тахтача уйғунлашиб турибди. “Диллингем” яқиндаги фаровонлик пайтларида пайдо бўлган. Ўшанда бу одам ҳафтасига ўттиз доллар даромад қилар эди. Энди даромад ҳафтасига йигирма долларга тушиб колганидан сўнг, “Диллингем” сўзидаги ҳарфлар ҳам хира тортиб колди. Ҳатто сўнгги пайтлар бу ҳарфларни “Д”гача қискартиришни ўйлаб қўйишган.

Бироқ жаноб Жеймс Диллингем Юнг ҳар сафар уйига келиб юқорига кўтарилаётганда уни “Жим!” деган товуш қарши олади ва ўзини биз сизга Делла деб таништирган Жеймс Диллингем Юнг хонимнинг меҳрибон кучоғида кўради. Қандай яхши.

Делла йиғидан тўхтаб момик рўмоли билан юзини артди. Дераза олдида туриб олиб, тунд ховлининг тунд девори ёнида юрган тунд мушукни кузатди. Эртага Рождество байрами, унда эса Жимга совға олиш учун бор йўғи бир доллар саксон етти

центгина бор! Ойлар давомида у совға учун центлаб пул йиғди ва фақат шунга эришди. Ҳафтасига йигирма долларлик даромад билан узокка бориб бўлмайди. Харажатлар у ўйлангандан кўпроқ бўлди. Харажатга келганда ҳар доим шундай бўлади. Жимга бир доллар саксон етти цент насиб қилиб турибди! Унинг Жимига! Рождество байрамида Жимга унинг ҳурматга сазовор номига сал бўлса ҳам муносиб, ўзига хос, ноёб ва қимматбаҳо бирор нарса совға қилиш ҳақида у соатлаб ширин хаёллар сурган.

Деразалар оралиғидаги деворга тошойна ўрнатилган. Сиз бирор марта саккиз долларлик ижаранинг тошойнасига ўзингизни солиб кўрганмисиз. Бундай ойнада жуда озгин ва жуда ҳаракатчан одамгина ўзининг ташқи кўриниши ҳақида уёқ буёққа ҳаракат қилиб, ҳар хил тўлқинсимон аксларни бирлаштириб, ўзининг ташқи кўриниши ҳақида тасаввур пайдо қила олиши мумкин. Делла озгингина бўлгани учун ҳам бу санъатни эгаллашнинг уддасидан чиқа олар эди.

У кўзлари ёнган ҳолда сакраб дераза олдидан кўзгу ёнига ўтди. Бироқ йигирма сония ичида юзидаги бўёқ ҳам ўз рангини йўқотди. Чаққон ҳаракатлар билан у бошидаги тўғноғичларни олиб сочларини ёйиб юборди.

Шуни айтиш керакки, эр-хотин Жеймс Дилленгем Юнгларининг ғурурланса арзийдиган иккита хазинаси бор. Улардан бири Жимнинг бобоси ва отасидан қолган тилла соати, иккинчиси Делланинг сочлари. Агар қиролича Савская уларнинг рўпарасида яшаганида эди, Делла ювилган сочини дераза олдида ёйиб қуритган ва у жаноби олиларининг тақинчоқ ва либослари, шубҳасиз, унинг сочлари жилоси олдида хира тортиб колган бўлар эди. Агарда Сулаймон шох бутун бойлигини улар яшайдиган уйнинг ертўласида сақлаганида ва шу уйда хизмат қилганида эди, Жим унинг ҳасаддан соқолларини юлаётганини кўриш учун ховлидан ўтган ва чўнтагидан соатини олиб унга бир қараб қўйган бўлар эди.

Мана, Делланинг ажойиб сочлари ялтираб тўлқин хосил қилиб каштанлар шалоласидек пастга отилди. Сочлар унинг бутун танасини ҳар томондан ёпиб тиззадан пастгача тушди. Бироқ у шу заҳоти асабийлашган ва шошилган ҳолда яна уларни йиғиштиришга тушди. Кейин иккилангандек бир муддат туриб қолди. Икки ёки уч томчи ёш қизил гиламга думалади.

Елкасига эскириб қолган малла нимчасини илиб, малла ранг эски шляпасини бошига кийиб, юбкасини қоқиб, ёши қуримаган кўзларини ялтиратиб пастга, кўчага шошилди. У “M-me Sophronie – сочдан ясалган ҳар хил буюмлар” деган ёзув ёнида тўхтади. Делла югуриб иккинчи қаватга кўтарилди ва нафаси ичига тикилиб:

– Хоним, сочимни сотиб олмайсизми? – деб сўради.

– Соч оламан. – Жавоб қилди хоним. – Шляпангазни ечинг, аввал молни кўришим керак.

Яна каштанли шаршара оқди.

– Йигирма доллар, – деди хоним одатига кўра куюк сочларни қўлида салмоқлаб кўриб.

– Тезлатинг, – деди Белла.

Кейинги икки соат давомида у кушдек учди. Ҳа, у муболағасиз учди! Делла Жимга совға қидириб магазинма-магазин югургилади.

Ниҳоят, у топди! Шубҳасиз, бу нарса Жим учун, фақат ва фақат Жим учун яратилган. Бундай нарсани шундоқ ҳам ағдар-тўнтар қилиб чикқан бирорта ҳам дўкондан топа олмаган бўлар эди. Бу номигагина ялтиратиб қўйилган матоҳ эмас, аксинча, оддий, камтарона безатилган, ҳақиқий сифатга эга, платинадан ясалган чўнтак соат занжири эди — яхши буюмлар шундай бўлиши лозим. Уни ҳатто соатдан ҳам кадрли нарса деса бўлади. Делла уни кўрган заҳоти, айна буюм Жимники бўлиши керак, деган хулосага келди. Бу буюмнинг ўзи ҳам Жимга ўхшайди. Камтарин ва ҳурматга лойик. Бу сифатлар фақат шу занжирга ва Жимгагина хос. Кассага йигирма бир доллар тўлашга тўғри келди ва Делла чўнтагида саксон етти цент билан уйига қайтди. Бундай занжир билан ҳар қандай жамоа орасида ҳам Жим бемалол тортинмасдан соатини қўлига олиши мумкин. Соати қанчалик ажойиб бўлмасин, Жим унга ҳар сафар ўғринча қараб қўярди. Чунки у титилиб кетган тери боғичга осиб қўйилган эди.

Делла уйига келгач, ғайрати бир оз босилди. Унинг ўрнини эҳтиёткорлик ва тежамкорлик эгаллади. У соч кистиргични газда тоблаб, сочини жингалак қилишга тушди. Бағрикенглик ва севги сабаб етказилган зарар ўрнини тўлдиришга ҳаракат қила бошлади. Бу эса анчагина меҳнат талаб қилади.

Қирқ дақиқа ҳам ўтмасдан, унинг боши майда жингалакларга кўмилиб, ўзи доим мактабдан қочиб

юрадиган ёш болаларга ўхшаб қолди. У узок вақт кўзгуда ўзини танқидий назар билан кузатди.

“Ҳа – деди у ўзига-ўзи – агар Жим мени кўрса, жўрчи Кони-Айледга ўхшатса керак, агар ўлдириб қўймаса. Бироқ бир доллар саксон етти центдан бошқа пулим бўлмаса, нима қилишим керак эди, нима ҳам қила олардим!”

Соат еттида кофе тайёр бўлиб, товада тобланган ёғ қўй гўштидан тайёрланган котлетларни кутмоқда эди.

Жим ҳар доим ўз вақтида келарди. Делла платинадан ясалган занжирни кафтига қисиб столнинг бир четига, эшикка яқин жойга ўтирди. Тезда пастда – зинада унинг оёқ товушлари эшитилди. Бир муддат Делланинг ранги оқарди. Турмушдаги майда муаммолар юзасидан ҳам қисқа дуо билан Худога илтижо қилишга ўрганиб қолган Делла одати бўйича шошилиб шивирлашга тушди:

– Э Худо, Жим мени ёқтирмай қолишидан сақла!

Эшик очилди. Жим ичкарига кириб эшикни ёпди. Унинг озғин юзи ташвишли эди. Йигирма икки ёшиданок оилага юқини елкага олиш осон эмас! У аллақачон пальтосини янгилаши керак. Қўллари ҳам қўлқопсиз совқотиб юради.

Жим Деллага тикилиб, сайрашга тайёргарлик кўраётган беданадек эшик олдида қотиб қолди. Делла унинг қарашидан бирор бир маъно уқиб ололмай кўрка бошлади. Бу қараш у кутиши мумкин бўлган ғазабга ҳам, ҳайратга ҳам, кўрқинчга ҳам, таънага ҳам ўхшамас эди. У Делладан кўзини узмасдан шунчаки қараб турар, юзидаги ғалати ифодаси ҳам ўзгармас эди.

Делла ўрнидан сакраб туриб унга ташланди.

– Жим, азизим, – қичқирди у, – менга бундай қарама! Байрамга сенга бирор нарса совға қилмасам, кўтара олмас эдим. Шунинг учун сочимни сотдим. Улар яна ўсиб чиқади. Сен бунга хафа бўлмайсан-ку, тўғрими? Мен бошқа чорасини топа олмадим. Менинг сочларим жуда тез ўсади. Мени байрам билан табрикла, Жим, кел хурсандчилик қилайлик. Мен сенга қандай совға тайёрлаб қўйганимни билсанг эди. Жуда ажойиб совға. Мўъжиза!

– Сен сочингни қирқдингми? – сўради Жим, миясини ҳарчанд ишлатишга ҳаракат қилмасин, бу нарсани англай ола олмаётгандек бир ҳолатда.

– Ҳа, қирқиб сотдим, – деди Делла. – бунинг учун сен мендан воз кечмайсан-ку, тўғрими? Сочим калта бўлгани билан мен, барибир, ўша-ўшаман.

Жим талмовсираб хонани кузатди.

– Демак, сенинг сочларинг энди йўқми? – деб сўради у беъмани қатъиятлик билан.

– Қидирма, бари-бир топа олмайсан, – деди Делла – мен сенга айтдимку, уларни сотдим – кесдим ва сотдим. Бугун арафа, Жим. Мен билан яхши муомалада

бўл. Бу ишни сени деб қилдим. Балки сочларимни санаб чиқиш лозимдир, – дея давом эттирди у ва мулойим товуши жиддийлашди, – бироқ ҳеч ким, ҳеч қанақасига сенга бўлган муҳабатимни баҳолай олмайди! Котлетларни қовурайми, Жим?

Жим қарахт ҳолдан чиқди. Ўзининг Делласини қучоғига қамалди. Биз эса эътиборимизни бошқа томонга бурмоқчи бўламиз... Қайси бири яхши — ҳафтасига саккиз долларми ёки йилига бир миллион? Математик ҳам, донишманд ҳам нотўғри жавоб беради. Сеҳргарлар қимматбаҳо совғалар олиб келишди. Бироқ улар орасида битта нарса йўқ эди. Яхшиси, бу мужмал шамалар ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

Жим пальтосининг чўнтагидан бир ўрам нарса олди ва столнинг устига ташлади.

– Мени нотўғри тушунма, Делла, – деди у. – Ҳеч қандай соч турмаги сени ёқтирмай қолишимга сабаб бўла олмайди. Мана буни оч, шунда сен нима учун бир оз саросимага тушиб қолганимни тушунасан.

Оппоқ, чакқон бармоқлар чилвирни ечиб, қоғозни йиртди. Бирдан завқли қичқирик янгради. Бироқ шу заҳоти... Эҳ, аттанг! Жим бисотида мавжуд бўлган барча воситалардан фойдаланган ҳолда уни тинчлантириши лозим бўлиб қолди. Делладаги завқли ҳайқирик барча аёлларга хос тарзда йиғи ва тўлғонишларга айланиб кетди.

Чунки столда соч тўғноғич ётар эди, бу ўша ўзи ҳавас қилиб юрган тўғноғич...

Нима бўлганида ҳам у соч тўғноғични бағрига босди. Ниҳоят, бошини кўтаришга ўзида куч топди. Кўз ёшлари ва хўрсиниш аралаш кулиб деди:

– Сочларим жуда тез ўсади, Жим!

Шу пайт у устига қайноқ сув қуйилган мушукчадек сакраб туриб, хитоб қилди:

– Эй, Худойим!

Жим ҳали унинг совғасини кўрмаган эди. Делла шоша-пиша занжирни узатди. Нурсиз қимматбаҳо металл унинг қалбидан чиқаётган жўшқин қувонч нурларида ялтираб кетгандек бўлди.

– Ажойиб-а, Жим? Мен бутун шаҳарни айланиб шуни топдим. Энди хоҳласанг, кунига юз марталаб соатинга карашинг мумкин. Қани, соатингни бер, кўрайлик-чи, улар биргаликда қандай турар экан.

Жим унга жавоб бериш ўрнига қўлларини бошининг тагига қўйиб, ётиб олиб кулди:

– Делл, – деди у, – биз совғаларимизни ҳозирча бекитиб қўйишимизга тўғри келади. Улар биз учун жуда кадрли. Сенга соч тўғноғич сотиб олиш учун соатимни сотдим... Менимча, котлетларни қовуриш вақти келди...

Манзура ШАМС таржимаси

ВАТАН

Ватан — қўлларимда бир ҳовуч тупроқ,
Ватан — томиримда оқаётган қон.
Ватан — нигоҳлардан тўкилган титроқ,
Менинг вужудимга сингган азиз нон.

Ватан, онам каби меҳрга бойсан,
Ватан — отамдайин кураги баланд.
Ватан, таърифи йўқ тенгсиз чиройсан,
Биз эса бағрингда улғайган дилбанд.

Буюк келажакнинг буюк онлари,
Буюк мақсадларга етаклар бизни.
Ахир, ўзингдирсан йиқилса суяб,
Кифтидан тутганинг ҳар ўғил-қизни.

Бугун юракларда неки бор, барин
Ёзайлик ниҳолнинг ҳар япроғига.
Нурли келажакнинг шонларга белаб,
Муҳрлайлик тарих зарварағига.

ОНА

Юрагимда гуллаган гулим,
Эй сиз, менинг кўзимда жолам.
Сиз боғимсиз яшнаган, сўлим,
Сизга борим берайин, онам.

Наволарга айланиб бугун,
Борингизга шукур қиламан.
Бир саволдан тортаман маҳзун —
Она, сизсиз нима қиламан?

Йўлақлардан изингиз излаб,
Кўзларимга сураман такрор.
Дарахтларга сиз ҳақда сўзлаб,
Япроғига битаман ашъор.

Пастга қараб оққанидек сув,
Болам дея ёниб-қуяман.
Она, сизни ўшанда дилдан,
Меҳрингиз, қадрингиз туяман.

Маҳлиё УМРЗОҚОВА


Tiriklik

Onamning otasini — mening bobomni usta Mamadali der edilar. Usta Mamadali ertayu kech ustaxonasida temirchilik qilardi: o‘roq, tesha, ketmon, poytesha, belo‘roq, temir qoziq, uzangi... Ko‘proq otlarga taqa yasardi. U hech tinib-tinchimasdi. Bunday tinib-tinchimasligi qariganda battar kuchaydi. Shunda o‘g‘il-qizlari: «Ota, bo‘ldi, shuncha ishlaganingiz yetar, endi Siz ham bundoq rohat qilib dam oling, ustaxonangizni yig‘ishtiring!» — deyishdi bir kuni yig‘ilib kelishib.

Bobomning fig‘oni falakka chiqdi: — Meni «o‘l» demoqchimisizlar, axir, ishlamasam o‘lib qolaman-ku!.. Keyin... mum tishlab qolgan farzandlarini ko‘rib, yumshagandek bo‘lib gapini davom ettirdi: — Mening dilimni xufton qilavermanglar, ustaxonam bilan ishlaring bo‘lmasin, rostini aytyapman, men ishga suyanib qolganman, tirikligim — shu mehnatimda.

«Tirikligim — shu mehnatimda». Men u paytlar bu so‘zlar ma‘nosiga tushunmagandim. Bobomning cho‘kib ketgan ko‘zlariga jovdirab qarab turardim. Lekin bugun bilaman, tunlarni tongga ulab nimalarnidir qoralaganimda gohi g‘amgin, gohi shodumon hayqirgim keladi: «Tirikligim shu mehnatimdir!»

Azim SUYUN
 (“Nevaralarim uchun” turkumidan)





Tjussow xonim muzeyi



Мария Тюссо (Гросхольтц) 1765 йили Страсбургда дунёга келади. Ўша пайтлари Мариянинг онаси мум моделлар ясовчи доктор Филлип Кёртис кўлида иктисодчи бўлиб ишларди. Филлип Кёртиснинг дастлабки кўргазмаси 1770 йили кенг оммага тақдим этилиб, катта ютуқларга эришади. 1776 йили Парижда ҳам кўргазма ташкил қилади. Мария Тюссо онасининг ишхонасига келиб, Кёртиснинг ишларини ўта кизикувчанлик билан ўрганар, соатлаб мум ҳайкалларни кузатар эди. У мана шу мухитда улғайиб, санъатнинг шу турига меҳр кўяди. Мариядаги кизиқишни Филлип Кёртис эътиборсиз қолдирмайди ва унга мум билан ишлаш сирларини ўргатиб боради. 1777 йили Мария Тюссо биринчи ишига қахрамон сифатида Вольтер киёфасини танлади. Кейинчалик кетма-кет Жан-Жак Руссо, Бенжамин Франклинларни акс эттирди. 1794 йилга келиб, Филлип Кёртис вафотидан кейин унинг барча коллекциялари Мария Тюссога ўтади. 1802 йил Мария Тюссо Лондонга келади. Шу орада Европадаги турли талотўплар сабаб Мария Тюссо ва унинг коллекцияси Францияга қайта олмай, Буюк Британия ва Ирландияда ўз саёҳатини давом эттиришга мажбур бўлади. 1835 йили Лондондаги Бэйкер кўчасида Мария Тюссо коллекциялари учун доимий кўргазма тайинланади. Музей марказий қисмларининг бирида Франциядаги революциянинг даҳшатли кўринишлари акс этган ҳолатлар қойилмақом даражада ижро этилган бўлиб, уни кузатган ҳар қандай киши ўзини ўша воқеалар иштирокчисидек ҳис қиларди. Вақт ўтиши билан музей коллекциялари Адмирал Нельсон, Вальтер Скотт каби таниқли шахслар киёфалари билан бойитиб борилди.

Тюссо хонимнинг ижодий жамоаси 150 йилдан ортиқ вақт мобайнида худди асарларилар каби ўзининг мумли “бол”ини яратиб келмоқда. Уларни бежизга асарларига ўхшатишмайди. Ҳар ҳолда, асарларилар

биздан-да олдинроқ санъат асари даражасида ўз мўъжизавий болини ясай олишган. Балким ушбу табиат мактаби Филлип Кёртис услубига туртки бўлгандир. Ҳайкалтарошликнинг ушбу услубида дурдона асар яратиш учун камида 3-4 ой заргарона тер тўкиш керак экан. Ҳар бир мум ҳайкал яратилишида йигирмага яқин ўз касбининг усталари ижод қилишади. Бирор-бир таниқли шахснинг киёфасини яратиш микроскопик аниқликда бажарила олинсагина, коллекциядан ўрин олади. Портретчи расом ва ҳайкалтарош ҳамкорлиги натижаси бўлмиш ушбу мум ҳайкаллар аслиятга ниҳоятда яқин. Тана ранглари келтиришга сон-саноксиз ранглар аралашуви орқали эришилса, соч толалари доналаб ўрнатилиши, умуман, ҳайкални аслга ўхшатиш учун ҳамма ҳаммаси бўлиб, 500 дан ортиқ жараён бажарилар экан. Ушбу мумдан яратилаётган машаққатли меҳнат ва ижод маҳсули, қарийб 200 йилдирки, тарихий шахслар, кино юлдузлари, таниқли спортчилар ва жиноятчилар киёфасини кўришни истовчи минглаб сайёҳларни ҳамон Тюссо хоним музейига чорлаб келмоқда. Музейда мум ҳайкалларни томошачилардан ажратиш жуда мушкул. Айнан шуниси билан ҳам ушбу музей бarchани хайратлантиради. Амстердам, Гонгконг, Лас-Вегас, Копенгаген, Лос-Анжелес, Шанхай, Берлин, Вена каби шаҳарларда ҳам Тюссо хоним музейлари ташкил қилинган. Лондондаги музей эса уларнинг илк қадами ҳисобланади.

Тарих — кўхна донишманд. Унинг хотирасида ўз машаққатли меҳнати, истеъдоди ва кизиқишлари эвазига асрлар давомида яшаётган шахслар қаторидан Тюссо хоним шу тарзда ўрин олган. Ўз навбатида, унинг номидаги музей меҳмонларига замони ва маконидан қатъи назар дунё машхурлари мезбонлик қиладилар. Дарвоқе, музей меҳмонларини ҳамон Тюссо хонимнинг шахсан ўзи кутиб олади.

*Соҳиб ЖОНТОЕВ,
Тошкент Архитектура
ва қурилиш институти талабаси*



Madame
Tussauds



Men O'zodlik hosilasiman



МУСАЛЛАМБОНУ

УСТОЗ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Устоз, қаршингизда мудом жимман
жим...

Сукунат ичраким гўзал бир фарёд.
Улғайиб бораяпман, бесабр, бетин,
Тарих фалсафасин қучоқлаганча.

Шарқу Фарб тафаккур денгизи аро,
Гоҳ чақин, гоҳ ёмгир, гоҳо бўронсиз.
Шашт ила бошқарган ақл дарёсин,
Форобий топинган фозил инсонсиз.

Ҳижжалаб ўқийман юрагингизнинг
“Авесто” забт этган варақларини.
Энг чуқур қатига сизинганимча
Тасаввур айлайман оғриқларини.

Сукрот, Арастулар қараишларида
То абад мўъжиза инсон омили.
Аҳмад Яссавийга мурожаат этсак,
Рухнинг уйғоқлиги дилнинг комили.

Талотўп дунёнинг қайғуларидан,
Иймон рангларини туйган зотлар ким?
Тажассум васлидан излаб моҳият,
Тасаввуф таъмидан мангу тотган ким?

Ҳайрат кўзларидан боқмоқда Қуёш,
“Шашмақом” селида оқмоқда ҳаёт.
Тўққиз тўлғоғида тўққиз ой ичра,
Осмон тугиб берди бугун Муножот.

Устоз, қаршингизда мудом лолман, лол,
Саодат бешигин қучоқлаганча.

Февраль, февраль...
Ёмгирли кунлар,
Болалигим солар ёдимга.
Томчиларга сизиниб беҳол,
Оҳангида ёзаман шеърлар.
Сочларимни ювади ёмгир,
Эркалайди худди отамдай.
Тарнов сувда чўмилганимча
Ва кираман уйга югуриб.
Таиқаридан баҳор нафаси,
Деразамга урилар чирт-чирт.
Қишининг сўнги, сўнги
бир саси,
Қўшиқ куйлар отам ҳақида.

ГУЛҲАЙРИ

Қурбақанинг майин-майин қуриллаши
Беихтиёр болаликка бошлаб кетар.
Юрагимда хотиралар шовуллашиб
Қаиқадарё бўйларига ташлаб кетар.

Дарё кечиб, тентирайман бўзлаб- бўзлаб,
Қоғоз кемам сузиб кетган аро йўлда.
Оқиб кетган болалигим излаб- излаб,
Гулхайридек гуллаяпман армонзорда.

* * *

Йўқотишдан
қўрқаман
Сени,
Ҳали бир бор
топмасдан
туриб.
Юрагимнинг
алвон
гуллари,
Қўлларингдан
ўпмасдан
туриб.
Шодмонлик
бер,
мўъжиза ярат,
Боботогнинг
эртакларидай.
Изн бергил,
бағримга
босай,
Ҳайдалган
ишиқ
салтанатини.


* * *

Азизим,
шеър тўла
юрагинг ичра,
Исмим
ифорлари
таралсин
беҳад.
Ошиқ
дунёлардан
гафлат
ичмайлик,
Ичайлик
энг ёруғ
дийдор
шаробин.

Мен дунёга келмадим ҳали,
Тушларимда ҳаётлигим рост.
Кипригимда кўтариб ойни
Яшайман Дарахтларга хос.

Мен дунёга келмадим ҳали,
Сўз денгизин ҳомиласиман.
Тўлгоғимдан уйғонар замин,
Мен Озодлик ҳосиласиман.





Yozef Gaydn: *Men aslo o'lmayman*

Йозеф Гайдн 1732 йилнинг 31 март куни Австриянинг Рорау қишлоғида дунёга келди. Унинг отаси Маттиас Гайдн асли фойтун ясовчи уста бўлса-да, деҳқончилик билан ҳам астойдил шуғулланар, асосийси, мохир мусикачи эди. У хотини ва кичкина Йозеф куршовида арфа чалиб хордиқ чиқарарди. Ёш Йозеф доим отасига жўр бўларди. Унинг иктидори бора-бора кўзга ташлана бошлагач, отаси ўйлаб қолади: ўғли ўзи каби уста бўлсинми, ёки мусикачи? Ниҳоят, ота ўғлини ўзи туғилиб ўсган Гайнбургдаги қариндоши, мактаб директори Франкнинг хузурига юборишга қарор қилади. Шу тарика Йозеф олти ёшга қадам қўяр-қўймаз Гайнбургга йўл олади. Мазкур мактабда Гайдн хор таркибида кўшиқ айта бошлайди.

1739 йилда рўй берган бахтли бир тасодиф ёш санъаткорнинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Шаҳар руҳонийси мактаб директори ҳамда Йозефни шошилинч чорлайди. Улар келишганида руҳоний хузурида Венадаги авлиё Стефан соборининг капелмейстери Карл Георг фон Рейтер ўтирарди. Капельмейстер Йозефни синайди. Ҳаяжонини базўр енгган Йозеф учинчи уринишда жуда чиройли куйлайди ва шу тарика Рейтер капелласига қабул қилинади.

Бетакрор, чиройли овози туфайли Гайднга Вена мусикасининг кенг сарҳадлари очилади. Шу билан бирга, Йозеф олдида улкан бир муаммо юзага келди: у айнаи дамга қадар на Италия мусикасидан, на сольфеджиодан сабоқ олганди. Ўта қаттиқ меҳнат, ўзига ишонч, тезда илғаб олиш қобилиятигина Гайднни бу ерда ушлаб турарди. Тинимсиз машқлар туфайли Гайдн сольфеджиода шунчалик катта ютуққа эришдики, бунга ҳатто Рейтернинг ўзи ҳам ҳайрон қолди.

Гайдннинг мавқеси сабаб 1745 йилда капеллага укаси Михаэль ҳам ортикча қийинчиликсиз қабул қилинди. Унинг хуш овози император хонимга ёкиб тушади. Бу пайтга келиб, Гайдннинг овози тобора дағаллашиб борар ва Рейтер ундан кутулиш тадбирини кўра бошлаган эди. Ниҳоят, арзимас бир сабаб билан ўқишдан ҳайдалади. Гайдн кўчада қолади.

Не ажабки, тақдир унга яна бир туҳфа тайёрлаган эди. Дастлаб, унга Иоганн Михаэль Шпанглер ёрдам беради. Хотини ва боласи билан кичик хонада яшайдиган Шпанглер раҳми келиб, ҳайдалган бу болани ҳам қаноти остига олади.

Йозеф азбаройи нон учун черков хорларида қатнашар, яхши мусикачига талаб чиққан жойдан қолмай, амал-тақал кун кечирарди. Ана шундай кунларнинг бирида у Марицель черковига бориб қолди. Хорга қўшилмоқчи бўлганида, бир руҳоний уни ҳайдайди. Аммо Гайдннинг табиатидаги қатъият, қайсарлик яна иш берди. Яққа овоз ижросига навбат келганда, у куйлай бошлайди... натижада, саккиз кун тўйиб овқат ейди ва Венага руҳонийлар берган озроқ пул билан қайтади.

Венада эса яна кўнгилсизлик: Шпанглер уни уйида ортик саклай олмаслигини маълум қилади. Лекин Гайдн бундан умидсизликка тушмайди. Чунки қисмат қаҳри ортида тақдир туҳфаси борлигини у энди яхши биларди. Йозеф фоизсиз 150 гульден қарз олиб, ижарахонага чиқади. Бу ерда эса Гайдннинг ҳаётида жуда муҳим воқеа рўй беради, яъни дастлабки асари

“F-dur” мессасини яратади.

Кейинроқ Гайдн яна Рейтер капелласига қайтади. Айнаи дамда у нафақат бастакор, балки яхши ўқитувчи сифатида ҳам кенг танилганди. Энди унинг моддий аҳволи анча яхшиланди. Каталак хонасини ташлаб, Зейлерштетда тузуккина уйни ижарага олади.

Гайдн бу ерда органли концерт яратди. Унинг дастлабки симфонияси ҳам шу жойда яратилди. Ўша пайтларда бой зодагонларнинг ўз оркестри бўларди. Гайдн граф Морцин хузурига капелмейстер вазифасига ишга қабул қилинди. Унга бепул хона ҳамда 200 гульден маош тайинланди. Бу уни турмуш ташвишларидан холи қилди.

Вақти келиб, Морцин капелласи тарқатилиб, Гайдн иккинчи капелмейстер бўлиб князь Пауль Антон Эстергази хизматида ўтди. Бу даврда у турмуш ташвишларидан, пул топиш қайғусидан батамом холи бўлиб, вақтини фақат мусика ва капеллада тартиб ўрнатиб, мусикачиларни бошқаришга сарфларди. Бу ерда Гайдн оперетталар, симфониялар, пьесалар яратди.

Паул Антондан кейин Миклош I, Антон ва Миклош II лар ҳам Гайднни жуда ҳурмат қилиб кадрлаганлар. Унинг маоши йил сайин ошиб борар, мусикалари эса дилларни хушнуд этарди. У Эйзенштатда ижод қилса-да, шухрати бошқа мамлакатларга етиб борган эди. Масалан, Испания қироли Карл III “баъзи бир мусикавий пьесаларни совға қилгани учун” Гайднга олмос билан безатилган олтин тамакидон жўнатди. Бу даврда Англияда ҳам Гайднга эътибор бера бошлашди. У лондонлик ношир Вильям Форстер билан ижодий алоқа ўрнатди. Бу алоқалар баъзи зиддиятларга қарамай, Гайднга катта фойда келтирди.

1782 йилда Нью-Йоркда Гайдннинг икки симфонияси биринчи марта ижро этилди. Демак, князь саройидан чиқмай ижод қилувчи Гайдннинг асарлари шухрати океан ортига етиб борди. Бу орада Венада Эстергазилар князи Миклош I вафот этди. У Гайднни шунчалик кадрлар эдики, унга умрининг охиригача 1000 гульден нафақа тайинлаб, васиятнома қолдиради. Янги хўжайин князь Антон саройидаги капеллани тарқатиб юборди. Фақатгина скрипкачи Луиджи Томазини ва Йозеф Гайднни олиб қолиб, уларга йиллик 400 гульден маош тайинлади...

30 йиллик хизматдан сўнг Гайдн капелладаги хизматдан озод бўлди. Князь оиласи унга йиллик 1400 гульден маош тайинлади. У Эстергазилар билан ҳайрлашиб, Венага йўл олади. Англиядан келган бир кимса унга: “Менинг исимим Саломон. Мен сизни бу ердан олиб кетиш учун келдим. Эртага сиз билан шартнома тузмоқчимиз”, дейди. Шу тарика Гайдн Англияга йўл олади. У ерда турли мусикий асарлар ёзади, аслзода хонимларга мусикадан дарс беради.

Гайдн тобора қариб борар, энди ижод қилмай қўйганди. Боладай бўлиб қолган қария арзимас кўнгилсизликдан дарҳол хафа бўлар, қувончдан эса кўзига ёш оларди.

1809 йилнинг май ойида Гайдн тўшакдан туролмай қолади. Уйга қақирилган шифокорларнинг амаллари ҳам наф бермади. 1809 йилнинг 31 май куни Вена мусика мактабининг машҳур бастакори Йозеф Гайдн 77 ёшида вафот этди. Вафотидан 5 йил ўтгач, улкан санъаткорнинг қабри устига ёдгорлик ўрнатилди ва қабртошига унинг ўзи айтган: “Мен асло ўлмайман”, сўзлари ёзиб қўйилди.

Шермурод СУБҲОН тайёрлади



“Samoviy” otlar

Хитой манбаларида бу ўлка Довон, бошқа манбаларда эса Паркана де-йилган. Бу давлат, тахминан, миллоддан аввалги III асрдан миллоднинг II асрларигача мавжуд бўлган. Унинг бугунги номи эса – ўзимизнинг олтин водиймиз – Фарғонадир...

Ушбу водий тарихига доир маълумотлардан бири миллоднинг I-II асрларига доир Хитой солномаларида учрайди. Бу ўлкада бўлган хитойлик сайёх Чжан Цянь шундай деб ёзади: “Довон диёрида 70 тача катта-кичик шаҳар бор. Аҳолисининг сони бир неча юз мингга етади. Куроллари ўқ-ёй ва найзалардан иборат. Халки от чоптириб, ўқ отишга моҳир”.

Хитой ҳукмдорлари бир неча бор шу давлатни босиб олмоқчи бўлдилар, бироқ уларнинг ҳаракатлари беҳуда кетади. Хитой ҳукмдорларини кўпроқ Фарғонанинг наслдор отлари қизиқтирарди. Хатто улар отлар наслининг бирига “Самовий” деб ном берган эдилар.

Қадим Фарғонада “Самовий” дея сифатланган отлар зотидан тарқалган ғоят наслдор отлар парвариш қилинган. Ривоятларга кўра, Довон атрофидаги тоғларда ёввойи отлар яшаган. Уларни тутиш ва қўлга ўргатишнинг иложи бўлмаган. Шунинг учун зотдор бияларни танлаб, ўша тоғ ёнбағирларига ҳайдашган. Биялар ва ёввойи айғирларнинг насли “Самовий” деб номланган.

Миллоддан аввалги II аср охирида бу насли отлар овозаси Хитойгача боради. Уларни “қанотли отлар” ҳам дейишган. Қадимги Хитой солномаларининг бирида шундай маълумот-

лар учрайди: “Ғарбий сарҳадларда саёҳатда бўлган элчи Чжан Цянь Хитой императорига Фарғона водийси отлари ҳақида маълумот беради. Императорнинг “Самовий” отларга иштиёқи ортди”. Хукмдорнинг қизиқишига сабаб бор эди. Чин ўлкаси отлари унчалик чопагон эмас, бу эса жангчиларга талай қийинчиликлар туғдирарди. “Самовий” отлар айнан уларнинг орзусидаги отлар эди.

Аммо Довон давлати бу отларни Хитой элчиларига бергиси келмади. Шунда император элчи қилиб Че Лин деган одамни совға-саломлар ҳамда олгиндан ишланган от ҳайкали билан Довонга жўнатди. Қандай бўлмасин, у арғумоқларни қўлга киритиши зарур эди.

Довон ҳукмдори элчи талабига рад жавобини берди. Бу жавоб Довон билан Хитой ўртасидаги урушга сабаб бўлди. Хитойликлар учун бу юриш омадсиз бошланади. Эрамиздан аввалги 104 йилнинг баҳорида чигирткалар “юриш” қилиб, Дуньхуангача ўсган ўт ва майсаларни еб кетади. Бунинг оқибати ўларок, отлар юриш бошиданок озукасиз қолади. Шу тариқа Довонга биринчи юриш мағлубият билан яқун топди. Иккинчи юришга жуда катта қўшин тўпланади. Ли Гуан-ли қўшинни икки йўл орқали – жануб ва шимолдан қўяди. Шундан сўнг хитойликлар Довонгача қийинчиликсиз етиб олади. Бу сафарги юришда Хитой ҳукмдорининг қўшинлари 60 минг нафар эди. Довон сари 50 нафар саркарда қўшинлари билан жўнади.

Улар Эрши шаҳрини камал қилдилар. Шаҳарга келадиган сув йўлини тўсдилар ва камалнинг қирқинчи кунда қалъанинг ташқи деворини буздилар. Шунда Довон ҳукмдори билан сулҳ тўғрисида музокаралар бошланади. Иложсиз қолган ҳукмдор хитойлик-ларга арғумоқларни беришга розилик билдирди. Хитойликларнинг ўзлари Қанг давлатидан мадад етиб келишидан чўчиб, шу сулҳга рози бўладилар ва Эршига қирмай, “Самовий” отларни олиб, ортга қайтадилар.

Биласизми?

Хитой солномаларида Довон – “Даюань” деб аталган, у “жуда ҳам гўзал жой” деган маънони англатади. Бошқа манбаларда эса Паркана дейилган.

Довон давлати Хитой ва Европанинг бошқа мамлакатлари билан бўлган халқаро савдода муҳим ўрин тутган.

Маълумотларга кўра, миллоднинг II асрида Довон давлати барҳам топади ва унинг ерлари Кушон подшолигига қўшиб олинади.

Довоннинг пойтахти – Эрши бўлган.

Паркана орқали Буюк Ипак Йўли ўтган.

Довон давлатининг тили сўғд, Парфия халқларининг тилига ўхшаш бўлиб, аҳолиси 300.000 – 500.000 кишига яқин бўлган.

Улугбек РАҲМОНҚУЛОВ
тайёрлади

Qishki kiyim: moda va foyda

Мана, интиқиб кутилган қиш ҳам кириб келди. Бу мавсум иссиқ қишки кийим, қалпоқлар ҳамда шарфлар вақти. Иссиқ кийим чин маънода “жоннинг ҳузурни”. Кардиологларнинг таъкидлашича, совуқда юрак хасталиклари 5 фоизга кўпаяр экан. Ушбу саҳифада совуқ кунларда иссиқ кийимнинг ўрни, шунингдек, тўғри кийиниш орқали мавсум билан боғлиқ турли хасталикларнинг олдини олиш ҳақида билганларимиз билан ўртоқлашамиз.

БОШ КИЙИМ КИЙИБ ЮРИНГ!

“Қалпоқ кийинг, йўқса, менингитга чалинаси?” Катталаримизнинг бу ҳавотири тўғрими? Аслида менингитга бош кийимнинг дахли йўқ. Бу касаллик инфекцион вирус орқали тарқалади. Бироқ бу совуқ ҳавода бош яланг юравериш мумкин дегани эмас.

Бошнинг совуқ қотиши эшитиш қобилияти йўқолишига олиб келади, юзнинг асаб тизимини ишдан чиқаради. Бир марта совуқ қотиб касаллик орттирган бошни беш йил даволашгани ҳақида фактлар бор. Бош кийимда ўнғайсиз кўринишдан кўркманг! Зеро, кўркамлиқ саломатликда. Демак, барча замонлар учун ҳам бирдай замонавий мода — соғлиқ!

КАПОШОНМИ ЁКИ ҚАЛПОҚ?

Яхши капюшон қалпоқдан дурст, у нафақат бошни тўлиқ ёпади, балки бўйинни ҳам совуқдан сақлайди. Лекин капюшоннинг камчилиги шундаки, ён томони кўришни қийинлаштиради. Бу эса йўлни кесиб ўтишда ҳалакит беради. Бош кийим танлаётганда шу сингари ҳолатларни ҳисобга олиш лозим.

Айтганча, доимий равишда бош кийими кийиш соч тўкилишига сабаб бўлмайди. Аксинча, совуқда бош кийимсиз 10 дақиқадан ортиқ юриш сочнинг заифлашуви, касалланиши, охир-оқибат, тўкилишига олиб келади. Мода ишқибозлари айна фактни ҳам ҳисобга олишса, ёмон бўлмайди.

ШАРФ ТАҚИНГ!

Шарф иккита муҳим функцияни бажаради. Биринчидан, совуққа анча таъсирчан томоқни шамоллашдан асрайди. Иккинчидан, шарф бўйинни иссиқ тутаяди. Шарфнинг қандай матодан тайёрлангани ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Асосийси, шарф қулай бўлиши керак. Шарфнинг чиройлилиги, расм бўлган материалдан тўкилиши каби хислатлар иккинчи даражалидир.

Меъёрида иссиқ кийининг!

Ҳеч бир кийим ўзича иситмайди. Кийим фақатгина тана ҳароратини сақлаб туради. Кийим қанча кўп (кават-кават) бўлса, шунчалик шамол кириши камайиб, иссиқлик сақланади. Агар ҳаддидан ошириб юборсангиз, албатта, терлаб кетасиз. Бу эса, шубҳасиз, совуқ қотишга олиб келади. Демак, ҳар ишда бўлгани каби иссиқ кийинишда ҳам меъёр муҳим.

СУНЬИЙ ВА ТАБИИЙ МАТОЛАР


Сунъий матодан тикилган кийим “нафас олмайди”, ортиқча намликни ўзида сақлаб қолади ва шу сабаб ноқулайлик келтиради. Жули мато хаттоки ҳўл бўлса ҳам, ўзининг иссиқ ушлаш хусусиятини йўқотмайди. Шунингдек, бундай матодан тикилган кийим “нафас олади” ва ноқулайлик келтириб чиқармайди. Демак кийим танлашда чиройга эмас, матонинг табиий эканига эътибор берган маъқул.

ҚЎЛҚОПДА ГАП КЎП

Қўлқоп совуқ ҳавода қўлни асрабгина қолмай, балки қўл териси қуримаслиги, ёрилмаслигига ҳам хизмат қилади. Чунки совуқда иссиқни чиқариб юбормаслик учун қўл териси тўқималари таранглашади. Айнан шунда қўлқоп қўл келади. Бу жараён америкалик кардиологлар томонидан “янги йил хуружи” деб ном олган. Ундан кўпроқ тўладан келган эркаклар азият чекишади.

Қўлқоп танлашда ҳам, аввало, қулайликка эътибор





қаратиш лозим. Кўлқоп кўл ҳаракатларини имкон қадар че-
кламаслиги, табиий матодан тайёрлангани маъқул.

ОЁҚНИ ИССИҚ ТУТИНГ!

Оёқлар совуққа жуда таъсирчан. Оёқ кийим-
нинг पोшниси қанчалик баланд бўлса, оёқ шунчалик
иссиқлигини йўқотади. Баланд пошнали оёқ кийим
олишдан сақланинг. Ортопедлар бундай оёқ кийимлар-
ни кийишни тавсия қилмайдилар. Оёқ кийим танлашда
ҳам унинг сизга лойиқлиги, тагчарми қалинлиги, ичи-
даги иссиқ қатлам табиий юнгдан эканлигига аҳамият
беринг.

ХУЛОСА

Совуқ ҳавода иссиқ кийинишнинг саломатлик-
ни сақлашда ўрни тенгсиз. Қолаверса, қалин, иссиқ
кийим ҳар доим ҳам хунук бўлавермайди. Асосий-
си, ўзингизга ярашадиган, сизни совуқдан аниқ
асрайдиган кийим танлашда. Унутманг, ахир энг
кўркем одам соғлом одамдир.

Нигина ҚОДИРОВА тайёрлади



Чой бундан 2000 йил муқаддам Хитойда пайдо бўлган. У ҳақидаги биринчи китобни милоннинг 780 йилида хитойлик адиб Лу Юй ёзган. «Chatszin» деб номланган бу асарда чой етиштириш, тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари ҳақида ҳикоя қилинади. Ўзбекча «чой» сўзи ҳам хитойча «ча» сўзидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Дарвоқе, чой тайёрлашни алоҳида маросимга айлантириб юборган японлар унинг «қора»сини «коча», «кўк»ини эса «оча» деб аташади.

Уолт Дисней болалигида бир бойкушни қийнаб ўлдирган. Шундан сўнг у жониворларни мультфильмларда «тирилтириш»га киришган.

“У асосий мақсад эмас, балки янги кунга тайёргарлик воситаси бўлиши лозим” тарзида иш тутган Наполеон ҳамда Эдисон бир кеча-кундузда бор-йўғи 4-5 соатгина ухлашни одат қилганлар. Маълумотларга кўра, уларнинг ўз ишига катта қизиқиш билан ёндашганлиги боис, унча-мунча толиқишни сезмаганлар. Бирок Эйнштейнда мутлақо бунинг акси кузатилган. Буюк олим ҳамиша 10 соатдан кўп ухлаган. Ҳатто яқин дўстлари ҳазиллашиб, уни «уйкучи» деб ҳам аташган. Ваҳоланки, Эйнштейн даврида 10 соатдан кўп ухлашни одат қилган «уйкучи»лар сони умумий аҳолининг 4 фоизинигина ташкил этган.

Эйнштейннинг сўнги сўзлари ўзи билан бирга кетган – ёнида ўтирган аёл немисчага тушунмаган.

Инглиз ёзувчиси Виржиния Вулф аксар китобларини тик турган ҳолда ёзган.

Сара Бернар 13 ёшли Жульетта ролини 70 ёшида ўйнаган.

Телефон кашфиётчиси Александр Белл онаси ва хотинига бирор марта ҳам кўнғироқ қилмаган – улар гунг бўлишган.

Ҳиндистонлик 70 ёшли Гаури Банержи исмли одам 25 йил давомида кўзи ожизликдан азият чекди. Кунларнинг бирида эса эшик кесакисига бошини қаттиқ уриб олгач, у кўра бошлади. Аммо, буни қарангки, кучли зарб натижа-сида бечора қар бўлиб қолди. Лекин бундан руҳи тушма-ган жаноб Банержи: “Карлик кўрликдан афзал”, – деди.

Техасдаги илонхўр қушлар анча эпли эканлар. Улар уялари ивирсиб кетса, егани олиб келган илонларни уяга қўйиб юборишар экан. Илон жаҳл устида уядаги барча чикиндиларни ямламай ютишга тушаркан. Қарабсизки, уя ёғ тушса ялағудай топ-тоза бўлиб қолади.

Чумчук бўйнидаги умуртқалар сони жирафаникидан икки баравар кўп экан.

Ўрдак ва ғозлар 110 даражагача совуққа бардош бера оладилар.


Юмронқозик бир дақиқа ичида уя қазиб, яширина олади. Бир кунда эса 68 метр узунликдаги туннел қавлашни уддалайди.

Ҳиндистонда на бир қуш кўнадиган, на бир ҳайвон ёндашадиган ғаройиб дарахт бор. Ундан ҳатто одамлар ҳам ўзларини тортадилар. Сабаби — электр токи. Мазкур дарахт танасига тегилганда, кишини эсанкиратади-ган даражада ток уради. Шунингдек, у компас миллирига 15-20 метр наридан таъсир кўрсата бошлайди. Дарахтда ҳосил бўладиган электр қучланиши ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди: тушда қучланиш кўпайса, тунда нисбатан пасаяди. Ноёб дарахтнинг ана шу хусусияти сабаб, жони борнинг бари ундан ўзини олиб қолади.

Ғаройиб ўсимликлар борасида сўз кетганда, балса дарахтини четлаб ўтиб бўлмайди. Унинг ёғочи ўта энгилли-ги билан кишини ҳайратга солади. Балсанинг қулоқ етмас ходаларини бир киши ҳеч қийналмасдан кўтара олади. Унинг энсиз тахтаси шамолда бир варақ қоғоздек энгил парвоз қилиши одамни ҳам ажаблантирмай қўймайди. Балса сув сатҳида пўқакдай қалқийди. Ундан ясалган солда олти киши юк-анжомни билан бемалол сузиб юра олиши мумкин.

Ява оролида “Қирол наврўзгули” деб аталадиган ўсимлик ўсади. У доривор сифатида кадрланмаса-да, ғаройиб хислатлари сабаб эъзозланади. Қирол наврўзгули сўниқ вулкон этагида ўсиб, фақат вулкон уйғонишидан сал олдин гуллайди ва маҳаллий аҳолини бўлажак офатдан огоҳ қилади.

Интернет асосида Нигина тайёрлади



“ЎЗБЕК ҚОМУСИ” МУАММОНОМАСИ

Аввало куйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

1. Давлат рамзларидан бири - 4, 18, 9, 7.
2. Ҳуқуқшунос олим, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, “Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси” асари муаллифи - 13, 9, 1, 17, 1, 18, 16.
3. Республикамиз Парламентининг юқори палатаси - 11, 18, 3, 1, 12.
4. Бош Қомусимизнинг 25-моддасидан: “Ҳар ким – 20, 9, 19, 5, 3, 8, 5, 19 ва шахсий дахлсизликка эга”.
5. “Давлат суверенитети” бобидан: “Ўзбекистон Республикасининг пойтахти - 12, 6, 21, 19, 18, 3, 12 шахри”.
6. Қомусимизнинг “Оила” бобидан: “ Оналик ва – 7, 6, 8, 1, 8, 5, 19 давлат томонидан муҳофаза қилинади”.
7. Давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, барча учун

мажбурий бўлган ижтимоий-ҳуқуқий меъёр ва муносабатларни белгилловчи расмий қоида – 14, 6, 3, 10, 3.

8. Бош Қомусимизнинг XI боби номидан: “ Фуқароларнинг 7, 10, 9, 24 лари.”

9. Бирор тизимга тааллуқли қонунлар мажмуаси - 19, 6, 2, 18, 19, 11.

10. Республикамиз вилоят шаҳар ва туманларида Давлат бошқарув органи – 25, 6, 19, 5, 15, 5, 22, 12.

11. “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси”дан ҳар биримизда юзага келадиган фахрланиш, ифтихор туйғуси – 23, 10, 9, 10, 9.

Энди калит сўзлар жавобларидаги ҳарфлар асосида шаклдаги рақамларда ифодаланган муаммонгани ҳал этинг. Бунда улардан атоқли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг “Ўзбек қомуси” шеъринан тўрт мисра аён бўлади.

Шахар транс-порти													Италия авто-маркаси								
Баш шаҳри Нукус	Иш хақи	Истеъ-дод, қо-билият	Ер йўл-доши				Вақт ўлчови					Тузоқ, қопқон									
				Рахбар								Ўзбек мумтоз шоираси	Томон								
	Муҳлис				Техника экини		Оташ		Буюм Сузиш усули	Суз тур-куми	Таом	Санъат тури									
	Тоғ чўқ-қиси						Юнон алифбоси харфи				Булуғ	Тўқини акси									
			Шухрат, донг		Америка қитъаси-даги давлат	Евро-пача қасида		Куч ўлчови бирлиги				Нога	Бир ўрқачли туя								
	Серсоя дарахт				Боғ-ловчи				Қадимги Волга дарёси	... Капур	Олимпиа-да уйинла-ри ватани	Афри-кадаги давлат									
		Матмур-рий худуд					Эвен-киядаги дарё	Муқад-дас маскан													
	Украин адиби								Азиз, та-баррук				Башқир-дистон шаҳри								
				<p style="text-align: center;"><i>Афлотун сўзи:</i> Одамлар тўрт хилдир. Биринчиси шундайки, ваъда бермайди, аммо сўрилган ишни адо қилади. Иккинчиси, ваъда беради, аммо бажармайди. Учинчиси, ваъда бермайди ҳам, бажармайди ҳам. Тўртинчиси, ваъда беради ва албатта, бажаради.</p>																	
	Урта Осиёда-ги денгиз		Чорва-дор ман-зили																	Хаша-рот	Гол-ланд расмони
	Шарх		Кўзгу билан қий-ланган																	Фур-гат	Тухфа
	Гул-қоғоз	Авто-мобиль "юраги"																			
	Илк теле-визор экран	Футбол жамоаси									Уй, фикр юритиш	Био									
Ҳарир тола					Катта фарзанд		Мохир ўзбек футбол-чиси	Қитъа		Хурмат, нуфуз											
Телшак тури								Умр		Мото-цикл маркаси											
					Дастур-хон кўр-ки	Катта идиш					Хонсю-даги тизма		Тошкент тумани-га яқин шаҳар								
Онапини сипг-лиси		Қиммат-ли қоғоз		... боб			Фаоли-ятдаги тажриба	Қучли совуқ					Самолёт маркаси								
					Исм	Чорва озуқаси		Қад-қомат		Ҳаё											
Қонун ҳужжати қисми	Тун қуши	Қоми-даги шаҳар						Салом-нинг жавоби	Порт-ловчи курол				Фран-сиядаги дарё								
			Дурад гор асбоби	Ангара ирмоғи	Дунё					Турфа ранг			Вьет-нам дарёси								
		Фран-циядаги шаҳар		Сайёра		Эркақ-лар исми				"Отелло" қахра-мони											
						Банк тури				Гина	Футбол-чи Пеле ватани	Назм ижод-кори									
	Латин адиби	Узун думли тўти				Оли маъ-лумот босқичи															

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

“ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИ ЙИЛНОМАСИ” КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Ёйлар бўйича ўннга: О'. 1912. Z. 1992. В. 1926. Е. 1954. К. 1993. I. 1970. S. 1995. Т. 1998. О. 1913. N. 2011.

Ёйлар бўйича чапга: О'. 1916. Z. 1915. В. 1994. Е. 1920. К. 1956. I. 1996. S. 1974. Т. 1999. О. 1997. N. 2010.

Шакл агрофида: Абдураимов. Красницкий. Раҳмагуллаев. Ирисметов.

СКАНВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: Кўкон. Детектив. Вертолёт. Тикан. “Тико”. Муаммо. Ор. Собит. Тола. Бахс. Оқибат. Роза. Инок. Сопрано. Кийик. “ИЛ”. Атом. Илм. Хина. Модда. Алла. Улок. Лорд. Кон. Лира. Доси. Опа. Ар. Пул. Далв. Емиш. Ватин. Ирқ. Роллан. Пат. Из. Адиба. Роман. Ёт. Лас. Кана. Канарейка.

Бўйига: Автомобиль. Европа. Енот. Ёки. Истак. Нотик. Уран. Мискол. Барно. Атлас. Омилкор. Тил. Олимпиада. Драп. Литосфера. Тарих. Отойи. Нумизматика. Чад. Олам. Давр. Ўтин. Ян. Амазонка. Зинҳор. Ҳосилдор. Лаос. Уд. Иш. Аён. Нивелир. Дафна. Палак. Артист. Хантал.

– Торт уни оғидан!



– Унчалик қаттиқ боғлаб юбормадимми?



– Ҳали ухлаганим йўк, билийсизларми? Ҳали ухлаганим йўк!

– Қўшнижон, эримдан хавотирдаман. Мушук косадаги қаймоқни еб қўйган экан, дарёга чўктириш учун олиб кетганди. Ҳалиям қайтмади.

– Нега хавотир оласиз? Келиб колар.

– Вой, нега хавотир олмай? Мушукнинг қайтганига бир соатдан ошди, ахир!

Бир одамнинг кўзига фаришта кўринди ва ундан сўради:

– Эй Фаришта, 100 йил сен учун қанча вақтга тўғри келади?

– Бир зум.

Ҳалиги киши яна сўради:

– Бир миллион сен учун қанча пул?

– Бир тийин.

Шунда ҳалиги киши деди:

– Менга бир тийин бер.

– Бир зум кутгин.

– Тушунмадим, бир оёғингга этик, бир оёғингга туфли кийиб олибсанми?

– Об-ҳавони эшитмадингми, айрим жойларда ёмғир, айрим жойларда қор ёғар эмиш.

Икки болакай суҳбати:

– Кел, ҳайвонот боғи ўйинини ўйнаймиз.

– Майли, фақат қандай қилиб ўйнаймиз?

– Масалан, мен маймун бўламан, сен эса менга банан отасан.

–Хотин, бунча имиллайсан, меҳмонга кечикаяпмиз, ахир!

– Жуда бесабрсиз-да! Бир соатдан бери шошилтирасиз, икки дақиқада тайёр бўламан, дегандим-ку!

– Сизнинг касалингиз жиддий, қандайдир куч сизни ўғирлик қилишга ундайверар экан.

– Дўхтир, бу касалнинг бирор давоси борми?

– Ручкамни қайтариб берсангиз, дори ёзиб бераман.

Olamlar chorrahasida

Жимликни куйлаётган одамни ёки сукунатни тинглашни тасаввур қилиш мумкинми? Рассомларнинг асарларини кузата туриб, кўпда шу фикрга келади киши. Рассомнинг бирор асари ўз олдига бир одамни михлаб қўя олдим, демак, унинг меҳнати самара берибди. Баъзан оддийгина кўринган тасвирни чизиб кўрмоқчи бўлсак, узоқ ўйланиб қоламиз, ишни нимадан бошлашни билмаймиз. Бу масалада мутахассисга мурожаат қилиб қўя қоламиз. Бу мутахассисни... бир сўз билан рассом атаймиз.

Рассом Умида Эрматова 1981 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган. У 2000 йили Бенков номидаги Республика Рассомлик коллежининг либос тарихи бўлимини тамомлаб, 2001 йил Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг Санъатшунослик факультетига ўқишга кирди. Шу йили “Миср рассомлар нигоҳида” номли кўرғазмада Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асари асосида яратилган либослар коллекциялари билан иштирок этди. 2002-2003 йиллар давомида “Дунёнинг яралиши”, “Қалбимнинг очилмаган олами” номли рангли асарлар сериясини яратди. 2003 йилда Ўзбекистон Бадий Академиясида “Аёл мадҳи”, “Ассалом, Наврўз”, “Ҳамкасблар мулоқоти” республика бадий кўрғазмаларида ўзининг “Қалбимнинг очилмаган олами” номли рангасвир асарлари туркуми билан муваффақиятли иштирок этди. Шунингдек, Умида турли тадбирларда либослар рассоми сифатида ҳам қатнашиб келмоқда. У профессор, академик Баҳодир Жалолов ҳамда Жавлон Умарбековлардан рассомлик сирларини ўрганди.

Яқинда Ўзбекистон Бадий Академияси, Ўзбекистон Бадий Ижодкорлар уюшмаси, Камолитдин Беҳзод мемориал боғ-музеи Умида Эрматованинг “Оламлар чорраҳасида” номли шахсий кўрғазмасини тақдим этди. Кўрғазма намойишига ижодкорнинг турли жанрларда ишланган 60 га яқин асари қўйилган. Буларга “Кунгабоқар”, “Она”, “Ниқоб”, “Тақдир” ва “Интизорлик” кабиларни мисол қилиш мумкин.

Умиданинг асарларида аёл қалбининг нозик қирралари акс этади. Унинг ишларини кузата туриб, олис орзуларни, кўнглининг туб-тубида яшириниб ётган туйғуларни, ўтмиш ва келажак ҳақидаги уйғоқ тасаввурларни ҳис қилиш мумкин. Умида Эрматованинг ижодига баркамоллик тилаб, янги-янги кўрғазмалари, либослар тўпламларини кутиб қоламиз.

Комил ЖОНТЎЙ тайёрлади